

Т. Тилобов

ЁШЛАР ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Т. ТИЛОВОВ

ЁШЛАР ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ

**Қарши
“Насаф” нашриёти
2009**

Кириш

Ўзбекистон ўз тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида жадал ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу даврнинг мазмуни ва моҳиятини Республикамиз Президенти И. Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек: “Биз мустақилликни қўлга киритиб, эндиликда уни мустаҳкамлаш ва шунинг асосида янги, адолатли жамият қуриш йўлига ўтдик. Бугунги шароитимизни осон деб бўлмайди. Биз жуда катта қийинчиликларни бошдан кечирдик. Олдинда яна қанчадан қанча синовлар турибди. Бугунги мураккаб вазиятда танлаб олинган ва азалий миллий манфаатларимизга, халқимизнинг табиатига, онгига маъқул йўлдан адашмаслик чоралари ҳақида, Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболига етиш йўли хусусиятлари тўғрисида гаплашиб олишимиз зарур”¹.

Мана шу порлоқ истиқбол йўлида оғишмай бориш, бу орзу йўлидаги салмоқли, тарихий вазифаларни ҳал этишда биринчи навбатда бажарилиши зарур бўлган устувор йўналишларни танлаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай устувор йўналишлардан биринчиси – Президентимиз кўрсатганидек, жамиятни маънавий инқироздан олиб чиқиш: “Бу – энг шарафли ва энг оғир вазифалардан бири. Уни осонликча ҳал этиш қийин. Халқ ўзи шу вазифани тушунса ва бизга яқиндан туриб ёрдам берсагина ижобий натижага эришиш мумкин”².

Бу йўл бир қарашда ғалати кўринади. Кўпчилик фикрича, ўтиш шароитларида, биринчи галда иқтисодий вазифаларни ҳал этиш зарур, маънавият, ахлоқ муаммоларини кейинчалик ҳал қилса ҳам бўлаверади, деб ўйлар эди. Нега энди маънавият биринчи ўринга чиқар экан?

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида Президентимиз бу саволга жавоб бериб шундай деган эди: “Моддий ислохотлар ўз йўлига. Уларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислохотлар қуллик ва мутеълик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш-бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда”³.

Президентимизнинг бу мурожаати бутун халққа ва биринчи галда жамиятнинг энг фаол қисми-ёш авлодга қарата айтилган.

Мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор ўзининг азалий кадриятларига эга эканлиги, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниши, 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши, Ёшлар йили Давлат дастурини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаш ҳақидаги қарорлар ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган чора тадбирлардир.

Чунки маънавий инқироздан чиқиш биринчи галда ёшлар онгида юз беради.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. “Ўзбекистон”. 1 том. 1996. 200 б

² Ўша асар, 202 бет.

³ Каримов И.А. Ўша асар. 1 том. 1996. 202 б.

Маънавият ва маърифатни юксалтириш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Зеро, маънавият ва маърифатни ривожлантирмасдан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам, бу соҳа давлат сиёсатининг доимо диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси маънавият ва маърифатни юксалтиришга қаратилган бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, “Таълим тўғрисида”, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», “Давлат тили тўғрисида”, “Ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ва бошқа тарихий аҳамиятга эга бўлган қонунлар қабул қилинди. Шулар асосида “Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар”, “Ёшлар сиёсати оид”, “Олий таълимни ривожлантириш” уч босқичли спартакиада “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақалари каби қатор концепциялар ва дастурлар яратилди ҳамда ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимиз олдида турган вазифаларни ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси «Маънавият ва маърифат жамоат марказини тузиш» тўғрисида қарор қабул қилди.

Бугунги кунда маънавият ва маърифатни юксалтириш аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ана шуни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш» тўғрисидаги фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази қошида “Камолот”, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасини қўллаб - қувватлаш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши маънавиятга бўлган муносабатнинг ўзгаришидир.

Қабул қилинган фармон ва қарорларда халқимизнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришда “Маънавият ва маърифат” маркази халқимиз меросининг ноёб намуналарини тўплаш, авайлаб-асраш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизда мустақиллик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф- одатларимиз давомийлигини, раънақини уларнинг умуминсоний кадриятлар билан уйғунлашиб кетганлигини, буюк аجدодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини тўплаш, излаб топиш ва кенг тарғиб қилиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ушбу ҳужжатларда истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий жаҳатдан қўллаб қувватлаш имкониятлари очиқ берилган. Жумладан Олий ўқув юртлари академик лиций касб-хунар коллежлари талабалари учун давлатимиз томонидан яратилган кенг имкониятлар (Фонд форум, давлат грантлари, ва ҳ.к.) кўрсатилган.

Ўзбекистон ёшларининг янги сифатдаги маънавий-ахлоқий қиёфасини тиклаш, яъни қаддини кўтариш, янги иқтисодий негиз ёки сиёсий тузум шаклланишига нисбатан узоқроқ ва мураккаброқ жараёндир. Шунинг учун ҳам, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир бўлган ёш авлодни

тарбиялаб вояга етказиш – давлат миқёсидаги муҳим иш бўлиб, энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсати мавсумий бўлмай, муайян давр талаби ва халқимиз минталитетидан келиб чиққан ҳолда изчил ривожланиб бормоқда. Ёшларимиз яратилаётган имконият ва имтиёзлар кўрсатилаётган ғамхўрликларга бефарқ эмас. Томирида Алпомиш қони гупираётган азамат йигитларимиз, Тумарисдек чапдаст моҳир қизларимиз жаҳон спорт мусобақаларида юртимиз байроғини баланд кўтаришаётган бўлишса, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳаларида изланишлар олиб бораётган йигит-қизларимиз ютуқлари бекиёсдир.

Шу муносабат билан жамиятимиз ҳаётида гуманитар-ижтимоий фанларнинг ўқитиш ва ўргатиш аҳамияти янада ошиб бориши табиийдир. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Республика Фанлар академияси умумий йиғилишида шундай деган эди: “Олимларимиз, биринчи навбатда ижтимоий фанлар вакиллари олдида турган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас”¹.

Шуниси аҳамиятлики, давлатимиз раҳбари жамиятимизни маънавий инқироздан чиқаришга хизмат қилувчи ижтимоий фанларнинг вакиллари, жумладан, олимлар, адабиёт ва санъат вакилларининг эътиборини қайта-қайта шу муаммоларга қаратади. Айни вақтда Ўзбекистондаги бошқа давлат ва жамоат ходимлари ҳам шу масалаларга жиддий эътибор бермоқда.

Бизнингча, фалсафий тафаккур тарихидан ижтимоий адолат ва унинг тамойилларидек инсон учун муҳим муаммони топиш қийин бўлса керак. Чунки, ижтимоий адолат ҳам фалсафий тафаккурнинг ютуғи, ҳам умуминсоний қадриятлар сифатида барча инсонлар учун азиз ва қадрлидир.

Шуниси ҳам борки, ижтимоий адолат тамойилларининг ҳолис талаблари билан ёшларнинг ҳаётда нима адолатли ва қайси иш адолатсиз экани ҳақида тасаввурлари бир хил эмас. Адолат ҳақидаги тасаввурлар ҳар бир инсоннинг ҳаёт тажрибаси ва маънавий камолотига боғлиқдир.

Инсоният тарихида барча файласуфлар ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш муаммоларини асрлар давомида тадқиқ қилиб келади. Бироқ шунга қарамай, бу муаммоларнинг амалий ҳал этилиши барча замонларда жуда катта қийинчиликлар билан бўлган. Қадимият мутафаккирлари Зардушт, Моний, Маздак, Афлотун, Арасту ва бошқалар ижтимоий адолат муаммоларига жуда катта эътибор берганлар. Жумладан, Арастунинг ижтимоий адолат муаммолари ҳақидаги ахлоқий тамойиллари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Арасту “Никомах этикаси” асарида ҳуқуқий муносабатларнинг инсонпарварлик асосида қурилиши адолатлидир, деб таъкидлайди. Арасту адолатни инсон озодлиги концепсияси билан

¹ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т. “Ўзбекистон” 1994. с. 58.

боғлиқ ҳолда кўриб чиқади. Гарчи алломанинг ижтимоий адолат ҳақидаги фикрларида мунозарали жиҳатлари бўлса-да, аммо қадимги юнон фалсафасида ижтимоий адолат тамойилининг ўша давр учун энг мукамал концепсиясини Арасту ишлаб чиққанлигини эътироф этишимиз керак.

Яна бир қадимги Юнон мутафаккири Эпикур ҳам адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик муаммоларини кўп тадқиқ қилган. Эпикур адолатнинг икки хил табиатини кўрсатади. 1) Табиий, аслий адолат. 2) Инсонлар ўртасида ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар асосида таркиб топадиган муносабатлардаги адолат тамойиллари.

Шуниси эътиборга лойикки, барча замонларда адолат тушунчаси ҳаёт ноз-неъматларини тақсимлаш муаммолари билан боғлиқ. Эҳтимол, бу муаммолар ибтидоий жамоа тузуми давриданок вужудга келган бўлса керак.

Адолат ҳақидаги таълимотларнинг тараққий этишидаги иккинчи босқич зардуштийлик, иудаизм, христианлик, ислом ва бошқа динларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Афлотун ва Арасту асарларини шарҳлаган Ўрта аср Шарқ Уйғониш даврининг мутафаккири Абу Носир Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” китобида адолатли жамият ҳақидаги орзуларини Томас Мор ва Томазо Компанеллодан беш аср аввал баён қилган эди.

Кейинроқ Абу Али ибн Сино “Жон ҳақида” асарида бундай деган эди: «Модомики, ҳаёлдаги нарсалар жонда бил-қувват (потенциал равишда) мавжуд бўлиб, сўнг тадқиқотга айналар экан, булар ўртасида қаердадир ҳаёлдаги (орзудаги) нарсаларнинг ҳақиқатга айланиш имконини берадиган, оқилона, соғлом фикрга асосланган меъёр бўлиши зарур». Бизнингча, бу адолат меъёрдир.

Шарқ мутафаккирлари адолат муаммосини инсоннинг ахлоқий камолоти билан боғлиқ деб биладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг деярли барча нутқларида ижтимоий адолат муаммолари тилга олинади ва бу табиийдир. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок Президентимиз мақсадимиз адолатли ҳуқуқий демократик жамият куриш эканлигини таъкидлаб келади.

Ижтимоий адолат муаммоси фалсафа, жамиятшунослик, социология ва тарих фанларида доимо муҳим муаммо сифатида ўрганилади. Қадимги дунё, ўрта асрлар ва Уйғониш даври мутафаккирлари ижтимоий адолат муаммосига катта эътибор бериб келганлар. Янги, адолатли жамият куришга киришар эканмиз, бу соҳада ҳали етарли ўрганилмаган кўпгина муаммолар, социологлар, файласуфлар, тарихчилар, психологлар, ҳуқуқшунос ва ўқитувчилар чуқур ўрганиши зарурлигини англаймиз. Афсуски, шўролар даврида ижтимоий адолат муаммоси фақат фалсафа тарихи муаммоси сифатида ўрганилиб, совет жамияти ҳаётида адолат борми, йўқми, деган масала ўртага қўйилиши мумкин эмас эди. Сўзи бошқа-ю иши бошқа бўлган жамиятда ҳукмрон мафкура талаби билан “бизнинг жамиятимиз - энг адолатли” жамият дейишга мажбур эди.

Ватанимиз мустақилликка эришганлиги шарофати билан ижтимоий фанларда ҳам ўткир муаммоларни ҳолис ва ҳаққоний тадқиқ этиш имконияти вужудга келди.

Собиқ Совет Иттифоқида 80-йилларнинг иккинчи ярмида демократик кучлар таъсирида айрим социолог ва файласуф олимлар адолат муаммоси билан шуғуллана бошладилар. А.П. Скрипкин, А.П. Бутенко, А. Гусенов, А.М. Ковалев, А.М. Куфтирев илмий асарларида ижтимоий адолат муаммосининг у ёки бу жиҳатлари тилга олинди.

Л.И. Абалкин, Т.И. Заславская, Н.А. Шмелев, С. Шаталин каби демократ олимлар ва жамоат арбобларининг ишларида ижтимоий-иқтисодий аспектлар таҳлил этилди. В.Е. Давидович, З.А. Бербёшкина, В.В. Степанян ва А. Фаттаевларнинг шу мавзудаги асарларидаги ҳозирги жамиятимиз ҳаёти муаммолари ижтимоий адолат нуқтаи назаридан талқин этилади.

Ўзбекистонда ёшлар камолоти муаммоларини ўрганишга Ҳ.П. Пўлатов, Э.Ю. Юсупов, С.Ш. Шермухаммедов, Ғ.Ю. Шоюсупова, Н.Ғ. Ғоипов, М. Абдуллаев, И.Ж. Жумабоев, А.Қ. Валиев, С.А. Жўраев, У.М. Маҳкамов, М.Н. Нурматов, Э.И. Умаров, А.Ч. Чориев, Ш. Ёкубов, Х. Шайхова, Л.С. Яхёева каби олимлар ҳисса қўшдилар.

Республикамизда 80-90 йилларда ёшлар ҳаёти мавзуида бир қанча илмий тадқиқотлар юзага келди. В.А. Хайрулин “Ишчи ёшларнинг ижтимоийлашувида умумийлик ва хусусийлик. М. Аббасов “Қайта қуриш шароитларида шахснинг ижтимоий фаоллиги ва ахлоқий маданияти”, Х. М. Латипов “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги шароитларида ёшлар макomini ривожлантиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий муаммолари”, С.А. Жўраев “Ўзбекистон Республикаси ўтиш даврида давлатнинг ёшларга доир сиёсатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари”, С. Бозоров “Ёшлар ижтимоий онгининг эстетик жиҳатларини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари”, С. Чориев “Ижтимоий адолат-миллатлараро муносабатлар маданиятининг юксалишининг муҳим омили”, М. Эшматов “Экологик ҳолатнинг қишлоқ ёшларининг жисмоний ва маънавий қиёфасига таъсири”, Б. Саидов “Бўш вақт ва унинг ҳозирги замон ёшлари ҳаётининг фаолиятидаги аҳамияти”, А. Пўлатов “Мустақиллик шароитида миллий муносабатларни ижтимоий адолат принциплари асосида такомиллаштириш” мавзуларидаги илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Шу билан бирга, ёшлар онгининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи кўпгина ижтимоий муаммолар, хусусан ёшлар ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, миллий, диний, ахлоқий, маънавий масалалар билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ёшлар онгининг шаклланишида жамиятимизда юз бераётган муҳим ўзгаришлар жараёнида учрайдиган баъзи ижобий ва салбий ҳодисаларнинг сиёсий, мафкуравий эркинликка эришилган пайтда юз бераётган жиддий қийинчиликларнинг илдизлари қаерда эканини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда янгилашиш даврида ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришнинг назарий

асосларини, қонуниятларини ишлаб чиқиш ёшлар ҳаёти ва фаолиятида келиб чиқаётган муаммоларни ҳал этишга амалий ёрдам беради.

I. ИЖТИМОЙ АДОЛАТ МУОММОСИНИНГ ТАРИХИЙ ЎРГАНИЛИШИ.

Фалсафий тафаккур тарихида ижтимоий адолат тамойиллари тадқиқотчиларнинг энг кўп эътиборини тортадиган тушунчалардан биридир. Шунга қарамай бу соҳада жуда кўп ҳал этилмаган масалалар бор. Жумладан фалсафий адабиётларда ҳалигача “Ижтимоий адолат” тушунчасининг барча эътироф этган таърифи ишлаб чиқилмаган. Барча тадқиқотчилар, философлар, ҳам социологлар ҳам, ахлоқ ва ҳуқуқ олимлари ҳам ижтимоий адолат муаммоларини тадқиқ этар эканлар, бу қайси фанга ва ижтимоий онгнинг қайси шаклига алоқадор тушунча?-деган масалага мурожаат қиладилар. Шу билан бирга, деярли ҳамма мутахассислар ижтимоий мўъжиза бўлган ижтимоий адолат ахлоқий маънавий тушунчадир, аммо айни вақтда у фақат ахлоқ соҳаси билангина чекланмайди, деган фикрдалар. Аристотель “Катта этика” асарининг биринчи китобида ахлоқнинг ўзи қайси соҳага тегишли эканлиги ҳақидаги баҳсга муносабат билдириб, “Менимча ахлоқ-сиёсатнинг таркибий қисмидир”. «Чунки инсон муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмай туриб, муносиб одам бўлмай туриб, ижтимоий ҳаётда бирор (яхши) иш қилиш сира мумкин эмас – деган эди»¹.

Аристотель шу асарининг яна бир ўрнида ахлоқ фазилати ижтимоий адолат туйғуси ҳақида таъкидлайдики: “Ижтимоий адолат нимада кўринади ва у қайси соҳага киради? Аввало, адолатнинг ўзи нима? Адолат (тушунчаси) икки хил (маънода) дир. Биринчиси – қонунга мувофиқлик (маъноси): қонун талаб қилган нарса адолатлидир. (Аристотель бу ерда илоҳий қонунни назарда тутаяди, қадимда давлат қонунлари илоҳий кўрсатмалар асосида тузиларди-Т.Т) Қонун (ҳар бир фуқародан) мардона, оқилона, умуман, фозил одамларга хос иш тутишни талаб қилади. Шу маънода адолат - баркамол (гўзал) фазилатдир”². Ҳозирги замон олимлари ҳам адолатни ахлоқий онг унсури эканини таъкидлаш билан бирга, уни ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий онг тушунчаси ҳам деган фикрларни айтадилар.

Бу ўринда биз фақат адолат тушунчасига ўзаро жиддий фарқланувчи икки хил қарашни кўриб чиқамиз. Демак, баъзи олимлар “Ижтимоий адолат” деганда табиатда бор ёки жамиятда ишлаб чиқарилган ноз-неъматларининг меҳнатга мувофиқ тақсимланиши ёки айрибош қилишни тушунадилар.

«Адолат деб бошқаларнинг мол ва номусини ҳурмат қилмакни айтилур,-деб ёзади XX аср ўзбек мутафаккири Адбулла Авлоний Адолат яхши хулқларнинг амал қилиниши, зулмнинг муқобили (зиди) дур. Адолатли ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмаган ишни ўзгаларга раво кўрмас... Адолатни ҳимоя қилган кишилар ҳеч бир кишига жабру зулмни истамас. Ақл ва шариатга мувофиқ иш қилур... Ҳар бир миллатнинг тараққий ва тамойили (юксалиши), давлат ва ҳукуматларнинг узок яшамоғи адолатга боғлиқдир.

¹ Аристотель Большая этика. Соч. Том. 4. стр. 324

² Ўша манба

Адолатдан айрилган подшоҳларнинг давлатлари йўқ бўлиб, тарих саҳифаларига фақат исмлари қолганлиги билгулидир».

Ҳар ким меҳнатига яраша деган тамойилга амал қилинадиган жамият адолатли жамиятдир. Кўп меҳнат қилган камбағаллашиб, меҳнат қилмай текин бойлик орттирадиганлар бойиб борадиган жамиятда эса адолатсизлик ҳукм суради.

Ижтимоий адолат тушунчаси илмий назарий жиҳатдан объективдир, яъни уни ҳар ким ўзи хоҳишига қараб ўзгартира олмайди. Шунинг учун олимлар ижтимоий адолатнинг объектив маънодаги таърифини беришга интиладилар. Фалсафий маънода ижтимоий адолат-жамият ривожининг муайян тарихий шароитида фуқароларнинг меҳнат фаолияти, яъни бунёдкорлиги ва интилишлари билан жамият ва давлатнинг, турли гуруҳлари, жамоалари айрим шахсларнинг жавобан ҳаракатларининг мувофиқ келиш мезонидир. Адолат айрим шахснинг жамият фаровонлигини оширишга қўшадиган ҳиссаси билан унинг жамиятдан оладиган ҳақиқий ёки жиноят қилган шахсларга бериладиган жазонинг мувофиқлиги ва мутоносиблигидир. Ижтимоий адолатнинг ҳар бир даврдаги мавжуд тизими шахсни, унинг ҳуқуқларини ижтимоий зулмдан қафолатлаши, ҳимоялаши зарур.

Баъзи олимлар ижтимоий адолат деганда ахлоқий қадриятларни, одамларнинг ўзаро талаблари ва фаолиятларини, қилмишларини ахлоқий жиҳатдан баҳолаш мезонини кўзда тутадилар¹.

Ижтимоий адолатни бундай тушунишда субъективлик, жамоавий онг ва индивидуал онг унсурлари ишга тушади. Бундай ижтимоий адолат жамият ноз-неъматларининг тақсимлаш ёки айрибошлашда айрим одамларнинг баҳосига ҳам асосланиши назарда тутилади, яъни ҳар бир шахс онгида ижтимоий адолат ҳақида ўзича тасаввур бўлиши ҳам мумкин.

Ижтимоий адолат бу икки таъриф билан чекланиб қолмайди. Иккала таъриф ижтимоий адолатнинг икки жиҳати объектив талаб ва субъектив шароитни акс эттиради. Ижтимоий адолатнинг мана шу иккала жиҳатини ҳисобга олиш, ҳозирги ёшларнинг онгида адолат ва адолатсизлик ҳақида тўғри тушунчаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Муаммонинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ижтимоий адолат умуминсоний маънавий қадрият ва эҳтиёж бўлиши билан бирга, ҳар бир даврда ижтимоий ҳодисаларга баҳо берилганида, муайян тарихий давр хусусиятларини ҳам назарга олиш керак бўлади. Чунки ижтимоий адолат муаммоси қадимги замонлардан токи ҳозирги кунгача барча мутафаккирларни қизиқтириб келади.

Юнон мутафаккири Аристотел адолат муаммосини биринчилар қаторида ва ҳар томонлама тадқиқ қилган. Бу соҳада Аристотел кашф этган ахлоқий тамойиллар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аллома ўзининг “Никомах этикаси” асарида адолатли ҳуқуқий муносабатлар инсонпарварликка асосланиши зарурлигини уқтиради.

¹ Гринберг Л.Г. Адолат нима. Л. 1968. с. 124.

Буюк файласуф айтган эдики, одамлар ўртасида қанчадан қанча қарзни ундириш бўйича низолар, ёлғон гувоҳлик беришда айбловлар, бойларга хушомадгўйликлар қилиш мулкнинг умумий эмаслиги оқибатидадир. Бундай шароитда “хусусий мулк эгаларининг ахлоқий бузукликлари келиб чиқади”. Бир қарашда Аристотелнинг бу фикрлари “коммунистик руҳда” бўлиб кўринади. Аммо, хулоса чиқаришга шошилмайлик. У иқтисодий самарадорликда жамоат мулкни ҳам энг яхши деб ҳисобламаган. Бирор мулк ўзинга тегишли эканини англаш одамга қанчалик роҳат бағишлайди¹. Аристотель бу икки хил мулк шакллари уйғунлаштириш фикрини билдирди. Бундай уйғунлик мақсадга мувофиқ вариант эканлигини ҳозирги ислохотларимиз ҳам равшан кўрсатмоқда. Бизда ҳозир хусусий мулк эгалари билан бир вақтда турли ширкатлар, ассоциациялар, жамоат мулкига адолатли равишда, тенглик асосида коллектив эгалик қилувчилар ҳам кўпайиб бормоқда. Аристотель адолатли давлат ҳақида фикр юритар экан, адолат мезони бўлиб хизмат қилувчи ҳуқуқ (яъни адолатли қонун) сиёсий муносабатларни тартибга солувчи норма бўлиши лозим, деган эди².

Аристотель адолатни инсон эркинлиги муаммосидан келтириб чиқариши қизиқарлидир. Инсон табиат фарзанди сифатида жамият қонунлари томонидан қулга айлантирилиши яхши эмас. Табиатан барча одамлар тенгдирлар. Хожанинг қул устидан ҳуқумронлиги нотабиийдир... ва зўравонликка асосланганлиги учун адолатсиздир, -деб ёзади Аристотель. Шундан сўнг мутафаккир урушлар натижасида келиб чиқадиган кулликни ҳам қоралаб «Уруш тамойилининг ўзи ҳам адолатсизликдир, чунки кулликка сазовор бўлмаган одамнинг қул бўлишга мажбур қилишлик – адолатсизликдир» - дейди.

Аристотель фикрича, адолат ўрнатиш учун адолатсизлик қилганларни жазолаш ва танбەҳ бериш керак, бошқача айтганда, адолатсизлик қилувчилар (золимлар) ва адолатсизликни бошдан кечирувчилар (мазлумлар) ўртасида адолат ҳакам бўлиб туради.

Гарчи буюк алломанинг баъзи фикрлари мунозарали бўлса-да, тан олиш керакки, қадим юнон фалсафасида ва кейинчалик ҳам адолат концепциясини ҳеч ким Аристотелчалик ҳар томонлама ва мукамал ишлаб чиқмаган. У ўзининг учта “Этика” китобида (“Никомах этикаси”, “Евдим этикаси”, “Катта этика”) ва “Полемика” (“Мунозара”) асарида адолат муаммосининг турли қирраларини хилма - хил кўринишларда таҳлил қилган. Аристотель фикрича, адолат “меъёрини сақлаш” билан ҳосил бўладиган (буни шарқона “инсоф” сўзи билан ифодалаш мумкин. Чунки шарқ мутафаккирларининг асарларида бу сўзлар, кўпинча, “Инсоф, адолат ” деб биргаликда қўлланилади-Т.Т.). Яъни Аристотель фикрича, нимаики меъёрида бўлса, адолатлидир.

Аристотель адолатни қонунийлик ва барчага тенг қараш (одиллик) кўшилишидан туғиладиган фазилат деган тушунчани фанда биринчи марта илгари сурган эди. Шу фикрдан келиб чиқиб, у ажратувчи ва тақсимловчи

¹ Аристотель. Соч. том IV.М., “Мысль”. 1983. с. 410.

² Аристотель. Соч. том IV.М., “Мысль”. 1983. с. 379.

адолатни – сиёсатга, тенг қаровчи адолатни иқтисод ва ҳуқуқга алоқадор деб билади.

Шуниси аҳамиятлики, Аристотель адолатни икки адолатсизлик ўртасидаги нарса деб билади. Яъни бир адолатсизлик қонунбузарлик, иккинчиси – тенг ҳуқуқли одамларга бирдай, тенг деб қарамаслик. Бу иккала адолатсизликдан тенг узоқликда жойлашган ўртадаги ҳодиса бу-адолатдир. Бошқача айтганда, бир-бирига қарши икки ҳиссиёт (масалан, кўрқоқларча юмшоқсупургилик ва ботирларча кўполлик) ўртасидаги меъёр-фазилят бўлгани каби, адолат ҳам ўрталиқдаги “олтин меъёрдир” (русча-золотая середина)¹.

Қадимги юнон мутафаккири Эпикур асарларида эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуқлик, адолат ва адолатсизлик каби маънавий ахлоқий муаммолар ҳақида сўз боради. Жумладан, у адолатнинг икки қирраси ҳақида гапиради: 1) адолат табиий асосга эга; 2) адолат ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар-меъёрлар билан мустаҳкамланган инсоний муносабатларни белгилайди, назорат қилади².

Шуниси эътиборлики, барча замонларда адолат, асосан, ҳаёт ноз-неъматларини тақсимлаш билан боғлиқдир. Бу ғоя шу қадар кенг тарқалганки, халқ ижоди (фольклор), анъаналар, ақида, эътиқодлар тарихи ноз-неъматларни тақсимлашнинг у ёки бу усулда белгилашни адолат талаби билан боғлайди.

Хатто, қадим юнон мифологиясида адолат ва ҳақиқат маъбудаси Фемида ноз-неъматларини (ёки тўғрироғи, гуноҳ ва савобларни) тотиб, салмоғининг оғирлигини аниқлашда ҳаммага бирдай қараш учун кўзларини рўмол билан боғлаб, тўсиб олган ҳолда тасаввур қилинади.

Демак, ҳамма замонларда халқ онгида барча инсонларни ибтидоий тенглаштириш табиат (ҳақ таоло) олдида барча инсонларнинг тенглиги тамойилидан келиб чиққан. Шу маънода, чиндан ҳам барча инсонлар озиқ-овқат, кийим кечак, дам олиш, кўнгил очиш эҳтиёжларида тенгдир. Аммо, адолатнинг бошқа талаби (ёки қонунига) кўра, ким кўп меҳнат қилса, ҳаёт неъматлари ҳам ўша одамга кўпроқ берилиши керак. Бу эса адолат талабидир. Исломий қоидаларда одам ҳар қанча бой бадавлат бўлса, камтарин яшаши ва бойликларини камбағал муҳтожларга закот, хайр садақа сифатида беришни фарз қилиб қўйилгани, ҳам ҳаёт неъматларининг адолатли тақсимланиши ҳисобланади.

Худди шу маънода адолат ва таълимотларнинг иккинчи босқич христианлик (масихийлик), ислом ва бошқа диний эътиқодларда адолат талаби келиб чиқади. Ўрта аср шарқ фалсафий меросида адолат тамойилларини қарор топтириш борасида жуда ажойиб фикрларни учратамиз. Бу давр шарқ мутафаккирлари ижодида адолат – худди иймон, эътиқод каби марказий муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, Шарқнинг алломалари фикрича, бошқа барча масалалар иймон, эътиқод ва адолат муаммосининг қандай ҳал этилиши билан боғлиқдир. Афсуски, ғарб

¹ Аристотель. Никомахова этика. –СПб., 1908, с. 93.

² Антология мировой философии. М., 1996.-Том 1.с. 360.

назариётчилари шарқ фалсафасининг бу хусусиятини асоссиз равишда инкор қилиб келдилар. Масалан, Эрнест Реннаннинг ёзишича, Шарқ фалсафаси ҳозирги ижтимоий ҳаёт шароитларини яхшилашга ва жамиятнинг энг муҳим эҳтиёжларини тўлароқ қондириш масалаларига қизиқмайди, Унинг барча Шарқ мутафаккирлари шундай фикрлайдилар¹. Афсуски, бундай қараш инсоният маданият тараққиётининг оврупопарастлик назарияларига хос хусусият бўлиб, Шарқ фалсафий меросини яхши билмаслик оқибатидир. XX асрдаги кўпчилик Ғарб олимларини таъкидлашича, оврупа фалсафаси ва маданияти Мессия (Исонинг яна бир марта ер юзига осмондан тушиб бахтли ҳаёт қарор топтириши) ҳақидаги ва гуё Шарқ фалсафасининг бу маданий тараққиётга мослаша олмаслиги ҳақидаги янглиш фикрларга асосланади. Англиялик У. Хаас, Ғарбий Германиялик Л. Фон-Визе каби файласуфларнинг асарларида шундай фикрлар учрайди. «Шарқ фалсафасининг чуқур мистик руҳи (ғойиботнинг сирли билимларига асосланиши) туфайли – деб ёзади Леополд фон Визе, - у инсониятнинг озод бўлишига ёрдам бера олмайди. Бу ишни Осиёга хос одам эмас, балки Оврупо ва Америкага хос фазилатли одамгина амалга ошира олади».

Аслида шундайми? Йўқ, албатта. Шарқ файласуфлари инсон маънавий камолоти йўллари кўрсатишда ғарбликлардан қолишмайдилар, Аксинча, кўпчилик мумтоз Ғарб файласуфлари Р. Декарт, Д. Юм, Г. Гегель ва бошқалар Шарқ мутафаккирлари Форобий, Ғаззолий, Ибн Арабий, Ибн Туфайл, Ибн Рушид ва бошқаларни ўзларига устоз деб биладилар.

Афлотун ва Арасту (Аристотель) асарларининг шарҳловчиси Абу Наср Форобий (870-950) ўзининг “Ароғу аҳли мадинатул фозила” (Фозил одамлар шаҳри аҳолисининг фикр-раёйлари) асарида Томас Мор ва Томмазо Компанелладан кўп асрлар илгари адолатли жамият ҳақидаги таълимотни яратган эди. “Инсон ҳаётининг мақсади олий бахт-саодатга етишмоқдир, -деб ёзади Форобий шу асарида, бунинг учун эса, инсон бахт-саодат ўзи нималигини билиши, шуни мақсад қилиб, шунга интилиши зарур. Яна шуни ҳам билиш зарурки, инсон бахт-саодатга етишиши учун нималар (қандай ишлар) қилиши керак?”² Абу Носир Форобий одамлар ялпи адолатли жамият куриш ва унда бахтиёр яшашлари учун бундай шаҳар-давлатнинг идеал ҳокимияти қандай бўлишини, қандай фазилатли одамлар бу ҳокимиятни бошқаришга лойиқ эканини тушунтиради. Форобийнинг бизгача етиб келган бебаҳо асарларида адолатли жамият ҳақидаги турли-туман қарашларнинг диалектик моҳияти очиб берилади. Алломанинг “Фуқаролик сиёсати” деган фундаментал асарида адолат тушунчасининг муайянлиги таъкидлади.

Буюк аллома жон ҳақида ёзганида ҳам, бу тушунчани мавҳум шаклсиз бўшлиқ ҳолида эмас, балки, муайян, аниқ равшан маънавий ахлоқий асос-нафси-номус ғояси билан тўлдиради, номус эса виждон иймон сўзига маънодошдур, виждон, иймон бор жойда эса адолатсизликка ўрин йўқ³. Мутафаккир адолатнинг вазифасини жамиятнинг турли тоифаларини бошини

¹ Реннан Э. Соч.-Киев, 1922. Том III, 148.

² Ал-Форобий. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. Наука. 1973. с. 122.

³ Ал-Форобий. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. Наука. 1973. с. 22.

ковуштириб, жамиятга бирлаштиришда ва жамиятнинг осойишталигини химоя қилишда, деб билади. Унинг фикрича, адолатнинг ахлоқий негизи меҳр шафқат, муҳаббатдир. “Агар бир одам ўзига тегишли ноз-неъматлардан олмаса-адолатсизликдир, - дейди Форобий - Аммо, бунинг акси агар бир одамнинг ноз-неъматларини олиши шаҳарга (жамиятга) зарар келтирса, бу ҳам адолатсизликдир”¹.

Форобийнинг бу фикри Афлотуннинг қуйидаги фикрларига ҳамоҳангдир. Афлотун «Давлат» асарида адолатнинг ахлоқий мезонлари ҳақида фикр юритиб, инсон илм-фанни эгаллашда оғир, вазмин ва сабр-бардошли бўлиши, илмни ва олимларни, адолатни ва одил одамларни севиши, ўз истак-хоҳишларида бадбинлик ва худбинлик қилмаслиги, ейиш ичишда баднафс, очкўз бўлмаслиги, табиатан шахватпарастликдан, дирҳам ва динорлардан ва шу каби (бойликка ружу қуйиш)дан ҳазар қилиш керак. Иймон, эътиқодли инсон яхши тарбия кўрган, яхшилик ва адолатга буйсунадиган, ёвузлик ва адолатсизликка осон берилмайдиган, ғоят оқилона фикрлайдиган одам бўлиши лозимлигини уқтирди.²

Форобий асарларида номусли одам адолатга, адолатли қонунга бўйсунувчи, оқилона фикрловчи бўлиши таъкидланади. Адолат мезони деганда бирор иш, ҳаракат қилиш (жамиятга), яъни, ўзидан бошқаларга ҳам фойдалими ёки зиёнми, бу иш гўзалми ё хунукми, яхшими ёки ёмонми?,- деган саволларга қандай жавоб берилиши тушунтирилади. Абу Али Ибн Сино ҳам бу фикрни тасдиқлайди: “Инсон фаолият (бирор ишни) қилишни танлаганда оқилона идора назорати остида қилиши лозим; оқилона идора-хоҳиш деганда пок ниятлар, фазилатлар атрофида ўзини йўлдан урувчи лаззатлардан тийиш, ҳақиқатга (Ҳақ таолога) самимий ва ҳаққоний (риёсиз) мурожаат қилиш қобилиятлари тушунилади”³.

Форобийнинг “Давлат арбобининг ҳикматли сўзлари” асарида қуйидагиларни ўқиймиз: «Инсон табиатан (фитратида, яратилишида) фазилатли ёки иллатли бўлмайди, худди у тўқувчи ёки хаттотлик касби билан туғилмаганидек»⁴. Демак, одамларнинг адолатпарвар-одил ёки адолатсиз-золим бўлиши ҳам жамият тарбияси ижтимоий муҳит таъсиридир.

Шарқ мутафаккирларининг деярли барчаси адолат тушунчасини маънавий камолот билан, одамнинг маънавий камол топиши билан боғлиқ деб биладилар. Жамиятдан айри ҳолда, алоҳида адолат бўлмаганидек, жамиятга, эл-юртга хизмат қилмаган одам маънавий камолотга эриша олмайди. Аммо, шундай тубан одамлар борки, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан минг бор тарбиялансангиз ҳам камолот касб этмайди. Бу дунёга келиб, камолот касб этмаган одамни Алишер Навоий “ҳаммомга кириб, ювинмай нопок чиққан” одамга ўхшатади. Бундай нопок одамлар, афсуски, шўроларнинг мустабид тузуми даврида мунофиқларча доҳийларни, партияни улуғлаш шароитида айникса кўпайиб кетган эди.

¹ Ал-Форобий. Социально-этические трактаты. Алма-Ата: Наука. 1973. с. 61...

² Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-Ата: Наука, 1973. с. 225-226.

³ Ибн-Сино. Избранные философские произведения. М. 1983. с. 382.

⁴ Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. с. 180.

Форобий ана шундай тарбиялаб бўлмайдиган одамларни фозиллар шахридан ҳайдаб чиқариш керак, деган фикрни билдиради.¹ Агар шундай қилинмаса, “Бирники туманга” дегандай, тубан одамларнинг нопоклиги юқумли касаллик каби бошқаларни ҳам буза бошлайди. Ана шундай нопок одамлар таъсирига берилмасликнинг ишончли кафолоти инсонларнинг адолатли, виждонли, иймони мустаҳкам бўлишидир. (Бу ҳақда кейинроқ муфассал тўхталамиз).

Инсоннинг бошқа фазилатлари орасида адолат шуниси билан юксак турадики, адолатпарвар одам бошлиқ бўлиб қолса, кўпчиликни, жумладан, ёшларни аҳил жамоага бирлаштириб, уларни ишларга ундайди. Агар одамда адолат туйғуси бўлмаса, оқиллик, жасурлик, сабр каби фазилатлардан ҳеч кимга фойда йўқ. Айниқса, адолатсиз золим одам ақлли бўлса, жамиятга кўп зарар келтиради.

Инсондаги адолат туйғуси унинг бошқа фазилатларини ҳам бирлаштириб яхшиликка йўллайди. Бу ҳол бошқа ўн икки фазилат (садоқат, холислик, ҳамдардлик, ўзаро ҳурмат, хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам, яхшиларни мукофотлаш ва ёмонларни жазолаш, барчага тенг қараш, қатъият, сабр, муроса ва ҳоказо фазилатлар) адолатнинг таркибий қисми бўлиб курашда енгиб чиқади.

Ҳар бир халқнинг адолатни турлича тасаввур қилишидан қатъи назар, деярли барча халқ мутафаккирларининг адолат ҳақидаги қарашлари умумийдир. Чунки адолат-инсоният ҳаётидаги абадий, мангу, ўзгармас, доимий эъзозланувчи қадриятлар қаторига киради.

Чунончи исломиётга қадар бўлган Абулқосим Фирдавсий ва Тусийнинг адолатга доир қарашлари Аристотель айтган тенглик тамойилига асосланади. У зардуштийлик пайғамбари Маздакнинг барча ноз-неъматларни умумлаштириш, яъни барчага тенг тақсимлаш шиори учун курашган. Аммо, бу таълимотида у инсонларнинг ор-номуси рамзи бўлган муқаддас оила ахлоқига дахл қилиб, ҳатто аёлларни ҳам тенг баҳам кўришни талаб қилган. Х аср араб алломаси Абул-Фараж Исфакхоний “Китоб алогоний” (Оҳанглар) китобида келтирилишича, Мобедлар мобеди-руҳонийлар бошлиғи Маздак Эрон подшоҳи Кайкубоднинг устози экан. У бир кун подшоҳга агар Зардушт таълимотига оғизда эмас, амалда содиқ бўлсанг, хотининг маликани бир кеча менга ҳадя қилгинчи деб фармон беради. Подшоҳ маликани унга ҳадя қилади. Аммо шу анжуманда пастроқда турган шахзода Анушировони одил руҳоний Маздакка ялиниб-ёлбориб, онаси маликанинг номусига тажовуздан кутқариб қолади. Шундай қилиб, Маздак фикрича подшоҳнинг хотинини умумлаштириш “адолатли” иш, шахзода Анушировон назарида эса, бу ўтакетган беномуслик, ғаламислик, ахлоқсизликдир. Ахлоқ, ор-номус соҳасидаги мана шундай янглишувлари оқибатида ҳам маздакийлар мағлубиятга учрадилар. Анушировон отасининг тахтига ўтиргач, маздакийларни қаттиқ таъқиб, қувғин қилиб дорга остирди. У биринчи бўлиб онасининг номусига тегмоқчи бўлган Маздакдан қаттиқ қасос олди.

Мол-мулкларни, айниқса ор-номус рамзларини умумлаштириш ғояси

³ Там же.

юзаки қараганда адолатли бўлиб кўринсада, адолатга зиддир. Ислом шариати барча одамларнинг Оллоҳ олдидаги тенглигини уқтирса-да, ҳар ким таотибодатининг оз-кўплиги, хайрли ва гуноҳ ишлари, фазилатлари ва иллатларига кўра ҳеч қачон тенг ҳисобланмайди. Энг адолатли, энг меҳр-шафқатли, саховатли, камтарин, сабр-қаноатли, бойликлари билан ғариб, мискин, мухтожларга ёрдам берувчи одамлар, хусусан, азиз авлиёлар Оллоҳ даргоҳида энг азиз одамлар ҳисобланади. Бу маънода тенглик ҳақида гапириш адолатсизлик бўлар эди.

Буюк инсонпарвар шоир, файласуф Саъдий Шерозий “Гулистон” ва “Бўстон” асарларида ҳақиқатни ва адолатни куйлади. Саъдий “Гулистон”да адолат ҳақида шундай ибратли ҳикоятни келтиради. “Дейдиларки, Ажам подшоҳларидан бири фуқароларнинг бор-йўғини тортиб олди ва зулмни ҳаддан ошириб юборди. Бу жабр-зулмга бардош беролмаган халқ мамлакатдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Фуқаро камайгандан кейин фаровонлик йўқолди, хазина бўшаб қолди. Бундан хабар топган душманлар чекка-чеккадан хужум қилишни бошладилар”. Ҳикоятда айтилишича, Ажам подшоҳи вазиридан лашкар ва халойикни атрофимизга тўпламоқ учун нима қилмоқ керак?-деб сўрайди. Вазири унга: “Бунинг учун подшоҳ лутфу қарамли ва сояйи давлатидан одамлар осойишта яшамоқлари учун адолатли бўлиши керак” дейди. Аммо подшоҳга бу гап ёқмайди ва вазирини зиндонга ташлатади. Бошқа ёқдан келган адолатли амакиваччаларини халқ қувватлайди ва подшоҳни тахтдан ағдаради.

Саъдий ўзи фикрини хулосалаб бундай дейди:

Ўз халқига жабру зулм раво кўрган подшоҳнинг,
Ўз дўстлари ёв бўлади қийин дам келган куни.
Фуқарога шафқат қилсанг, душмандан омондасан,
Адолатли шахоншоҳнинг халқи —бу ўз кўшини.

Саъдий яна “Бўстон” асарида ёшларга мурожаат қилиб айтади:

Кучинг етса ҳозирдан боғинга буғдой экин,
Акс ҳолда эртага эколмайсан арпа ҳам.
Фақат ғайрат, меҳнат-ла кўпаяди хазина,
Дангасамас, бой бўлар кўпроқ ишлаган одам,
Ўзи сира ишламай, бировдан кутса мадад,
Бундай одам аҳмоқдир, камбағал бўлар фақат.

Ростини айтганимизда, турли баландпарвоз шиорлардан кўра Саъдийнинг шу байтларига амал қилсак, ёшларга бахт-саодат йўлини кўрсатар эди.

Адолат муаммоси ўтмишдаги барча динлар, айниқса, ислом дини вакиллари қизиқтириб келгани табиийдир. Негаки, адолат юқорида айтганимиздек, иймон, инсоф масаласи билан узвий боғлиқдир. Ислом дини жамиятда адолат ва тенглик зарурлигини, одамларни ҳар қандай жабр, зулмдан, озод қилиш кераклигини англаб етган. Бир қулни озод қилиш савоб ишларнинг энг олий мартабаларидан ҳисобланган. Оғир гуноҳ қилган одам ҳам қулларини озод қилса, гуноҳи кечирилиши Ҳадиси шарифда айтилади. Қуръон оятларида: “Барча одамлар Оллоҳ олдида тенгдир, улар фақат

такводорлиги (художўйлиги, фазилатлари) билан фарқланадилар”, - дейилса, Расуллilох ҳадисларида эса “Кимки ўзгаларга раҳм шафқат қилмаса, Оллоҳ унга раҳм қилмайди”, “Садақа аввал Худо даргоҳига бориб, кейин фақирнинг кўлига тегади”, “Бир соатлик адолат бир йиллик ибодатдан афзалдир” каби ҳикматларнинг мавжудлиги ислом динининг адолат масаласига катта эътибор берилганини кўрсатади.

Исломда ўғрилиқ, текинхўрлик, юлғичлик, мунофиқлик, ёлғон гувоҳ, зинокорлик, одам ўлдиришга оғир гуноҳ сифатида қаралиши, вафо, садоқат, меҳр-шафқат, ор-номус, ҳалоллик, тўғрилиқ, саховат, сабр-қаноат, кечиримлилик гўзал фазилат саналишини ким инкор қила олади? Ҳеч ким инкор қила олмайди. Чунки булар умуминсоний қадриятлардир. Шуниси эътиборга лойиқки, исломий миллий қадриятлар мусулмонлар туғилган кунидан бошлаб уларга ҳамроҳдир. Чақалоқларга ўғил туғилса – Одил, қиз туғилса Адолат деб исм берадилар ва келгусида бу йигит-қизлар эл-юртга хизматда бўлсин, одамларга адолатлилиги, мардлиги билан танилсин деб яхши ният қиладилар.

Қуръони каримнинг кўпчилик сураларида адолат ҳақида кўплаб ҳикматли сўзлар мавжудки, уларнинг чуқур мазмуни алломаларимиз тавсифларида ўз аксини топган. Қуръоннинг “Юнус” сурасида шундай сўзларни ўқиймиз: “Шубҳасиз, Оллоҳ инсонларга бирор зулм адолатсизлик қилмас. Балки инсонлар ўзлари бир-бирларига зулм қилурлар” (44 оят) “Ҳар бир миллат учун пайғамбар бўлур. Бас қачонки, пайғамбарлари келганида (ўша миллатларга) зулм қилинмаган ҳолда, уларнинг ишлари адолат билан ҳукм қилинур”.

Адолат ҳақидаги бу илоҳий сўзларнинг аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайди, улар барча инсонлар учун ибрат намуналаридир. Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясида айтганидек: “Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, шуни эсда тутишимиз керакки, бу олижаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим. Бу муқаддас мақсад йўлида, керак бўлса, жонимизни фидо қилиш зарур деганимизда айнан адолатли давлат ва диннинг илдизлари муштарак эканлигини унутмайлик”¹

Тўғри, адолат муаммосини фақат ахлоқий қадриятлар доирасида ҳар томонлама тушунтириш қийин. Модомики, инсон сиёсатнинг объекти ва субъекти бўлар экан, биз фақат ахлоқий тушунчалар билан чекланиб қололмаймиз. Адолатнинг ахлоқий томонлари билан давлат сиёсати ҳамиша ҳам мувофиқ келавермайди. Баъзи сиёсий раҳбарлар мақсадларига эришиш учун адолат ва ахлоқ талабларига риоя этавермайдилар.

Донишмандлар айтишича, сиёсий раҳбарлар уч ҳолда адолатга амал қилишлари мумкин: 1) миллий манфаатлар адолат талабларига мос келса; 2) сиёсат субъекти (яъни сиёсий раҳбар) табиатан адолатли, одил бўлса ва уни руёбга чиқара олиш қувватига эга бўлса; 3) агар манфаатлар ва мақсадларга

¹Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент. “Ўзбекистон”, 3 том. 1996. 41 бет.

эришиш воситалари ахлоқий поклик тамойилига мувофиқ келса. Шундай ҳоллардагина доно сиёсатчилар адолатли йўл билан мақсадларига эришишлари мумкин.

Тўғри, ҳаётда доимо айрим шахсларнинг ўзаро муносабатлари адолатли бўлавермайди. Француз файласуфи Ж. Лабрюйер шу маънода айтадики: “Ор-номус, оқ кўнгиллик, виждон-мақтовли хислатлардир, аммо кўпинча, бу фазилатлар фойда бермайди. Шундай ҳам бўладики, ҳалоллик ишга ҳалакит беради”¹. Албатта бу сўзлар донишманднинг эмас, сиёсатчининг сўзларидир. Донишмандлар, айниқса, Шарқ алломалари ҳеч қачон бу фазилатларни кераксиз деб ҳисобламайдилар. Бундай фикрларга, ҳатто задогонларга хос эмас, балки фақат шахсий фойдани ўйловчи хос фикрлашдир. Буржуа одами билан рицар-баҳодирни таққослаган поляк олимаси бу ҳақда шундай дейди: «Мансабга кўтарилиш мақсадида саройга янги ишга кирган одамдан адолатни, самимиятни, бировларга ёрдам ва хайрихоҳликни кутиш қийин». Бу аччиқ ҳақиқат, афсуски, фақат шахсий фойдани кўзлайдиган ижтимоий тоифаларнинг қиёфасини равшан кўрсатади.

Тўғри, тарихда тинчлик ва адолатга амал қилган раҳбарлар ҳам кўп учраб туради. Ҳазрати Умар даврида ислом давлати кучайиб Арабистон ярим оролининг барча тарафларига зафарли юришлар бораётган вақтда Ҳижоз шимолидаги қадимий давлат Наботия амири ҳам ислом динига киради. У ўзини аслзода ҳисоблагани, кулларни одам каторида кўрмагани учун ҳаж мавсумида бир кулни қаттиқ қамчилайди. Ўша кул Ҳазрати Умар қошига келиб: “Диндошим менга зулм қилди”, деб шикоят қилади. Ҳазрати Умар энди ислом динига кирган Наботия амирини топтириб, адолат асосида жазога ҳукм қилади, яъни кулнинг қўлига қамчи бериб, амир-подшоҳни қамчилашни буюради. Бундай хўрликка чидай олмаган амирнинг жаҳли чиқариб: “Кул амирга қўл кўтаришга қандай журъат қилади?-деб сўрайди. Ҳазрати Умар айтадики: «Ислом динида кул ҳам, подшоҳ ҳам тенгдир. Сен амир ҳам, кулни ўзинга тенг билиб, унга қўл кўтармаслигинг керак эди агар бу адолатга чидамасанг, ислом динидан чиқасан»,- дейди. Амир “Жазони эртага қолдиринг, илтимос, мен бу кеча бўлган воқеани ўйлаб кўраман”,- дейди. Ҳазрати Умар амирга рухсат беради. Наботия амири ислом динидан юз ўгиради ва мусулмонлар давлатидан қочиб, Византия императори ҳузурига боради ва бошпана сўрайди. Ислом лашкарлари Византияни этган фаҳт жангларида Наботия амири ўлиб кетади. Ҳадисларда ва тарих китобларида келтирилган бу ҳикоя ислом динида адолатга қандай қатъий амал қилинишининг ажойиб намунасидир. Шунингдек, Умовия халифаси Умар ибн Абдулазизнинг адолатли ишлари ҳақида ҳам нодир ҳикоятлар бор. Зайниддин Ғаззолий “Кимиёи саодат”да келтирилишича, халифа Умар ибн Абдулазиз кечаси давлат ишини бажараётганида давлат шамини, оилага келган меҳмон билан суҳбатлашаётганда шахсий шамини ёқар экан. Мовароуннаҳр давлатининг асосчиси Хитойдан Боғдодгача бўлган ерларда адолатли, фаровон ҳаёт қуришга интиланган буюк бобоколониимиз Амир Темур ҳам шундай адолатпарвар раҳбар эди. У хатога йўл қўйган, фуқорога жабр-

¹ Лабрюйер Ж. Характеры. М. Прогресс. 1974.с. 62.

зулм қилганларни жазолашда-фарзандларини ҳам аямас эди. Фақат Шарқдагина эмас, Ғарб давлатларида ҳам кўп замонлар адолат юксак қадрланган. XVIII аср давлат арбоби АҚШ мустақиллик Декларациясини тузган муаллифлардан бири Бенжамен Франклин “Таржимаи ҳол”ида 13 фазилат ҳақида ёзади ва “адолат” туйғусини биринчи ўринга қўяди. “Рус тилининг изоҳли луғати”ни тузган И.С. Ожегов адолат тушунчасини шундай таърифлайди: “Одамларнинг холислиги, уларнинг ҳақиқатга мувофиқ ҳаракат қилиш қобилияти”. Аммо бундай холислик фазилати ҳаммага ҳам насб этавермайди ва унга бирданига эришиб бўлмайди, бунга эришиш учун инсон маърифатли бўлиши зарур.

Италия мутафаккири Л.Б. Альбертнинг ахлоқга доир асарларида адолат, тинчликсеварлик, ўзини тийиш (босиқлик), камтарлик ҳаётда муваффақият қозонишнинг гарови деб билади.

Шуниси муҳимки, жамиятнинг турли ижтимоий демографик ва миллий табақалари онгида адолат турлича тасаввур қилинади. Бу табақалардан бирининг манфаатлари бошқаларнинг манфаатларига зид келиб қолганида турли адолатсизликлар келиб чиқади. Вақтли матбуот саҳифаларида бундай адолатсизликлар кўп танқид қилинади. Аммо, “айбдор” ҳисобланганлар бу танқидларни адолатсиз деб ўйлайдилар. Шундай экан барча учун умумий адолат мезонларини топиш ўтмиш тажрибаларини кўп ўқиш ва ўрганишни талаб қилади.

II. ХОРИЖ ВА МДХ ДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТУШУНЧАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.

Атоқли мутафаккир Гегель адолат муаммосини фуқаролар жамияти орқали, фуқароларнинг ахлоқий фазилатлари воситасида ҳал қилмоқчи эди. Тўғри, унинг учун ахлоқий фазилатлар восита эмас, мақсаддир. (Бу билан Гегель, қисман Форобий таълимотига асосланади).

Шуни айтиш керакки, социология фанида бу муаммони ўрганишда хорижда муайян ижтимоий ижобий тажрибалар бор. Чунончи АҚШ социологи Ж. Ролс асосли равишда ахлоқий йўл танлаш тамойили (принципи) энг муҳим конструктив сифат деб ҳисоблайди. У «Адолат назарияси» китобида (1971) ахлоқий йўл танлаш муаммосини истеъмол соҳасида тақсимлаш билан чекланмаган ҳолда кенгроқ назар билан кўриб чиқади. Ўн беш йилдан кейин В.З. Роговин бу муаммони таҳлил этишда истеъмол соҳасидаги тақсимлаш билан чекланган эди. Ж. Ролс фикрича, адолат тамойилига амал қилиш ижтимоий тараққиёт жараёнида келиб чиқувчи янглишувларни бартараф этишга хизмат қилади. Олим адолат принципини ҳуқуқ, иқтисодиёт ва бошқа ижтимоий муносабатларда ҳам қўллашни таклиф этади.

Шуниси борки, ахлоқий йўл танлаш принципи совет социологияси адабиётида ноҳақ равишда салбий баҳоланди. Советча адолат назарияси муаллифларидан бири С.М. Григорьев ахлоқий йўл танлаш принципини идеалистик деб танқид қилди, аммо ўз фикрини асосли далиллай олмайди. Аслини олганда Ж. Ролс тадқиқотида ҳеч қандай идеализм йўқ. Чунки у умуман идеализм ва материализм муаммоси билан шуғулланмаган. Уни аниқ, равшан одамлар табиатини бузиб турадиган адолат муаммоси қизиқтиради ва бу табиийдир. Зеро, инсонлар биологик хусусиятларига кўра ҳам тенг эмас. Шунинг учун улар меҳнат қобилиятида ҳам бир-биридан фарқланади. Ж. Ролс фикрича, меҳнатга лаёқатнинг тенг эмаслиги моддий неъматлар тақсимотида ҳам тенгсизликни келтириб чиқаради. Олимнинг фикрича, жамиятдаги бу тенгсизликни адолатли, оқилона жамият ташкилотини куриш билан сал тузатиш мумкин. Бундай адолатли жамиятда ҳар бир одамнинг манфаатларига риоя қилинади. Одамларга шундай эътибор билан қараш барча даражадаги раҳбарлар учун ҳам қўл келади. С.И. Григорьевнинг танқидига қарамай, АҚШ олимларининг синфий тамойилини рад этиш ва инсонпарварлик тамойилини муҳим деб билишини тўғри деб тан олишимиз керак бўлади.

Хорижий олимларнинг тўғри фикрларини танқид қилишда ҳам С.И. Григорьев ёлғиз эмас. Жуда кўп Оврупо олимлари фақат Россия тажрибасигина жамиятга ижобий таъсир кўрсатади деб ўйлайдилар. Кўпчилик совет олимлари Россиянинг содиқ фуқаролари сифатида, ҳатто Россиянинг Туркистонни босиб олишининг ҳам “ижобий” томонларини бўрттириб ёзар эдилар. Бу мақсадда улар марксизм классикларининг фикрларини ҳам бузиб тақдим этадилар. Чунончи Ф. Энгельс ёзган эди: «Дарҳақиқат, Россия Шарқга нисбатан барча славянча ифлослигу ва

разиллигига қарамай ижобий таъсир кўрсатади, Россия ҳукмронлиги Қора денгиз ва Каспий денгизи ва Ўрта Осиё учун, бошқирд ва татарлар учун маданийлаштирувчи роль ўйнади».

Албатта, бу фикрнинг ҳам адолатлими ёки йўқми эканлиги ҳақида ҳар қанча баҳслашсак арзийди. Аммо энди у ҳол ўтмишга айланди, ўтмишга “Россия-халқлар турмаси эди” деб адолатли баҳо берилди. Аммо тарихга берилган бундай баҳога қарамай, бошқа бир жойда яна ўшандай ҳолларнинг такрорланиш хавфи бор. Ўтмишда Россиянинг Туркистонни босиб олишини оқловчилар бу ўлкага кенг кўламда русларни кўчириб келиш керак, шу йўл билан бу жойлар Россияники бўлиб қолади дер эди. Ҳозирги вақтда баъзилар тарих сабоқларини унутмоқдалар ёки атайин унутгандай кўрсатмоқдалар. Москва БМТ Хавсизлик Кенгашидан Исроилнинг собиқ иттифокдан кетган еврейлар (рус еврейлари)ни оккупация қилинган деб, араб ерларига кўплаб кўчиришни қоралаш учун махсус мажлис чақиришни талаб қилгани бежиз эмасди.

Шунга ўхшаш ходисалар совет даври олимларининг ижтимоий адолатни тушуниш ва ўрганишга доир асарларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу муаммони ўрганишнинг қийинлиги шундаки, адолат ва адолатсизлик тушунчалари ҳар доим ўзгаришга учрамоқда. Бироқ, шунга қарамай, адолат ғояси ҳеч қачон қадрини ва аҳамиятини йўқотмайди.

Шу маънода Т.И. Заславская ёзади: “Совет жамияти ривожланишининг истиқболини ўйлаганимизда, ижтимоий адолат деганда – жамиятда турли гуруҳларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тенглигини, яъни уларнинг муайян кўринишлардаги қатор тафовутларини сақлаган ҳолда жамиятдаги барча гуруҳларнинг тенг қадрлашни таъминлашни тушунмоқ лозим”. Кўринадики, бу таъриф жамиятда баъзи гуруҳларнинг қатор тафовутлари, фарқланишини сақлаш ҳам адолат деб баҳоланмоқда. Мазкур таърифнинг қайси даврга тааллуқли экани номаълумлиги туфайли, методологик жиҳатдан тадқиқотимизга асос қилиб ололмаймиз.

В.З. Роговиннинг адолат таърифи эса бундан ҳам мавҳумроқдир. Унинг фикрича адолат “ижтимоий гуруҳларнинг тенг мавқеъларининг тенглиги меъёридир”¹ У “ҳаётдаги мавқеи” деганда квартира, автомобиль, чарм шуба, кундуз ёқали пальто каби буюмларни назарда тутди. Бунда муаллиф адолат доирасини ниҳоятда чеклаганлиги кўриниб турибди. Ҳатто булар билан чекланмаганда ҳам унинг фикрини тўғри деб бўлмайди.

Биз адолат таърифидаги бундай ноаниқликларни таъкидлашдан мақсадимиз ҳар бир одам учун истеъмол ва меҳнат борасида ҳам, ахлоқ-маънавият, оила, миллий ҳаёт тарзи ва бошқа соҳаларда ҳам адолат зарурлигини таъкидламоқчимиз.

Бизнингча, адолатнинг бу иккала таърифи ҳам ҳақиқатга мувофиқ эмас. Чунки В.З. Роговин ҳам, Т.И. Заславская ҳам баъзи сўзлардаги фарқни айтмасак, моҳияти жиҳатдан бир-бирини такрорлайди.

¹Салаев Э.Ю. Наука и социальная справедливость. –Баку 1987. с. 27.

В.З. Роговин фикрича, адолатнинг универсал мезони деганда, бирор ҳаракатнинг адолатли ёки адолатсизлигини аниқлашда унинг инсон тараққиётига қандай таъсир кўрсатишига қараб баҳолаш зарур. Агар бирор фаолиятдан бир одамга зиён етса, у адолатсизликдир. Бундай таъриф жуда умумийдир ва методологик жиҳатдан унчалик тўғри эмас.

Боқулик олим Э.Ю. Салаев адолатнинг яна бир қизиқарли таърифини беради: “Жамиятга фойда келтириш билан бирга самарадорликка эришиш, инсон ички имкониятларидан фойдаланиш буюк саодат, ижтимоий адолат тамойилларидан биридир”. Бу таърифнинг ўзи адолатсиздир. Чунки унда инсон жамият аравасининг бир **мурувати**, винтчасидир... ундан фойдаланишади деган фикр бор. Бу таърифда адолат ўрнатишнинг бутун моҳияти инсон табиатидаги ақл-идроки имкониятларидан, унинг қобилиятларидан имкон қадар фойдаланиш (бу худди қулдорлик жамияти тарихига ўхшайди, қуллардан имкон борица кўпроқ фойдаланиш...). Инсоннинг ички вазифаси шунчаки ишга бориб, шу иш ўрнини эгаллаш эмас, балки жамиятга кўпроқ келтирадиган фойда билан шуғулланишдир. Бу гап Аристотель “Никомах ахлоқи”да айтган фикрига ҳамоҳангдир. Аммо у ерда Аристотель озод инсон ҳақида эмас, балки қул ҳақида гапирган.

Инсон жамият учунми ёки жамият инсон учунми? Бу саволга ҳанузгача қониқарли жавоб топилмаган. Ҳам инсонга, ҳам жамиятга хизмат қилувчи адолат ғоясини алломалар доимо излаб келганлар.

Адолат тушунчаси, табиий равишда ахлоқшуносликнинг яхшилик ва ёмонлик, худо ва банда, бурч ва жамият, масъулият, ҳалоллик ва разиллик, бахт-саодат каби тушунчалар билан боғлиқдир. Адолат бошқа жиҳатлардан ҳуқуқларнинг норматив актларида ўз ифодасини топади.

Шу жиҳатдан адолат қонунларда ҳам қўйидагича амалга ошади:

1. Одамларнинг ўзаро муносабатлари ахлоқан тўғри, умуминсоний қадриятларга асосланиши зарур.
2. Бу ўзаро муносабатлар ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниб турилади.
3. Одамлар ўртасидаги муносабатларда содир бўладиган яхшилик ва ёмонликлар адолат талаби билан аниқланади.

III. ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ ТАЪРИФИ.

Ўзбекистон-келажаги буюк давлат. Республиканинг миллионлаб фуқароларида бу фикрга ишонгани давлатнинг жамият ҳаётида адолатли қонунлар устуворлигидир. Жамият ҳаётида адолатни қарор топтириб, барча соҳаларда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида халқ, айниқса, ёшлар фаолият кўрсатишлари зарур. Ёшлар самарали фаолият кўрсатишлари учун эса адолатли ижтимоий муҳитни вужудга келтириш зарур. Кўринадики, бу бир-бирига боғлиқ диалектик жараёндир.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудратли эркин, демократик давлат қура олмаймиз. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи зарур. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”¹.

Мустақилликни мустаҳкамлаш учун ёшлар куч - ғайрат кўрсатишлари зарур. Зеро, бугунги иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ёшларга хос шижоат билан, янгиликни англашга интилиш замонавий воситалар ва усуллардан фойдаланиш билангина ҳал қилиш мумкин.

Нима учун ёшлардан умид қилинади? Нима учун уларга катта масъулият, вазифа юкланмоқда? Бу саволларга жавоб бериш учун ёшлар деган сўзнинг маъносини англаб олишимиз керак.

Ёшлар-жамиятнинг турли синфлари, тоифаларига мансуб 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган энг катта ижтимоий гуруҳни ташкил этади. Аммо бу ёшлар бошқа ижтимоий гуруҳлардан фақат ёши билангина ажралиб турмайди. Ёшлар ўзига хос ҳаёт фаолияти ва ижтимоий-руҳий қиёфалари билан ҳам ажралиб туради. Ўзига хос ҳаёт фаолияти деганда биз ёшларнинг: а) фикрлаш, яшаш тарзи, ҳуқуқ атвори ўзгачалигини; б) уларнинг ижтимоий ҳодисаларни баҳолаши ва фаолияти билан ҳам бошқалардан фарқланишини тушунамиз. Бундан ташқари, ёшларнинг ижтимоий-демографик гуруҳ сифатидаги хусусиятлари ана шундаки, улар шахс, инсон сифатида шаклланиш даврида бўладилар. Ёшлар яна тез ҳаяжонланади ва кайфияти тез ўзгаради. Ёшлар одатда гўзалликни ва ақлий билимларни тез идрок этади, сохталikka мунофиқликка муросасиз бўлади. Шунинг учун ҳам ёшлар билимга ва маълумот олишга, касб эгаллашга интиладилар. Ўсиб келаётган авлоднинг энг яхши қобилиятлари ёшликда очилади, касб маҳорати узлуксиз ошиб боради. Ёшлар кекса авлоднинг доно тажрибаларини англаб, ўзлаштириб борадилар. Ёшлар истеъдодли ва билимга чанқоқ бўлгани учун маърифатга ва маънавиятга эришиш шулардан бошланади. Ўз навбатида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент. “Ўзбекистон”, 3 том 1996. 10 бет.

ёшларнинг муайян маълумот босқичига мос билимларни эгаллашга фаоллиги уларнинг ижодий изланишларида, амалий фаолият учун зарур билимларни эгаллашда асосий вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, жамиятимиз тараққиётининг муайян босқичидаги ижтимоий шароитлар ҳозирги ёшларнинг яна бир қанча ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқаради.

Рисоламизда худди ҳозирги ёшларнинг муфассал таърифини беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало шуни айтиш керакки, республикамиз ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини танлаш, давлат қурилишининг умумий концепсияси, иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг шакл ва услублари, маънавий ҳаётдаги устувор йўналишлари ёш авлоднинг шаклланишини, унинг ижтимоий ҳуқуқий мақомига, давлатнинг мустақилликка эришувидаги умум I вазифаси ва ўрнига алоҳида ёндашишни талаб этади. Бошқача айтганда, мутлақо янги ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Бу йўналишдаги ишларнинг аҳамияти мамлакат Президенти томонидан таъкидланиб, асослаб берилди. Мана шу фикр мулоҳазаларга кўра, ёшлар масаласига янгича қараш зарурияти туғилган. Аммо собиқ мустабид тузум даврида, СССР таркибида бўлган республикамиз ўзининг алоҳида ёшлар сиёсатига эга бўлолмас эди. Мавжуд иттифоқнинг сиёсати эса республикани қониқтира олмасди. Ўша даврда кенг жамоатчилик томонидан ёшларга ҳақида ҳақиқатдан узоқ, сохта тасаввурлар сингдирилди. Ёш авлоднинг ғоявий-сиёсий қиёфаси ҳам бузиб кўрсатиларди: Оммавий ахборот воситаларида ёшларнинг коммунизм идеалларига ва партия ишига чексиз садоқати, ижтимоий ва маънавий қиёфаси ҳам бир хил тасвирланарди. Комунистик ғоялар билан қўл оёғи боғланган, сийқа, догматик қоидалар билан заҳарланган ёшларга гўё “кенг имкониятлар” очиб берилганди. Аслида улар сиёсатнинг қули эдилар. Ёшларга ғамхўрлик қилиш ҳақида расмий қарорлар қабул қилинар, аммо улар моддий эмас, мафкуравий таъсир кўрсатишга мўлжалланган эди. Ёшлар ҳаракати доимо маълум сиёсий изга солиб туриларди.

Ёшлар доимо партия ва давлат назоратида эди. Совет жамиятининг 80-йилларидаги ижтимоий-сиёсий тузилиши таҳлил қилинганда, ёшлар ташкилотларининг пухта ўйланган мураккаб тизими бўлганлигини кўрамыз. Собиқ Совет Иттифоқидаги ёшларнинг ташкилотлари беш асосий гуруҳга бўлинган. Уларнинг: ВЛКСМ, иттифоқдош республикалардаги ЛКСМлар, ёшларнинг ташкилот комитетлари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари ва ҳоказо.

Иккинчи гуруҳ: ёшларнинг меҳнати ва ақлий қувватларидан фойдаланишга мўлжалланган ташкилот ва муассасалар: талабаларнинг қурилиш бригадалари, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари, ёшларнинг турар жой комплекслари, илмий техника ижодий лабораториялари, талабаларнинг конструкторлик бюrolари ва ҳоказо.

Учинчи гуруҳ: комсомол раҳбарлигида ишлайдиган ёшларнинг бўш вақтларини тўлдирадиган ишлар: “Спутник” саёҳатлар бюроси, ёшлар

қизиққан соҳалар бўйича клублар, сиёсий-маориф семинарлари, “Орлёнок” “Зарница” каби ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатлари, “Чарим копток”, “Кумуш конки” каби спорт уюшмалари.

Тўртинчи гуруҳ: партия-давлат идораларидаги тузилмалар, Олий Совет ва маҳаллий Совет қошидаги ёшлар комиссиялари, министрликлар, бошқармалар қасаба уюшмаларидаги худди шундай комиссиялар ва кенгашлар, “Комсомол прожектори”, комсомолларнинг оператив (жанговор) отрядлари ва бошқалар.

Бешинчи гуруҳ: маданият, спорт ва томоша соҳаларидаги расмий ташкилотлар ва бирлашмалар-ёшлар театрлари ва студиялари, уй бошқармалари, маҳалла комитетлари қошидаги тўғараклар ва секциялар, ёшларнинг туристик базалари ва ҳоказо.

Бу гуруҳларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда анча фаол иш олиб борилган, аммо ҳаммасида сиёсатлашув ва мафкуралашув юқори даражада эди. Буларнинг фаолияти партия комитетлари томонидан қаттиқ назорат қилиб туриларди. Бу ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва иш йўналишлари чекланган ва барча жуғрофий-сиёсий маконларда бир хил бўлиб, регионал ва миллий хусусиятларга эътибор берилмас эди.

Ёшлар ҳаракати ва уларнинг ижтимоий ривожланиши аслида марксизм-ленинизмнинг қуйидаги мафкуравий қоидаларига асосланган эди: а) жамиятнинг инқилобий ўзгаришларида ёшларнинг авангардлик роли; б) ёшлар ҳаракатига ва уларнинг ижтимоий онгига раҳбарликни марказлаштириш тамоили; в) ёшлар ташкилотларининг партия кўрсатмаларига сўзсиз итоат қилиши, мамлакатга партиянинг ғоявий сиёсий раҳбарлик йўлини тўла қўллаб-қувватлаши зарурлиги; г) ёшларнинг ҳаёт фаолиятида синфийлик ва коллективчиликнинг устуворлиги; д) жамиятнинг давлат ва жамоатчиликнинг бир турлигини бузмаслик, миллатлар ва ижтимоий гуруҳларнинг бир хил қиёфада бўлиши.

Бунинг устига давлат идораларида ҳукм сурган бюрократия ёшларнинг ижтимоий қиёфасига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда эди. Бюрократия ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий мустақилликка ҳар қандай интилишини бўғиб туради. Бу ҳақда ижтимоий адолат учун толмас курашчи А.Д. Сахаров шундай ёзади: “Бюрократия ҳуқумронлиги даври иқтисодий мажруҳликдан ташқари, хавфлилиги ундан кам бўлмаган жиҳати-жамиятни маънавий айнишга олиб келмоқда. Матбуотда, радио ва телевидениеда, мактабда, комсомолда, олий ўқув юртларида, оилада риёкорлик (мунофиқлик) ва ёлғончилик авж олган. Инсон руҳини эзадиган бу аҳвол, айниқса, ёшларга таъсир кўрсатиб, уларни маънавий бузиб мажруҳ қилмоқда”¹.

Очиғини айтганда бу муаммони охиригача ҳал этиш осон иш эмас. Истиқлолнинг дастлабки йилларида айтилган Республика Президентининг мана бу сўзлари фикримизнинг исботидир: “Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман, ёшларда шижоат бор, янгиликка, илғорликка интилиш бор, иштирок қилишга кашфиёт яратишга иштиёқ бор. Лекин уларнинг ёшлар

¹ Сахаров А. Мир, прогресс. Права человека: Статьи и выступления Л. «Советский писатель», 1990 г.-с. 77.

олдида катта бир тўсиқ борки, бу тўсиқни замбаракнинг ўқи билан ҳам кулатиб бўлмайди. Бу тўсиқнинг номи – бюрократия, тамагирлик, маҳаллийчилик, уруғчиликдир”¹.

Мана шу “Бизда ҳамма ерда ёшларга кенг йўл” (“Молодим везде у нас дорога”) шиорини амалга оширишга йўл бермас эди. Аслида ёшлар совет жамиятидаги энг ҳимоясиз ижтимоий қатлам эди. Шу боис давлатимиз мустақиллиги шароитида ёшларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш, уларнинг ўқиши ва маънавий камол топишига, маданий эҳтиёжларини қондиришга шарт-шароитлар яратиб бериш учун шошилишча тадбирларни амалга ошириш зарур эди.

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларида аввалдан қолган таркибига кўра жуда мураккаб аҳволда бўлиб, ёшларнинг бир қисми маънавий, ахлоқий, руҳий жиҳатдан соғлом эмас эди (яхшики булар камроқ). Бошқа қисми янги жамиятда яшашга иқтисодий жиҳатдан тайёр бўлмаса, учинчи қисми-жамиятдан бегоналашганди. Фақат тўртинчи қисми ижодий ва маънавий куч-ғайратини сақлаб қолган эди. Республикамиз мустақилликка эришишдан аввал “аслида ёшлар ижтимоий гуруҳ сифатида муайян даражада яхлитлигини йўқотган эди. Ёшлар орасидаги фарқлар, бир-биридан узоқлашув ёшларнинг бир қисми ҳамон социализм ғояларидан қутилмаган, бошқа қисми бозор муносабатларига қатъий ва сўзсиз хайрихоҳ эди.

Бундан ташқари, ёшлар ўртасида ўзига тўқ, ўртаҳол ва кам таъминланган (камбағал дейиш ҳам мумкин) табақаларга бўлиниш жараёнлари кучайди. Ёшларнинг даҳрий ва диний дунёқарашдаги гуруҳларга, миллийликни мутлақлаштирувчи ва миллий тикланиш асосида хўжаликлараро интеграцияни, иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтириш имкониятини кўрувчи гуруҳларга бўлиниш жараёни содир бўлганди”.

Янги давр ёшларнинг бир қисми ижтимоий қиёфасида эски тузум сарқитлари қолгани ҳақиқат эди. Шундай сарқитлардан бири баъзи ёшларнинг ижтимоий боқимандалик кайфиятидан қутилмаганидир. Чунончи “республикада 90-йилларнинг бошида ёшларнинг 42.9 фоизи меҳнат ёшидан кичик эди. 15-29 ёшдаги йигит қизларнинг 37 фоизи халқ хўжалиги ишига жалб этилмаган, ишсизлар орасида эса ёшлар 54,4 фоизини ташкил қилар эди”.

Муаммонинг яна бир томони-ёшларнинг меҳнат малакаси ва ижтимоий онг даражаси етарли эмаслигидадир. Бунга далил шуки, Ўзбекистон ёшларининг 60 фоизи мустақил меҳнат фаолиятини бошлаганида ихтисоси ва касб малакаси бўлмаса, 60-70 фоизидан юқориси эса малакасиз, “паст” ишларда банд эдилар.

Жиддий эътибор берилиши керак бўлган яна бир муаммо ёшларнинг баъзи табақалари сиёсий бефарқ ва фуқаролик ҳуқуқини билмас ёки бунга ишонмади. Социологлар таъкидлашича, ёшлар ўртасида сиёсатга ва сиёсий жараёнларга қизиқиш камайиб, давлат ҳокимияти идораларига ва ижрочи тузилмаларга ҳуқуқни муҳофаза ва ҳимоя қилувчи органларга ишончсизлик

¹ И. А. Каримов Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент: “Ўзбекистон”, 3 том 1996. 37 бетлар.

ортиб бораётганда. Баъзи ёшларнинг сиёсий вазиятни ва ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишга ва баҳолашга қобилиятсизлиги 73-76 фоиз атрофида эди.

Ўтмишдаги тузумнинг ёшларга салбий таъсири уларнинг маънавий-ахлоқий савияси анча пастлигида ҳам кўринар, бу нарса уларнинг инсоний ва демократик қадриятлардан ўзини камол топтириш учун ғов бўлиб турарди.

Социологик текшириш /сўровлар/га кўра ёшларнинг 40-60 фоизи ҳеч қачон театр томошаларига, халқ мусиқаси ва мумтоз мусиқа, фольклор ансамбллариининг концертларига бормаган, музейлар ва кўргазмалар залларида санъат асарларини кўрмаган, бадиий ҳаваскорликда қатнашмаган, техник ижод билан шуғулланмаган, бадиий асарларни мунтазам ўқимаган ва ҳоказо.

Шундай қилиб, мустақил давлатимизда амалга оширилаётган сиёсий муносабатларнинг демократиялашуви ва мафкурасизлашуви туфайли, ижтимоий қатлам сифатидаги ёшлар муаммосида жуда кўп зиддиятли муаммолар борлиги маълум бўлиб қолди. Бу аҳвол давлатимиз олдида зудлик билан янгича ёшлар сиёсатини ишлаб чиқариш заруратини кўндаланг қилиб қўйди. Ўзбекистон давлатининг мустақиллиги, сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигининг қарор топиши билан жамиятимиз олдида ёшлар муҳитини соғломлаштириш, уларнинг маънавий айнишини тўхтатиб қолиш учун катта имкониятлар очилди.

Давлатимиз ва халқимиз ёшлар тарбияси вазифасини ўз олдида қўяр экан, мамлакатимиздаги ислохотларнинг амалга оширилиши жамиятимизнинг энг серғайрат ижтимоий қатлами ёшларга боғлиқлигини, жамиятимизни янгиловчи реал куч ёшлар эканлигини чуқур англаб етди. Давлат ва ёш авлод ўртасидаги янгича муносабатларнинг асосий воситаси ёшларнинг ижтимоий раванқи мафкурасидир. Ёшларнинг ижтимоий раванқ топиши деганда биз аввало ҳокимият ва ижрочи органларнинг, давлат хизмати идораларининг барча миллат ва элатларга мансуб ёшларнинг эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳурматлашни, уларнинг маданий-маънавий ўзлигини камол топтириш учун, тарихий-маънавий меросидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очиб беришларини тушунамиз.

Республикамизда янгиланиш ва тараққиёт йўлига қадам қўйилар экан, бошқа кўп ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан бирга ёшларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли билан боғлиқ бир қанча масалалар мажмуасига дуч келиши табиий ҳол эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ёшлар муаммосини республика олдидаги умумий вазифалардан айри ҳолда кўриб чиқиш самара бермаслиги турган гап. Жамият ҳаёти яхлит ва бўлинмасдир. Навоий айтганидек, “Йигитликда йиғ илмнинг мағзанин”. Гуржи файласуфи М.К. Мамарашевили фикрича ёшлик шундай даврки, бу вақтда улғайиш имконияти бор, оёққа туриш учун куч-ғайрат бор, ҳали йўл охирида кўринадиган фаровонликни излашга куч-ҳафсала бор. Шу маънода ёшлар ва қариялар муаммосини эмас, балки шахснинг шаклланиши, камол топиши муаммосини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Аслида, маънавий қашшоқлик, инфантилизм, ғўрлик,

истемолчилик каби жамиятни орқага сурувчи салбий иллатлар фақат ёшларга алоқадор дейиш нотўғридир. Бу иллатлар афсуски, ёшларнинггина эмас, жамиятимизнинг кўпчилик ижтимоий қатламларига ҳам хос бўлиб, жамиятга зарар келтирмоқда. Иккинчидан, кўпчилик ижтимоий иллатлар социал тажрибалар жараёнида туғилади. Одамлар тақдири устида “тажриба ўтказиш” ғайри-ахлоқий ҳодисадир. “Ёшликдаги иллатлар аввалги хатолар учун олинган қасосдир” деган эди норвег мутафаккири Г. Ибсен. Чиндан ҳам “Ёшларнинг муаммолари” келиб чиқишига “оталар” айбдорми деган табиий савол туғилади: ?

Ёшлар онгининг, ёшлар маданий ҳаётининг ўзига хослиги бор муаммо-ку? Тўғри, аммо бу муаммо жамиятимизнинг умумий муаммосидир. Шунинг учун, ёшлар муаммосини жамиятимиз ҳаётининг барча муҳим муаммолари каби ўрганиш ва тезроқ ҳал қилиш зарур. Бунинг учун коммунистларга ўхшаб, ёшлар онгига “таъсир кўрсатиш” керак эмас, балки ёшларнинг ўзи билан биргаликда ҳаёт муаммоларини ҳал этиш учун амалий ишлар қилиш зарур. Бунинг учун “оталар ва болалар” муаммосига кўзни юммасдан, улар ўртасидаги зиддиятларни оқилона йўллар билан юмшатиб бориш зарур. Кўпчилик социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оталар (кекса авлод) ёшларнинг манфаатларни етарли ҳисобга олмай, иш кўрадилар. Шунингдек, адабиётларда, фанда, ҳаётда ёшларнинг онги ва шуурига, уларнинг ўзига хос хусусиятларига етарли эътибор бериладими? Йўқ, албатта. Бунинг сабаблари кўп. Шулардан бири моддийликнинг бирламчи, онгнинг иккиламчи экани ҳақидаги сохта назариянинг таъсиридир. Онг-иккинчи даражали, истаган вақтда истаган куйга солиш мумкин, деб ўйлайдилар. Ёшлар тарбиясида, мактаблар ва олий ўқув юртларида ёшларга тайёр, қотиб қолган, шаблон дунёқарашлар ва назарияларни сингдиришга уринадилар.

Холбуки, ёшлар тез фикрловчи кўнглида адолат туйғуси кучли курашган бўлади ва булар қимматли фазилатдир. Фақат тарбиячилар эмас, давлат ташкилотларининг раҳбарлари ҳам буни ҳисобга олсалар жамиятга катта фойда келар эди. Ёшлар ҳамма нарса тақчиллигига чидасалар ҳам, адолатсизликка чидай олмайди. Аслида ёши улуглар ҳам адолат истайдилар, аммо ёшлар учун бу ҳаётий масаладир. Чунки ёшлар адолатли ва адолатсиз ишларни назарий мезонлар билан баҳолашга қийналса-да, аммо, юракдан буни яхши ҳис қилади, ҳар бир воқеа, ҳодиса хатти-ҳаракатни улар адолат мезонлари билан ўлчайдилар. Бу туйғуга бепарво қараш, уни ҳисобга олмаслик оғир оқибатларга олиб келади. Шулардан бири катталарга ишонч ва умиднинг йўқолишидир.

Файласуф олим Е.В. Давидович тўғри айтганидек, адолат туйғуси фикрлаш билан қўшилганида етук дунёқараш вужудга келади¹. Бу ҳақда И. Кант шундай дейди: “Табиатан содда одамда жуда эрта адолат туйғуси уйғонади, аммо адолат тушунчаси жуда кеч ҳосил бўлади ёки умуман ҳосил бўлмайди. Адолат туйғуси бундай тушунчага нисбатан анча эрта ривожланади. Агар одамни ёшлигидан шу тушунчага (назария ҳолида) ўргатилса, бундай одамда адолат туйғуси ҳеч қачон шаклланмайди”. Буюк

¹ Давидович В.Е. Социальная справедливость: идеал и принцип деятельности. М. Политиздат, 1989.с. 224.

мутафаккирларнинг бу фикри жуда муҳим бўлса-да, аммо у Шарқ халқларига нисбатан унчалик тўғри келмайди. Шарқ мутафаккирларининг дидактик асарларида (Саъдий. “Гулистон”. А. Жомий. “Баҳористон”) ёшларга ўғит сифатида адолат туйғуси ва адолат тушунчаси бир вақтнинг ўзида уйғун равишда тушунтирилади. Бошқача айтганда, Шарқ мутафаккирларининг ўзига хослиги шундаки, ёшларнинг қалбига ҳам, онгига ҳам бир вақтда таъсир кўрсатадилар.

Биз адолат ҳақида, унинг тамойиллари, унга амал қилиш уни ҳимоя қилиш ҳақида гапирганимизда алоҳида олмаймиз, балки бирор воқеа, ҳодиса, хатти-ҳаракатга нисбатан олиб қараймиз. Е.В. Давидович айтганидек, “Адолат-яхши тилаклар, бўш, иродасиз мулоҳазалар йиғиндиси эмас, аксинча, адолат ҳаракатга ундайди. Барча яхши тилаклар эҳтиёжлар, талабларни ҳар доим қондириб бўлмайди. Аммо, ҳар доим адолатли бўлиш мумкин”.

Ҳаётда адолатли бўлиш нимани англатади? Ҳар бир инсон ўзи ҳаётий мақсадларига эришишида адолатли йўлни танлайдими ёки ҳар қандай воситалар билан мақсадга эришадими? Мана шу ҳолатларда одамнинг адолатли ёки адолатсиз эканлиги билиниб қолади.

Адолат мезони аслида виждон ва инсоний бурч билан боғлиқ ҳолда амал қилади. Т. И. Засловская фикрича, адолат ҳар бир авлод фаолиятини бошидагина эмас, балки шахс сифатида барча фазилатлари гуллаб яшнаган даврда ҳам ҳаётий заруратдир.

Аммо барча ёшларга ҳам ижтимоий адолатдан баҳраманд бўлиш насиб этавермайди. Машҳур “Кавказ асираси” фильмида айтилганидек, “уй сотиб олишни хоҳлайман-лекин имконим йўқ”. “Эчки сотиб олишга имконим бор, аммо хоҳламайман. Келинлар, бизнинг хоҳишларимиз имкониятларимиз билан мувофиқ келиши учун олайлик!”. Инсон ёшлигида, эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётганида тилак, орзулари мўл, имкониятлари эса чекланган бўлади. Ўттиз ёшга тўлгунича одатда иш ҳақи ҳам кам, ўртачадан пастдир. Аммо, худди шу ёшларда инсон оила куради, фарзанд кўради, сарф-харажат кўпаяди. Бундай пайтларда ота-оналарнинг, жамоанинг, жамият ва давлатнинг ёрдами жуда зарур бўлади ва ўзини оқлайди. Бизнинг социологик сўровларимиз шуни кўрсатадики, республикаимизда ёш оилаларнинг ярмидан кўпроғи ота-оналарининг ёрдами олади.

Турли ёш оилаларнинг таъминот даражасида тафовутлар шу даврда кўпроқ кўзга ташланади. Бу вақтда кам таъминланган оилалар моддий ва руҳий жиҳатдан ота-оналарига қарам бўлади ва кўшимча меҳнат қилишларига тўғри келади. Худди шу пайтда одам адолатсизликни кўпроқ ҳис этади. Бу муаммони ечиш осон иш эмас. Давлатимиз идоралари ижтимоий сиёсат билан шуғулланганида ёшлар ҳаётининг шу муаммоларини эътиборга олишлари зарур эди.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳам бу муаммолар айрим олимларнинг диққат марказида бўлган. Жумладан, академик Т.И. Заславская ЭКО журналида инсон қобилятларини ривожлантириш учун ижтимоий адолат зарурлиги ҳақида ёзган эди. Олимнинг фикрича, жамиятнинг ҳар бир аъзоси моддий

ноз-неъматлар ва маънавий бойликлар бунёд этиш соҳасида қобилиятларини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитларини яратиш зарур.

Аввало, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўйган ёш авлод вакиллари учун бошқалар билан тенг бошланғич шароитларни вужудга келтириш лозим. Бу осон иш эмас албатта. Чунки жамиятда турли ижтимоий гуруҳларнинг даромадлари, уй-жой шароитлари, маълумот даражаси миллий ва оилавий ҳаёт анъаналари, оилада фарзандлар сони бир хил эмас. Шулар туфайли бошланғич имкониятларнинг ҳам бир хил бўлиши қийин. Шунга қарамай, ижтимоий адолат талабига кўра, тафовутлар имкон қадар камроқ бўлишига эришмоқ элитаризмнинг ҳар қандай кўринишини даф этмоқ, асоссиз имтиёзларни йўқ қилмоқ зарур.

Бунинг учун Т.И. Заславская фикрича, мамлакатнинг турли туманлари, шаҳарлари ва қишлоқларида болалар боғчалари ва яслилари бўлиши, бу болаларни мактабгача тайёрлаш сифати ҳам яхшиланиши, ҳамма жойда таълим тарбия сифати мумкин қадар бир хил бўлиши, бинобарин, барча ўқувчилар техникумлар ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари учун бир хил имкониятга эга бўлмоғи керак. Бундан ташқари, қишлоқ, шаҳар ва пойтахт мактабларида ёшларнинг спорт, бадий ҳаваскорлик ва мусиқа соҳасида ҳам бир хил таълим олишлари зарур. Мана шуларнинг ҳаммаси амалга ошганидагина турли табақага мансуб ёшлар қобилиятларини юзага чиқаришда тенг имкониятлар вужудга келади.

Бироқ барча жойда ҳам виждон, иймон, адолатга асосланган ҳаётга эришиш осон эмас. Айниқса, ёшлар учун бу оғир масала. Агар ёшларга оила, жамият, давлат ёрдам бермаса, муаммони ҳал этиб бўлмайди. Шу боис ёшларга қийин деган гапда жон бор. Ҳозирги ёшлар амал, мансаб, ҳокимият эгаларининг сўзда ҳаммадан кўпроқ ҳалоллик, адолат, тенг ҳуқуқ, демократия ҳақида гапирадиганларнинг эгри ишларини яхши биладилар. Ҳозир баъзи ёшлар кекса авлод вакилларига “Мен сизларга ишонмайман” деганда уларни гумончи деб айбламаслик керак.

Шуниси борки, анча йиллардан буён файласуф ва социологларимиз инсон қобилиятлари масаласи билан шуғулланмай, бу вазифа фақат психологларга юклаб қўйгани тўғри эмас. Чунки ижтимоий адолат, аввало, инсон шаклланиб келаётган вақтида жуда зарур бўлади. Шу пайтларда адолат борлиги ёки йўқлиги билиниб қолади. Ҳали жамият ҳаётида ижтимоий - иқтисодий қийинчиликлар кўплиги ва уларни имкон қадар юмшатиш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг янги ҳаёт шароитига мослашиш учун зарур ёрдам кўрсатиш керак бўлади.

IV. ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТНИНГ ЎРНИ.

Мустақил давлатимиз ҳар доим муҳтож оилаларга фаол ёрдам бериб келмоқда. Аввало фуқароларга ўзини-ўзи бошқариш органлари-махаллалар орқали ижтимоий моддий мадад бериш усули йўлга қўйилди. Шунинг ҳам айтиш зарурки, нафақаларнинг сўнгги икки тури энг кам иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқ бўлиб, миқдорнинг ўзгариши нафақалар ана шу турлари миқдорининг ўз-ўзидан кўпайишига олиб келади.

Оилага мадад беришнинг биз амалга оширган янги йўли ўзаро ёрдам ва бир-бирига мадад бериш каби миллий анъаналарни тўлароқ ҳисобга олади ва фойдаланади. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш демократизмни ва ошкораликни таъминлайди¹.

Аммо фақат давлатнинг ижтимоий ёрдамига ишониб ҳаракатсиз туриш ярамайди. Ҳамма ўзи иқтисодий аҳволини яхшилаш учун ўзи уриниши ва ғайрат билан меҳнат қилиши зарур.

Давлат берганига, ота-оналарнинг тоғганига, яъни тайёрга ўрганиб қолиш ёшларга салбий таъсир кўрсатади. Ёши ўттизга етса ҳам, ўзи ишлаб топмай, ота-онага боқиманда бўлган ёшлар ҳам бор. Аммо кўпчилик ёшлар борида қаноат қилмайди, кўнгли ҳам тўлмайди. Ота-боболари каби ўрта ҳол яшашга ҳам кўнмайди, уларнинг яхшироқ яшагиси келади. Бу табиий тилак, албатта. Аммо бунинг учун кўпроқ меҳнат қилиши керак. Яхшики, меҳнатсевар, ташаббускор ёшларга бизда ҳозир янги иқтисодий шароитлар вужудга келди, янги имкониятлар очилди. Ишбилармонлик ҳозир рағбатлантирилмоқда. Аммо барча ёшлар ҳам шароитлардан қандай фойдаланишни билмайди. Баъзан яхши, ўзига тўқ оилалардаги болалар пешона тери тўкиб меҳнат қилиб топилган бойлик қадрига етмайдилар.

Айрим ёшларнинг назарида уларнинг оталари бекорга тер тўкиб ишлашган, ишламасдан енгил йўл билан ҳам бойиш мумкинлигини улар билмаган. Гоҳи ёшлар, ота-оналаримиз топиб турибдику, бизнинг нима ғамимиз бор дейишади ва уларнинг моддий ёрдамига ўрганиб қолишади.

Баъзи ота-оналар бойлик орттириш пайида бўлиб, фарзандларини меҳнатсевар қилиб ўстирмаганлар, улар учун ҳамма нарсаларни муҳайё қилиб қўйганлар. Болалари ишлайман деса, ҳали ёшсан, биз бормизку, деганлар. Бундай ёшлар, мабодо ота-оналаридан узоқлашса, гуёки ёш боладек нима қиларини, қандай кун кечиришни билмай қоладилар. Айрим оилаларда эса ота-оналар “Болаларимиз пулга ўрганмасин, бузилади деб уларни меҳнатдан қайтаришади. Ёшларнинг табиати шундайки, нимага рухсат беришмаса, нимани таъқиқлашса, шунга қизиқадилар...”.

Шу маънода ёшлар муаммоси ҳақида жиддий китоб ёзган Б.М. Левин ва М.Б. Левинларнинг мулоҳазалари қизиқарлидир: «Ҳаётда шундайки, - деб ёзади улар-кўпчилик ёшлар мустақил яшай олмайдилар, масъулиятни ҳис этмайдилар, ўз ҳаётларидан кўнгли тўлмайди. Катталар оламига киришга улар учун йўللари тўсиб қуйишган. Бу мумкин эмас, тезликни оширма, ўнгга бурилма, чапга бурилма, баланд овоз чиқарма!-деган йўл қоидаларига

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик-фаровонлик ҳаёт асоси. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1996. Т. 4. 167-168. бет

ўхшаш таъқиқларни кўпайтириб юборишган. Ёшлар эса, тезликни, омадни, кизик таассуротларни яхши кўрадилар. Улғайгунча узоқ кутишга, сабр тоқатлари етишмайди. Ана шу сабрсизлик туфайли ёшлар ҳаётдаги тезлик ўрнига (ҳаётдан ҳузурланиш ўрнига) унинг ўрнини босувчи «дорилар»га – алкогольга, наркоманияга, ғайриқонуний, ахлоқсиз ишларга бериладими». Шундай бўлмаслиги учун ёшларга меҳнат қилиб топилган бойликнинг, яхши мазмунли ҳаётнинг гаштини суришга ўргатган маъқул.

Мана шу ижтимоий муаммоларни таҳлил қилар эканмиз, иккита хатодан эҳтиёт бўлишимиз керак. Бири, бу муаммолар ҳақидаги ҳақиқатни ярмини яшириб, ярмини айтиш, ҳадиксираш. Иккинчиси, жамиятда ёшлар ўртасидаги иллатларни бўрттириб, фақат бир ёклама қора бўёқларда тасвирлаш. Иккала хато ҳам ҳақиқатни акс эттирмайди.

Бизнингча, энг муҳими, ёшлар билан боғлиқ салбий ходисаларнинг, баъзи ёшларнинг иши юришмаслигига сабаб бўлувчи тўсиқларни ўрганишга ва уларни бартараф этиш йўллари топишга интилиш яхши самаралар беради. Масалан, биз ёмон ишлаётган ёшларни доимо қоралаймиз. Аслида мутахассисларнинг таклифларига кулоқ солиб, улар нима учун ёмон ишлаётганлиги сабабларини аниқлайлик. Чунончи, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича яхши мутахассис П.Н. Керженцев дейди: “Биз фалончи ёмон ходим,-дер эканмиз бунинг маъноси шуки, уни ўз ўрнига қўймаганмиз. Балки у бошқа ишда ўзини кўрсатар. У нима ишни яхши бажаришини ва ёқтириб ишлашини билиб олиш ва уни ўша ишга ўтказиш зарур”.

Ижтимоий адолатни қарор топтириш билан боғлиқ кадрлар сиёсатининг асосий вазифаларидан бири ҳам мана шундадир. Ёшларнинг касб ориентацияси, яъни турли касбларга қизиқтириш, меҳнатда ўсиш зиналарини ташкил этиш, кадрларни тик ва ётиқ чизик бўйича (вертикал ва горизонтал) қайта ўринлаштириш, уларнинг малакасини ошириш ва қўшимча малака ҳосил қилиш учун шароит туғдириш, ҳар бир ходимнинг мустақил ишлашига йўл бериб, масъулиятли ишларни топшириш зарур. Агар мана шу ишлар йўлга қўйилмаса, ёшлар ва умуман, ҳар қандай одам ўзлигини топиши қийин. Шулар бўлмаса ижтимоий адолат ҳам бўлмайди.

Агар инсон қобилиятларини ривож топтириш учун шарт-шароитлар вужудга келтирилмаса, фақат кун кечириш учун ишлаш, мардикор бозорида ишлаб меҳнат ҳақи олгандай, одамни маънан руҳлантирмайди. Бу ҳолда инсон ўз қадрини топмагандай, адолатсизлик кўргандай ҳис этади ўзини. Чунки у ўзини кўп ишларга қобилиятли сезади аммо бу қобилиятларини тўла намоён қилишга йўл йўқдек кўринади.

Ижтимоий адолат қарор топиши учун ёшларнинг қобилиятларини юзага чиқаришга йўл очиб бериш зарур.

Ёшларнинг қобилиятлари фақат меҳнатдагина эмас, уларнинг турмушда, оилада, бўш вақтларини қандай ўтказишида ҳам намоён бўлади. Мана шу соҳаларда ҳам уларнинг қобилиятлари очилишига зарур шарт-шароитлар яратиш керак.

Табиийки, спорт ёшларнинг севимли машғулоти, улар мусобақаларда

катнашадилар ёки тарафдорлик қиладилар. Масалан, бирор корхонада яхши ишлаётган илғор ишчига, олимга, врачга ёки ўқитувчига, хизмат қилган ветеранга эмас, балки фақат маҳаллий футбол командасининг ёш хужумчисига янги квартира берилса, бу адолатсизлик бўлиб кўринади. Қобилиятли ёшларни рағбатлантириш яхши, аммо бу ишда адолат қилинмаса астойдил ишлайдиганлар эмас, юзаки ишлайдиганлар рағбатлантирилади, деган янглиш фикрлар туғилиши мумкин. Яна шуниси ҳам борки, ақлий меҳнат девальвацияга учраб кадрсизланиб, олим, педагог, автобус ҳайдовчиси ёки банкда ишловчи фаррошдан кўра бир неча баробар кам ҳақ олиши ҳам адолатли эмас.

Шу сабабли, давлатимиз шу аҳволни назарда тутиб врачлар ва ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириб, коммунал хизматларга тўловлар соҳасида бир қанча имтиёзлар кўрсатилди.

Уй-жойларини текин хусусийлаштиришга имконият берилди. Зиёлилар меҳнатини кадрлаб, Республикамиз Президенти Олий Мажлиснинг IV сессиясида бундай деди: “Фарзандларимиз ва ёшларимизга нафақат замонавий компьютерлар ва таълимнинг техник воситалари, балки биринчи навбатда она заминга ва унинг буюк келажагига содиқ бўлган юксак малакали педогоглар, устозлар керак. Ҳар биримиз ўқитувчилик касбини, педагогнинг оғир меҳнатини ўта муҳим ва олижаноб иш сифатида қадрлашимиз зарур.

Мен ҳозирги шароитда, айниқса, қишлоқдаги ўқитувчиларга, тиббиёт ходимларига, маданият ўчоқлари ва уларнинг ходимларига ёрдам беришингизни илтимос қиламан. Токи бу ёрдам халқ ва жамият ёрдами, ҳар бир маҳалла тадбиркорлик тузилмаси ва меҳнат жамоаси ёрдами бўлсин”¹.

Имтиёзлар масаласига келсак, бу нарса ўринсиз бўлса, кўпинча ижтимоий адолатсизликни келтириб чиқаради. Социолог ва публицист А. Ваксберг бу ҳақда шундай ёзган эди: “Шахс эришган иззат-ҳурмат, шахснинг истеъдоди меҳнати билан боғлиқ бўлмай, амал мансабга, фалон гуруҳ одами бўлганлигига қараб бериладиган ҳар қандай имтиёзлар инсон қадрини, жамият обрўини туширади. Спорт майдонида бошқалардан тезроқ югурадиган, аниқроқ отадиган, чакқонроқ бўлган одамларга, имтиёз берилиши ҳам уят, ҳам кулгилидир. Бу нарсалар ахлоқий маънавий мезонлари сохта қадриятлар ҳисобига бузилаётгани аломатидир”².

Юқорида айтганимиздек, Республикамиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий мустақилликка эришганлиги жамиятимиз ҳаётига кўпгина ижобий ўзгаришларга олиб келди. Аммо ҳар қандай ижобий ўзгаришлар ҳам, агар хатога йўл қуйилса, яхши натижа бермаслиги мумкин.

Жамиятимиз тузуми, мафкураси демократиялашгач, фуқаролар анча эркин нафас олаётган ҳозирги янги жамиятимизда, жамоат тузилмалари, ўзгаришга мувофиқ ёшлар билан ишлаш мазмуни ва шакллари ҳам ўзгариши табиийдир. Агар давлатимиз янги шароитларда ёшлар ҳаётини адолат асосида ташкил этмаса, ёшлар ўзларининг норасмий ташкилотларини туза

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик-фаровон ҳаёт асоси. Т. “Ўзбекистон”. 1995. с. 40.

² Форобий. Фозил шаҳар одамлари. Т. “Мерос” 1991.

бошлайдиларки, бу доимо ҳам яхшиликка олиб бормайди.

Тўғри, норасмий ташкилотларнинг вужудга келиши жамиятимиз демократиялашувининг аломати бўлиб, у ҳар доим салбий ҳодиса бўлавермайди. Баъзи норасмий ташкилотлар ижтимоий фойдали бўлиши ҳам мумкин (масалан, ёшларнинг қизиқишларига қараб тузилган клублари, тўғараклар, экологик бирлашмалар, спорт гуруҳлари ва ҳоказо). Аммо баъзилари жамиятга фойдасиз, ёшларни айнитадиган (папкалар, металлистлар, хиппилар, роккерлар ва ҳоказолар) ва жамиятга қарши руҳда (безорилар ёки жиноятчилик гуруҳлари, мафиялар) бўлиши мумкин.

Жамият ҳаётидаги демократиялашув жараёнларидан ташқари, маъмурий буйруқбозлик, бюрократия оқибатида тузиладиган норасмий ташкилотлар ҳам борки, улар фаол ёшларнинг жуда кўпчилигини ўз сафларига жалб этиши мумкин.

Аммо маҳаллий ҳокимиятдаги баъзи бюрократлар ёшларнинг норасмий ташкилотлари мақсадлари ва талабларини ўрганиб, кўриб чиқиб ҳал этиш ўрнига, қоралансин, таъқиқлансин, қабилида буйруқбозлик қиладилар. Ҳокимиятнинг бундай вакиллари ёшлар билан бевосита мулоқот қилиш ўрнига уларни муҳолиф кучларга айлантирадилар.

XX асрнинг 80-йилларида норасмий, халқона хаваскорлик жамиятлари ва ташкилотларининг кўпайиб кетиши бир томондан, давлат ҳокимияти органлари, иккинчи томондан, файласуфлар, руҳшунослар, социологлар, педагоглар томонидан турлича баҳоланди.

Бу янги ижтимоий ҳодисани тушуниш қийинлиги сабабли улар бирига ўхшамайдиган турли гуруҳларни бир ном билан айтавердилар. Масалан, табиатни муҳофаза қилувчи “Яшиллар” гуруҳини ҳам, баъзи халқ ҳаракатлари комитетларини ҳам, ўсмирларнинг норози гуруҳларини ҳам, ҳатто ахлоқи бузуқ гуруҳларни ҳам норасмий гуруҳ деб атамоқдалар. Ёшлар орасидаги турли ижтимоий гуруҳларнинг мазмуни, моҳиятини аниқлаш, уларни таърифлаш методологияси ҳам ишлаб чиқилмагани учун қийинчиликлар туғдирмоқда. Аслида бу жуда муҳим ва масъулиятли ишдир. Афсуски, норасмий гуруҳлар ҳақида матбуот саҳифаларида чиқиб турган кўпчилик мақолалар методологик жиҳатдан асоссиз, бир ёкламалик билан уларни ялпи қораловчи мақолалар бўлиб қилди. Бу мақолаларда инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш маданияти етишмади.

Фикримизча, бунинг сабаби янги, шиддатли ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилувчи жамиятшунослик, социология соҳасидаги билимларнинг етишмаслигидандир. Олимларимиз бу янги ижтимоий ҳодисаларининг моҳиятини тушунишга интилиш ўрнига марксизмнинг тайёр қондасини дастак қилиб олдилар. Яъни улар “файласуфлар шу вақтинча оламни турлича изоҳлаб келдилар. Аммо гап уни ўзигартиришдадир” деган машҳур формулани байроқ қилиб олиб, оламни тушунтириш масъулиятдан ўзини четга олдилар.

Бизнингча, норасмий гуруҳларни жамиятнинг муайян ижтимоий табақалари сифатида татқиқ этиш йўли самаралидир. Бу гуруҳлар ёшларнинг янгича ижтимоий муносабатларининг мураккаб шаклланиш жараёнида

катнаша бошлашени кўрсатади. Бу жараёнда баъзи йигитлар ва қизлар боши берк кўчага кириб қолса, бошқалари ижтимоий ислохотларнинг илғор сафларига қўшилиб, кўпгина ютуқларга эришиши мумкин.

Айни вақтда, норасмий гуруҳлар, уюшмаларга ёшларнинг ортиқча бино қўйиб, ишонишлари ҳам унчалик тўғри эмас. Иқтисодий тенгсизлик, ижтимоий ўзгаришлар шароитида ёшлар жамиятнинг энг ҳимоясиз гуруҳлари бўлиб қолганлиги туфайли, жамиятимиз уларга фаол ёрдам кўрсатиш йўллари излаб топиши керак. Чунки ҳозирги вақтда аввал амал қилган коллективчилик кадриятлари билан бирга ҳар бир одамнинг индивидуал кадрили топиш зарур бўлиб қолди. Кўпчилик ёшларнинг жамиятнинг моддий ва маънавий бойликлари ишлаб чиқариш соҳасидан четга суриб чиқарилиши туфайли ўзларини ҳимоя қилувчи ўз ташкилотларини тузишга мажбур бўлдилар.

Демак, ёшларнинг норасмий гуруҳларига, куч ишлатиш йўли билан таъсир қилишга уриниш тескари натижаларга олиб келиши мумкин. Норасмий гуруҳларнинг аъзолари давлатдан ёрдам ва ғамхўрлик кўрмаганларидан кейин жамият бизга ноҳақлик қилмоқда деган фикрга келиб, улар ҳам нотўғри усулларга ўтиши, алкоголь ва наркотикларга берилиб, яширин ва баъзан жиноий гуруҳларга қўшилиб кетиши мумкин. Жамият, давлат бунинг олдини олиши керак.

Яхшики, Ўзбекистонда қадимдан амал қилувчи исломий анъаналар, миллий тарзи ёшларни ҳалол, меҳнатсевар, ҳаё-андишали, иймон-этиқодли бўлишга ўргатадики, бу кадриятларимиз мустақиллик шароитида янги, адолатли, демократик жамият қуришда бизга жуда қўл келади. Ёш авлодни ана шу миллий кадриятлар руҳида яшашларини, ҳалол меҳнатга интилишларини рағбатлантириш учун давлатимиз ижтимоий адолатни қарор топтиришга жиддий эътибор бериши жуда муҳим аҳамиятга эга. Форобий, Беруний, Амир Темур каби алломаларимиз, давлат ва жамият раҳбарлари бизни ижтимоий адолатни севишга, уни қадрлашга ўргатган. Оврупа ва рус олимларининг фикри ҳам шунга ҳамоҳангдир.

Моддий ва маънавий ҳаёт тараққиёти адолатга боғлиқлиги бугун кўпчиликка кундай равшандир. Инсон халқ, жамият бурчларини, масъулиятини яхши англаши ва адо этиши учун унда адолат туйғуси ривожланган бўлиши керак.

Аммо адолат туйғуси ва тушунчаси наслий эмас, балки у тарбия, ҳаёт сабоқлари жараёнида шаклланади. Инсон тарбия жараёнида, маънавий маданиятини ошириш жараёнида адолат туйғуси теранлашиб боради.

V. ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.

Ўзбекистонда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жараёнлар ёш авлоднинг жамиятдаги ўрни масаласига янгича ёндашишни тақозо этади. Янгиланиш ва тараққиёт йўлига қадам қўйган давлатимиз ёшлар тарбияси муаммоларига янгича қараши зарурият бўлиб қолди. Президентимиз айтганидек, давр халқимиз дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилишни қатъий талаб қилмоқда. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониёв ёзганидек, “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир. “Шундай экан, миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи, амалий тарбияни йўлга қўйиш жамиятимизда соғлом муҳитни сақлаш билан баробар эканини англашимиз даркор”¹.

Бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас, чунки инсон шахс сифатида шаклланиши учун таълим ва тарбия бериш жараёни унинг маънавий камолоти билан ёш авлоднинг ижтимоий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, мустақил ҳаёт йўлини танлаши, ҳаётий мақсадларини аниқлаши учун зарур бўлган ахлоқий сифатларни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур. Ёшларда муносиб ахлоқий сифатларни шакллантириш вазифаси чиндан ҳам умуминсоний ахлоқ талаби бўлиб қолмоқда.

Асримизнинг 70-йилларидаёқ америкалик этика ва тарбия фалсафаси соҳасидаги таниқли олим Т. Ликона шу ҳақда бундай ёзган эди: “Ҳозирги вақтда мамлакат миллий онги ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ахлоқий муаммоларга қаратилган. Ҳозир олимлар ахлоқ табиатини муҳокама қилибгина қолмай, ахлоқ-одобни шахсни қандай тарбиялаш ҳақида, инсон ҳулқининг принципиаллиги, субути, муайян вазиятда одамларнинг хатти-ҳаракатига қандай омиллар таъсир қилиши ҳақида, ахлоқий, маънавий етук фуқароларни вояга етказиш учун оила ва жамият нималар қилиши мумкинлиги ҳақида бош қотирмоқдалар”.

Ғарбнинг тарбия муаммоларини тадқиқ этувчи энг узоқни кўзловчи олимларнинг фикрича, мақсад фақат ҳозир юз бераётган маънавий инқирозни диагноз қилиб, касалликни аниқлабгина қолмай, бу инқирозни даф этиш учун жиддий тадбирларни амалга ошириш вазифа қилиб қўйилган экан, жамият мактабга олий ўқув юртига ва бошқа билим юртларига алоҳида эътибор бериши зарур. Ахлоқ фалсафаси бўйича Англиялик мутахассис Г. Массон айтишича, “Мактаб ёшлар ахлоқидаги вакуумни-бўшликни тўлдириш, ёшларни мулкка ва меҳнатга ҳурмат руҳида тарбиялаши зарур”.² Америкалик олим Л. Кольберг эса АҚШ талабаларига ахлоқий етук бўлишда ёрдамлашмоқ зарурлигини айтади.

Мактаб ва университетлар ёшларга келгусида ижтимоий тараққиётга, жамиятда адолатни қарор топтиришга қаратилган вазифаларни ва фаолият кўрсатишларни англашга ёрдам беришлари лозим. Бу олимларнинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари. Тошкент, Ўзбекистон 1995. с. 47-48.

² Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмаслик Тошкент, “Ўзбекистон”, 1993. с-3.

асарларида таълим жараёни инсонга ўз қобилиятлари билан жамиятга онгли равишда хизмат қилиш бошқаларнинг манфаатлари билан ҳисоблашиш зарурлигини англатишнинг ижтимоий методологияси деб уқтирилади. Таълимнинг асосий мақсади-етук, баркамол шахсни вояга етказишдир.

Гарчи, анъанага кўра таълим-тарбия муаммолари педагогикага тааллуқли хулоса ҳам олимлар бу муаммоларни ҳал этиш учун янги методологияни ишлаб чиқиш фалсафанинг маънавий камолотга оид мақсад, вазифалари ва методлари билан боғлиқ деб ҳисоблашмоқдалар. Ғарб олимларидан Д. Граммельд фикрича, “Таълим ва тарбия проблемаларини фалсафанинг қуввати ва донолигисиз ҳал қилишга уриниш зое кетади”.

Бу олимлар ишлаб чиққан янгича таълим-тарбия методологиясида тарбияни инсонпарварлаштириш (гуманизация) муҳим ўрин тутди. Уларнинг фикрича, тарбиянинг мақсади-жамиятда адолат, тенглик, ҳамжиҳатлик, умум I ишига (Инсоният тараққиёти-Т.Т) садоқат каби қадриятларни қарор топтиришдан иборат. Улар тарғиб этган тарбия фалсафасида тарбиянинг мақсади етук ва озод инсонни вояга етказишда ихтиёрий ва мажбурий таълим тизимлари таққослаб кўрилади. Озодлик тушунчасининг асл мазмуни очилади ва мана шундай ёшларнинг озодлиги билан унинг жамият олдидаги бурч ва масъулиятлари тушунтириб берилади.

Биз бу фалсафий фикрларни келтиришимиздан мақсад-илмий тадқиқотимизда кўриб чиқиладиган муаммолар фақат бизнинг мамлакатга хос бўлиб қолмай, жаҳоний аҳамиятга мойиллигини таъкидлашдир. Бу муаммолар ҳар доим кун тартибидан тушмайди. Табиийки, бизнинг ёш давлатимиз, миллатимиз тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олар экан, куйидаги вазифаларни ҳал этишни мақсад қилиб қўяди:

а) мулк шакллари ва ижтимоий муносабатларнинг турличалиги шароитида ёшларни руҳий ва маънавий жиҳатдан фаолият юритишга тайёрлаш;

б) ёшлар онгининг якка-коммунистик мафкура билан заҳарланиши оқибатларини тугатиш, уларнинг ақлий қувватини шу мафкура кишанидан озод қилиш, уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларида мустақил фаолият кўрсатиш учун шарт-шароитлар ҳозирлаш;

в) янги жамиятнинг озод шахсини вояга етказиш жараёнида уларнинг ҳуқуқий кафолотларини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини ҳозирлаш.

Мустақил давлатимизнинг янгича ёшлар сиёсатининг асослари мана шулардан иборат.

Бу масъулиятли вазифани ҳал этишнинг қийинчиликлари шундаки, совет тузуми даврида узоқ йиллар давомида жамиятда бир хил ижтимоий табакани шакллантириш, барча миллат ва элатларнинг ҳаётини бирхиллаштириш сиёсати ҳукмронлик қилди. Шу билан бирга, турли халқларнинг тарихий, миллий, маданий, маънавий мероси ҳар томонлама тафтиш қилинди, ёш авлод шарқ маънавияти ва ахлоқининг манбалари ва илдизларидан маҳрум қилинди. Аслида ҳар бир халқ ва миллатнинг ўз тарихи, маданий, маънавий меросига чуқур ҳурмати, ўз ҳаёти ва иқтисодини раванқ топтиришда миллатнинг минг йиллар давомида тўплаган ақлий

кувватларидан фойдаланиш халқ моддий ва маънавий тараққиётининг энг катта хазинаси, тамал тошидир.

Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Бу даврнинг моҳияти Республикамиз Президентининг мана бу сўзларида кўринади: “Биз мустақилликни қўлга киритиб, эндиликда уни мустаҳкамлаш ва шунинг асосида янги, адолатли жамият куриш йўлига ўтдик. Тарих шуни кўрсатадики, истиқлолнинг кадри доимо баланд бўлган. Бугунги шароитимизни осон деб бўлмайди. Биз жуда катта қийинчиликларни бошдан кечирдик. Олдинда яна қанчадан-қанча синовлар турибди. Бугунги мураккаб вазиятда танлаб олинган ва азалий миллий манфаатларимизга, халқимизнинг табиатига, онгига маъқул бўлган йўлдан адашмаслик чоралари ҳақида, Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболга етиш йўли хусусиятлари тўғрисида гаплашиб олишимиз зарур деб ўйлайман”¹.

Чиндан ҳам бу улуғвор вазифаларни ҳал этиш учун биринчи галда шуғулланиш лозим бўлган устувор йўналишларни аниқлаб олиш зарур бўлди. Энг биринчи вазифа республикамиз аҳолисини танг ҳолатдан, моддий ва маънавий инқироздан чиқариш, миллий давлатимиз пойдеворини куриш, иқтисодийтимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш керак эди. Аммо бу вазифаларни бажариш ҳам осон бўлмай, фақат халқ бу вазифани тўғри тушунсагина, яхши натижаларга эришиш мумкин эди.

Ўзбек ёшларининг янги маънавий-ахлоқий қиёфасини тиклаш янги иқтисодий пойдевор ёки сиёсий тузумни шакллантиришда нисбатан мураккаброқ ва узоқ давом этадиган жараёндир. Яқин келажакда миллат тараққиёти қандай қиёфада бўлиши ҳозирги ёшларнинг тарбиясига, уларнинг онги қалбига қандай маънавий-ахлоқий сифатлар сингдирилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам тарбия иши, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқара оладиган янги авлодни вояга етказиш иши-давлат иши бўлибгина қолмай, давлатнинг биринчи галдаги вазифаларидир.

Дарвоқе, яна таъкидлаймизки, Республиканинг бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан жамият ҳаётида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти камаяди, маданият кейинги ўринларга тушиб қолди, деб ўйлайдиганлар ҳам топилмоқда. Бизнингча, бозор иқтисоди билан маънавиятни бир-бирига қарши қўйиш, эски мафкуранинг таъсиридир. Аммо жамиятда шундай фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлиб, ҳатто шу фикр тарафдорлари бор экан, уларга жавоб бериш зарур. Президентимиз Республика Олий кенгашининг XII сессияси минбаридан шу муносабат билан бундай деган эди: “Биз иқтисодий тикланиш, иқтисодий тараққиётни маънавий камолот, ахлоқий поклик билан уйғунликда бўлишини истаймиз. Биз сиёсатимизни шу асосга қурамыз ва буни изчил равишда амалга оширамыз. Токи, одамларимиз ишбилармон, юқори савияли, ҳалол, жамиятда мустаҳкам ўрнини топган бўлсин”.

Бизнингча, бунга эришиш учун шахсга, маданиятга, давлатга муносабатимизни ўзгартириш зарур. Инсон руҳиятининг асосий бойликлари

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1995. с-27.

бўлган озодлик, тенглик, инсон кадри каби маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши ёмон оқибатларга олиб келади. Инсоннинг ўзидан ташқаридаги нарсаларга кўп ружу қўйиш, ҳаёт неъматларини яратмасдан, тайёр ҳолда олишга интилиш инсоннинг ўзлигини йўқотишга олиб келади, салбий ҳодисаларни келтириб чиқаради. Одамда озодлик, йўл танлаш эркинлиги бўлмаса, асосий инсоний сифатлар йўқолиб боради. Руҳан озод бўлмаган, мажбурий иш кўрадиган одамга ташқи шароитлар яратиб берилса ҳам, жамиятнинг эркин аъзоси бўлолмайди.

Бундан ташқари, ўз шахсини камол топтиришга имкон топмаган, эркин фикр юритолмайдиган, ўзича мустақил иш қилолмайдиган маънан мажрух, манқурт одамга айланади. Чингиз Айтматов тасвирлаган даҳшатли манқуртни эслайлик. Бундай одам мафкуранинг қулига айланади, у тарбиялаш ўрнига фақат панд-насихат эшитади, ҳолос.

Тарбияни қуруқ насихатбозлик эгалласа, инсонда ахлоқий мезонлар ўрнига мафкуравий вазифани бажариш мажбурияти қолади, шахсий масъулият йўқолади. Шу ўринда онг ва ахлоқ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир муаммоси келиб чиқади. Агар булар ўртасида узилиш пайдо бўлса, шахс ҳаётида ҳам, жамият ҳаётида ҳам ёмон оқибатлар келиб чиқади. Рус мутафаккири В.О. Ключевский бу ҳақда “Ахлоқсиз фикр, хом-хатала, фикр ва фикрсиз ахлоқ эса фанатизм (мутаассиблик)дир”.

Инсон ўз ҳаётида икки марта туғилади. Биринчи марта жисман бу дунёга келади. Иккинчи марта, маърифат, тарбия жараёнида, инсоният яратган маънавий бойликларни ўзлаштирганида. Бу ҳикматни қадимги даврлардаёқ яхши билишган. Юнон алломаси Плутарх ёзишича, “Александр / Македониялик Искандар/ авваллари Арастудан ҳайратланарди. Яшаётганим учун отам Филипдан, муносиб яшаётганим учун Арастудан миннатдорман”, - дер эди.

Шу ўринда муносиб яшашнинг маъноси нимада? – деган ҳақли савол туғилади. Доно одамлар бу саволга “Виждон, эътиқод (иймон) билан яшаш одамларга яхшилиқ қилиш, адолат қонунларига амал қилиб яшаш, маънавий камолотга интилишдир” - деб жавоб берадилар. Бинобарин, адолат ахлоқий онг назарияси ва амалиётнинг муҳим таркибий қисмидир. Адолат туйғусига ва адолат талабларига амал қилмай туриб, инсон бурчини англаши, виждон амри билан иш қилиши мумкин эмас.

В.Е. Давидович фикрича, руҳнинг барча ҳолатлари, барча фазилатлари каби, адолат туйғуси ва тушунчаси ирсий эмас, у наслдан-наслга ўтмайди. Одамлар адолатли ёки адолатсиз бўлиб туғилмайдилар. Одамлар яшаш амалиёти, ижтимоийлашув (жамиятга боғлиқлик) ўз шахсини камол топтириш жараёнида ё адолатли, ё адолатсиз бўладилар. Мана шунинг учун ҳам, тарбия, маънавий маданиятни ўзлаштириш жараёни айни вақтда ҳар бир инсоннинг адолат туйғусини шакллантириш жараёни ҳамдир.

VI. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРШДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИНГ РОЛИ.

Тарбия -оиладан бошланади. Она сути билан кирган хислатлар узок вақт, ҳатто бир умр сақланиб қолади. Оилада болани оқ кўнгил, софдил эзгулик тарафдори қилиб ўстириш жараёнида у адолатли бўлиб ўсади. Баъзи олимлар (масалан Л.М. Архангельский, В.С. Пазенок) адолат тушунчасини софдиллик, эзгулик тушунчаси ёки меъзонининг аниқ, муайян кўриниши деб биладилар. Аммо бошқа олимлар (масалан З.А. Бербешкина) адолатни фақат эзгулик, яхшилик каби ахлоқий онгнинг энг умумий кўриниши деб ҳисоблайди. Арасту (Аристотель) ҳам ўзи вақтида Афлотуннинг эзгулик олий ибтидо деган ғоясини танқид қилган эди. Арасту ҳаққоний таъкидлаганидек, эзгулик маълум ва мутлоқ тушунча эмас. Ўз-ўзича мангу эзгулик йўқ: доимо қандай эзгулик? – деб сўраш керак бўлади.

Адолатнинг эзгуликдан, адолатсизликнинг ёвузликдан фарқлари куйидагилардир: 1. Ифодаланиш шаклига кўра, адолат-яхшилик қилиш ва яхшилик талаб қилишдир. Эзгулик эса, фақат яхшилик қилиш, бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик. 2. Адолат қилмиш-қидирмиш, жиноят ва жазо, ҳуқуқлар ва масъулият, бурчлар.. ўзаро мутаносиб бўлишини талаб қилади. Эзгулик эса бировларга бериш билан олиш ўртасида мутаносиблик бўлишини талаб этмайди. Аммо шуларга қарамай, оилада болаларга адолат туйғусини яхшилик билан узвий боғлиқ ҳолда сингдириш зарур. Оилада бола ёки ўсмир адолатсизлик кўрганида, уни ҳис этганида норозилик билдириш, адолатсизликни йўқотишни талаб қилишни ўрганади. Оилада кўп учрайдиган адолатсизлик турларидан бири ота-оналарининг ҳаддан зиёд нуфус талабчанлиги, якка ҳокимликка мойиллигидир. Бунинг кўринишлари, афсуски, жуда кўп, хилма-хил бўлиб, ота ёки онанинг мурасасизлиги ўзини босолмай, ғазабини сочиши, шафқатсизликкача етиб бориши. Оилада кўп калтак еган, кўрқитилган болалардан адолат туйғуси заиф бўлади ёки бўлмайди. Ота ё она ҳар қанча ёши улуг бўлса ҳам, болаларнинг соф дил инсонпарвар, маънан баркамол ўсишига жиддий эътибор беришлари зарур.

Болаларни севиш, болажонлик-оилага қувонч келтиради. Аммо у меъёридан ошса, оқилона эмас, кўр-кўрона бўлса, адолатсизликка айланади. Бола оилада диққат-эътибор маркази эмас, балки оиланинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Болага фақат шундай ёндашиш, оила аъзоларининг ўзаро меҳрибончилиги, ўзаро бурчларини ҳис этишлари ҳақиқий адолат туйғусини уйғотади.

Оиланинг “ижтимоий онги” баландлиги ҳам муҳимдир. Оила аъзолари мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган воқеалар ҳақида мустақил, холис ва адолатли фикр юрита олсинлар. Инсон маънавий камолоти, ҳаётий мақсадлар оилада шаклланади. А.И. Герсен айтганидек, “Оила жамиятнинг биринчи хужайраси, адолатнинг илк боғчасидир...”¹. Бола ҳаётдаги дастлабки қадамлариданоқ адолат ва адолатсизликни идрок эта бошлайди.

Ота-оналаргина эмас, педагог ва тарбиячилар ҳам буни яхши билишлари керак. Педагог кўлида бола қалбига ва онгига таъсир этувчи

¹ Герцен А.И. Сабр. соч. в 3а ТТ. М.-1956.-Т.10.С.198.

кудратли қурол бор. Муаллим боланинг билимлари ва хулқини баҳолаш ҳуқуқига эга. Ҳар гал бирор ўқувчига баҳо қўйганда дангаса болани қойиганида ёки аълочи болани бошқаларга намуна, ўрнаткичи қилиб кўрсатганда ўқувчилар унинг адолатли ёки адолатсиз иш тугаётганини кўриб турадилар. Муаллим ўзи ҳам одил бўлиб, болалар жамоасида ҳам адолат руҳини ўрнатганида ёш қалбларда нақшланиб қолиши мумкин,- дейди файласуф В.Е. Давидович.

Афсуски, болаларнинг барча жамоалари, гуруҳлари ва уюшмаларида ҳам адолат таъминланган деб бўлмайди. Ролан Биковнинг машҳур “Чучело” фильмда педагоглар ўсмирлар ички дунёсига бепарволиги туфайли улар шафқатсизлик қилиб, жиноятга қўл урадилар. Фақат мактабларда эмас, балки олий ўқув юртларида ҳам адолатсизлик кўринишлари учраб туради. Бу, айниқса, кириш ва бошқа имтиҳонлар пайтида яққол кўзга ташланади. Баъзам муаллимларнинг ўзлари бировни баҳолашдан кўра ўзаро ахлоқий йўл танлашда хато қиладилар. Бунга мисоллар кўп.

Албатта, жамиятда адолат ўзидан-ўзи жорий этилиб қолмайди. Адолат шиорини айтиш ёки ёзиб қўйиш билан иш ҳам битмайди. Ҳар бир инсон ўзи ҳаётида адолатни ҳимоя қилиши ва адолатсизликка қарши чиқа олиши зарур, бўлган ҳолатларга тушади. Ана шундай нозик ҳолатларда бировларнинг панд-насихати эмас, балки инсоннинг ички маънавий олами гўзаллиги, софлиги ёки хунуклиги, нопоклиги ёки лоқайдлиги билиниб қолади. Бундай лаҳзаларда одам танлаган маънавий ахлоқий йўл орқали маънавий дунёси қандай бўлишини белгилайди. Инсон адолатпарвар бўлиши учун доимо ва фаол равишда улғайиб, камол топиб бориши керак. Шу маънавий улғайиш-адолатпарварлик шартидир.

Адолатга интилиш ва адолатсизликни рад этиш инсоннинг виждони, иймони мукаммаллигига ҳам боғлиқдир. Адолатли бўлиш учун одам ўз хатти-ҳаракатларини, феъл-атворини виждон, иймон мезони билан ўлчаши зарур. Инсон ўз қилмишлари яхши ёки ёмонлигини ўзи англаши ва баҳолаши, виждонан, холис ҳукм чиқариш лозим. Одам ўз хатоларини қанчалик чуқур англаса, виждон ҳукми қанчалик қаттиқ бўлса, қилган гуноҳларига тавба қилиши-адолат туйғуси шунчалик кучлидир.

Инсоннинг виждони пок ва фаол бўлиши адолат туйғуси ва тушунчаси қанчалик ривожланганига боғлиқ. Холислик, ёмонликдан нафратланиш, ҳақиқатни севиш, одамларга хайрихоҳлик, инсонпарварлик адолат туйғусининг таркибий қисмларидир. Ёки буларнинг ҳаммаси, адолат туйғуси билан бирликда, виждон, иймоннинг таркибий қисмларидир. Агар инсонда мана шу ҳислар ривожланмаган ёки йўқ бўлса, бундай одам ўзининг хатолари ва камчиликларини тан олмайди, уларни адолатли баҳолай билмайди. Бинобарин, виждон адолат туйғусининг кучли бўлишини талаб қилади. Аммо бу иккала ҳислат-виждон ва адолат бир хил тушунчалар дегани эмас. Булар ўртасидаги алоқадорлиги умумийлиги ва фарқлари ахлоқий онги маънавий камолот даражасига боғлиқ.

Баъзи олимларнинг “Виждон кучли ҳиссиётли туйғу сифатида ижтимоий психология соҳасига, адолат эса кўпроқ ахлоқий туйғу сифатида

мафкурага яқиндир” деган фикрлари мунозаралидир. Бизнингча, адолат ҳам қалбга кучли таъсир қилувчи, эҳтиросли туйғудир. И. Кантнинг мана бу сўзлари фикримизнинг исботидир: “Адолатсизлик бошқа барча нарсалардан кўпроқ ғазабимизни кўзғотади, ёмонликнинг бошқа барча кўринишлари унинг олдида ҳеч нимадир”.

Демак, ижтимоий адолат кўпинча ижтимоий-иқтисодий муаммо бўлиши билан бирга, унинг ахлоқий жиҳатлари ҳам борки, ижтимоий адолатнинг ҳар қандай бузилиши жамият ҳаётининг маънавий-ахлоқий муҳитига ёмон таъсир кўрсатади.

Мана шунинг учун ҳам жамият ҳаётида ва фуқароларда, хусусан, ёшларда адолат туйғусини шакллантиришда ахлоқий-маънавий таъсир воситаларидан унумли фойдаланиш керак бўлади:

ё) Ёшларда ижтимоий адолат ким томонидан бузилса ҳам, уни рад этиш туйғусини, аввало шахсий ахлоқ сифати қилиб шакллантириш зарур;

и) Инсон доимо ўз онгини, тобора юксакроқ маънавий кадриятлар асосида, янгича юксак маънавият, янгича фикрлаш тарзи сифатида тарбиялаб, қайта кўриб бориши зарур.

Шу маънода социологлар, психологлар, педагоглар, файласуфлар олдида маънавий янгиланишни таъминлашни, тарбия, маърифат соҳасининг кудратини оширишни назарий асослаш вазифаси қўйилмоқда.

Бу муҳим вазифа ўз навбатида этика-ахлоқ таълимининг мавқеини оширишни тақозо қилади. Бу ишларга, афсуски, баъзи олимлар лоқайдлик билан қарамоқдалар. Шунинг учун окқуш, қисқичбақа ва чўртанбалиқ масалидаги каби, арава жойидан силжимамай, юк турган жойида қолиб кетмоқда: гоҳо бу фанга соатлар етишмайди, гоҳо етук мутахассислар топилмайди. Энг ёмони, айрим олимлар ва олий ўқув юртларининг раҳбарлари мактабларимизда ахлоқий таълим бўшашиб кетганлигининг ёмон оқибатларини етарли тасаввур қилолмаёттилар.

Қизиғи шундаки, мактабларда бензолнинг кимёвий таркибини, чувалчангларнинг тузилишини, Наполеоннинг ҳаёти саналарини умр бўйи ёдида сақлаб қолсин, деб кўп қайғурамузу, болалар ва ўсмирларга ор-номус, инсон қадри, бурч ва масъулият, ҳамдардлик, гўзаллик ва хунуклик маъноларини ўргатишга унчалик эътибор бермаймиз. Аввалги илмий маълумотларни одам ҳар қачон энциклопедик луғатдан топиб олиш мумкин, аммо кейингиларни-инсоний фазилатларни луғатлардан, маълумотнома-справочниклардан ўрганмайди, балки етук педагогнинг қалб кўридан топади.

Жаҳон кинематографининг 100 йиллиги байрам қилинди. Кино санъати “Олтин фонди”га кирган дастлабки фильмлардан бири “Ҳис-туйғулар тарбияси” деб аталар экан. Демак, мактаб аввало болаларда покиза ҳис-туйғуларни, маънавиятни тарбиялаш керак деган ғоя фақат бугун туғилгани йўқ. Аммо мустабид тузум даврида ҳар бир фуқаро давлат ва партия механизмининг бир винти, парраги бўлиши керак эди, маънавияти юксак, мустақил фикрловчи инсонлар бу тузумга ёт унсур ҳисобланиб, жазога тортилар эди. У пайтларда ҳам жисмоний, ҳам рухий, маънавий террор-зулм авжига чиққан, инсон эрки ва қадри, ҳуқуқлари қаттиқ чекланган эди.

Аммо халқимиз ҳар қандай оғир шароитларда ҳам ўзлигини йўқотмай, маънавий қадриятларни, диёнат ва иймон, эътиқодини йўқотмади. Совет давлати ва КПСС ўз дастурида янги инсонни, етук шахсни тарбиялаш шиорини эълон қилган бўлса-да, амалда ҳар бир инсон халқлар ва миллатларни бирлаштириб, қўшиб, ягона совет халқи деган баҳонада қиёфасизлантириш, манқуртлаштириш жараёни давом этди. Илм ва амал, сўз ва иш, назария ва ҳаёт ўртасида катта узилиш пайдо бўлди. Гуманизм, инсонпарварлик идеаллари ҳақида оғиз кўпиртириб гапирилса ҳам, амалда инсоний идеаллар оёқ ости қилинар эди. Мустақиллик шароитида бу маънавий инқирозни енгиб ўтиш халқ, миллат қадрини, маънавий бойликларни тиклаш вазифаси кун тартибига қўйилди. Илгари фақат адабиёт санъат, публистиканинг вазифаси деб ҳисобланувчи маънавият муаммолари энди давлат сиёсатининг, илм-фан, фалсафанинг ҳам назарий ва амалий вазифаларига айланди.

Бу соҳада Республикамиз Президентининг маънавият таърифини янада равшанроқ қилиб айтиш ибратлидир: “Халқимизнинг таянчи-аждодларимиз қолдирган маънавий меросининг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аждодлар васиятига содиқ ва муносиб бўлмоғимиз керак.

Модомики, илдизларимиз шу қадар чуқур кетган экан, демак, истиқлол иморатини ҳам ана ўшанга яраша юксакларга кўтаришга маънавий пойдеворимиз етарлидир”¹.

Маънавий инқироздан чиқиш учун миллатимиз, халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклаш учун миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш керак. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш лозим.

Файласуф олима А.Ч. Гелдиева айтишича, “Авваллари маънавият деганда ижобий ахлоқий сифатлар (меҳр-шафқат, хайрихоҳлик, яхшилик, ҳалоллик, виждон каби фазилатлар) йиғиндиси кўриб чиқиладиган бўлса, энди унинг маъноси, моҳияти кенгайиб, инсон, халқ, миллатнинг ижодий бунёдкорлик фаолиятини гуллаб-яшнатиш мақсадида ўз қадриятларини англаш билан бирга инсонлар, халқлар, миллатларнинг қадриятларини ҳам ҳурматлаш, маданияти-маънавият проблемасига айланди”².

Президентимиз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берар экан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом авлодни етиштириш вазифасини қўйди: “Биз наслимизнинг келажаги-соғлом авлод учун кураш бошладик. Шу ном билан орден таъсис этдик ва махсус халқаро жамғарма туздик. Бу бежиз эмас. Соғлом деганда биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз

¹ Гелдиева А.Ч. Национальная культура и личность. Т. Ўзбекистон 1993. с. 80.

² Каримов И.А. “Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик...” Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: “Ўзбекистон”. -1996, 1 том. 204 -бет.

яхши англаб олмоғимиз шарт”.

Аммо бу вазифани бажариш осон иш эмас. Ёш авлодни тарбиялаш ҳамиша ҳам мураккаб вазифа бўлиб келган. Аммо аввал айтганимиздек, мустабит тузум шароитида давлат ижтимоий адолатга, ҳақиқатга, ишончни йўқотган, манқуртларга айлантирилган, иймон, эътиқоди заифлашган авлод ўрнига ҳар тарафлама соғлом авлодни вояга етказиш жуда катта куч-ғайрат, фидойиларча меҳнатни талаб қилади. Чунки бозор иқтисодиёти ва сиёсий тузумни янгиланиши жараёнида туб ижобий ўзгаришлар билан айна вақтда жуда кўп қийин муаммолар ҳам туғилди.

Масалан, санъатнинг тажорат асосида йўлга қўйилиши билан илгари топилмайдиган қимматли, ноёб китоблар топиладиган бўлди. Аммо маънавиятдан узоқ ноширлар одамларни, айниқса, ёшларнинг эътиборини жалб қилиш учун китоб бозорларини беҳаё суратли ва саёз мазмунли асарларга тўлдириб юбордилар. Шаҳар кўчаларидаги ёймачиликда, дўконларда, метро йўлларида ёшлар сон-саноксиз айш-ишрат, сексга чакирувчи беҳаё, ялонғоч аёллар сурати туширилган китобларни кўрадилар. Ахлоқни бузадиган бундай асарларни кўплаб чиқаришга пул ҳам, қоғоз ҳам топилади. Аммо илм-фан учун халқимиз маънавий маданиятини кўтаришга мўлжалланган олимларнинг китобларини нашр этишга маблағ ҳам, қоғоз ҳам йўқ. Нашриётлар бундай китоб чиқармоқчи бўлган муаллифга шундай харажатлар ҳисобини ёзиб берадики, ундай маблағни топиш учун банкни ўмаришга тўғри келади. Беҳаё китобларга эса кенг йўл очилган. Маънавиятимизни бу аҳволда ким муҳофаза қилади?

Беҳаё суратларни кўриб, одамларнинг шармандали ишларини ўқиган ёшлар қандай қилиб, бир жинс иккинчисига иззат-хурмат билан қарайди? Бу аҳволда ёшларнинг муқаддас тўйғулар-севги, дўстлик, оила поклиги ҳақидаги тушунчалари айнаиб кетмайдими?

Бундан ҳам ёмони, энг кўп тарқалган беҳаёликларни ёшлар видеофильмларда ва теле экранларда кўриб, яна ахлоқий тарбияси бузилар экан, уларни қандай қилиб маънавий баркамолликка даъват қилиш мумкин? Пул учун виждон ва иймонини сотадиган “ишбилармон” ноширлар, режиссёрлар ва операторлар чўнтақларини қаппайтириш учун ёшлар онги ва қалбидаги бўшлиқни беҳаёлик, ёвузлик, шафқатсизлик, қотиллик, ифлосликлар билан тўлдирмоқдалар. Маънавий поклик учун курашаётган давлатимиз қонунлари бундай ахлоқсизликларни чеклаши зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки, бу сингари видеофильмларда давлатни, қонунларни бир чақага олмайдиган ёвузлик, қотиллик, разолат ва тубанлик сингдириладики, бунга йўл қўйиш ёмон оқибатларга олиб боради.

Тўғри, анъанавий телевидение каби аудио ва видеотехника воситалари ҳам ёшларнинг маърифий билимларини, ақлий қобилиятларини ўстиришга бадий, маданий савиясини оширишга хизмат қилиши лозим. Илм-фанни ўрганишда видеокассетадан самарали фойдаланиш мумкин. Вақт келиб, барча шаҳар ва қишлоқ мактабларида, клубларида, ётоқхоналарида, кафеларда видеотехника ўрнатилади. Ҳозирнинг ўзида баъзи жойларда ўқув-таълим жараёнида видеокассетадан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари,

видеокассеталар дам олиш, кўнгил очиш воситалари ҳамдир. Энг яхши бадий видеофильмлар (Амир Темур, Алпомиш, Алишер Навоий, Бобур ҳақидаги, “Диёнат”, “Гирдоб”, “Сўнгги ўқ”, “Кўнгил кўчалари”, Турмуш чорраҳалари, Тойчок) ва бошқа эстрада артистларининг концертлари, мультфильмлар, ёшларнинг маданий ва мазмунли дам олишига ёрдам беради.

Аммо очиғини айтганда, антисоциал (жамият ахлоқини бузадиган) наркография-беҳаёлик, зўравонлик, шафқатсизликнинг сохта супер томонларини тарғиб қиладиган, мурғак қалбларни жароҳатлайдиган, тарбияни бузадиган видеофильмлар ўткир сюжети юқори техникада, жонли суръатга олингани учун ёшлар онгига ва руҳиятига тез таъсир қилиши сир эмас.

Эксперт ва мутахассис олимларнинг хулосасига кўра, беҳаё фильмлар шахсни маънавий-ахлоқий жиҳатдан бузади, унда тубдан ҳирслар ва майл-истакларни кучайтиради. Айниқса, ҳали суяги қотмаган, маънавий вояга етмаган болалар, ўсмирлар ва ёшлар учун беҳаё видеофильмлар жуда зарарлидир. Илмий сексология асосчиларидан бири Альфрид Кинзи фикрича, “норкофильмлар одамнинг аввал топган фазилатларини ҳам йўқотади, кўнглидаги қадриятларни вайрон қилади”.

“Видео ва жиноятчилик” китобининг муаллифи Р. Қодиров ҳаққоний ёзганидек, “Зўравонлик – шафқатсизликни, атайин бемаъни яшашни, қўпол жисмоний кучни, жинсий бузуқликларни тарғиб қилиш одамни руҳан майиб қилади, маънавий оламини (бомба ташлангандай) вайрон қилади, руҳий айниш туфайли унда бемаъни, ақлга зид хатти-ҳаракатлар пайдо қилади”¹.

Видео-тараққиёт эмас, уни демократик асосда бадий кенгаш назорати остида фойдали ва зарарлигини танлаб, муносибларини, бадий ва ижтимоий фойдали, инсонпарварлик, ҳаётсеварлик, табиатга меҳр уйғотадиганларини, ёвузликни қоралайдиганларини рағбатлантириш зарур.

Юксак маданиятли, маърифатли, онгида чинакам ахлоқий, эстетик қадриятлар ҳақида равшан тасаввурлари шаклланган одам порнография-беҳаёлик, ёвузлик фильмларини ёқтирмайди, бундай видеофильмларга беҳуда вақтини сарфлашни истамайди.

Аммо ҳали тажрибасиз, маънавий олами, дунёқараши шаклланмаган ёшларга оммавий ахборот воситалари бошқача таъсир кўрсатади. Болалар, ўсмирлар, ёшлар катта ёшдагиларга нисбатан таъсирчан, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўзига тез юқтирадиган, ҳали маънавий мезонлари равшанлашмаган, ҳамма нарсаларга қизиқувчан, ташқи гўзаликка, тақлидга мойил бўладилар.

Ёшларга олижаноблик ва разолат, саховат ва олчоқлик, гўзаллик ва хунуқлик, фожейлик ва бахтиёрлик, яхшилик ва ёмонлик нималигини тушунадиган фалсафанинг эстетика ва этика каби маънавият соҳаларини ўқитишни яхшилаш уларда маънавий баркамоллик идеалларини шакллантиради. Бу жараёнда эстетика соҳасига оид бадий адабиёт асарлари ҳам ёшлар қалбига ҳаётбахш таъсир кўрсатади. Агар шу вазифаларни хал

¹ Қодиров Р. Видео ва жиноятчилик. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992. с. 16.

килиш жараёнида ёшлар онги ва қалбида маънавий булоқларнинг кўзи очилиб, антисоциал, жамиятга зарарли ҳодисаларга қарши ишончли иммунитет шаклланади. Президентимиз таъкидлаб айтган миллий истиқлол мафкураси ҳам худди шу олижаноб вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади. Шундай экан, Ватанимиз тарихини ва маданиятини, географияси ва иқтисодиётини, қадимий анъаналари ва урф-одатларини боғчадан бошлаб олий ўқув юртларигача яхши ўргатиш миллий истиқлолни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим сиёсий вазифа ҳам бўлиб қолди. Биз бу ерда ижтимоий фанларни янада сиёсийлаштиришни эмас, балки вазифаларнинг давлат аҳамиятига моликлигини назарда тутмоқдамиз.

Барча ислохотларнинг пировард мақсади нима? Янгиланган демократик жамият биноси ким учун қурилмоқда? Албатта, халқимиз учун, фарзандларимиз учун. Аммо янги жамиятни қуриш ҳар бир одам, ҳар бир шахснинг ғайрат-шижоатига, фидокорлигига ва меҳнатсеварлигига боғлиқдир. Ислохотларимиз муваффақияти мамлакатимиз келажаги мана шу жамият биносини қуришда қатнашаётган фуқароларнинг маънавий етуклигига, миллий, маданий қадриятларга садоқатига боғлиқдир. Биз шундай давлат қуришга интиляпмизки, унда умумжаҳон демократияси тамойиллари ва қоидалари туб халқимизнинг маънавий таянчлари билан уйғунлашишига эришилмоқда. Биз қураётган адолатли ҳуқуқий демократик давлат халқимизнинг ақлий салоҳиятига тўла суянади. Халқимизнинг салоҳиятига юксак маънавият, теран ижтимоий адолат туйғуси, маърифат ва билим олишга интилиш хосдир. Бу хислатлар кўп жиҳатлардан ўзбек халқига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ фалсафаси, ислом фалсафаси таъсирида шаклланганки, бу барча халқлар томонидан тан олинмоқда.

Адолат, виждон, бурч ва масъулият ҳисси ҳақида гапирар эканмиз, бундай инсоний фазилатларнинг шаклланишида, жумладан, ислом муайян роль ўйнашини айтишимиз лозим. Бу табиий ҳолдир. Ислום динининг халқимиз ҳаётидаги, Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари ҳаётидаги ўрни ҳақида гапирар эканмиз, тан олишимиз керакки, энг оғир замонларда ҳам ислом дини одамларни адолат, эзгулик, тинчлик ва тотувликка даъват қилганини унутмайлик. Ислום дини қадриятлари кўп жиҳатдан халқимиз миллий анъаналари билан уйғунлашиб ҳам кетган.

Диннинг теологиядан фарқи шундаки, деб ёзади А. Ч. Гелдиева, - дин ақлий мушоҳада, назарий ва ахлоқий қонун-қоидалар тизимигина бўлиб қолмай, у ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури, дин ижтимоий фойдали фаолиятни рағбатлантириб, тартибга солиб турувчи тизим ҳамдир.

Миллий маданият таркибида дин шунчаки мафкуравий қатлам, ташқи қобик эмас. Алоҳида “ҳаёт илми” сифатида дин одамларнинг кундалик фаолияти, уларнинг дунёни идрок этишлари манбаидир¹.

Мана шунинг учун ҳам бир-биридан минглаб чақирим масофалардаги, турли миллатлар ва тилларга мансуб буюк алломалар: Кичик Осиёда Жалолиддин Румий, Ҳиндистонда Амир Хисрав Деҳлавий, Озарбайжонда

¹ Гелдиева А.Ч. Национальная культура и личность. Тошкент, “Ўзбекистон”. 1983. с. 86.

Низомий Ганжавий ва Ҳоконий, Эронда Фирдавсий, Ҳайём, Саъдий, Ҳофиз ва бошқалар ягона исломий маданиятни яратганлар. Ҳиротда Навоий ва Озарбайжонда Фузулий, фақат “зуллизонайн”, икки тилли шоирлар Туркий шеърий устозлари бўлибгина қолмай, юқоридаги мумтоз шоирларнинг издошлари сифатида буюк дostonларни битганлар ва ҳар бир дostonда устозларини мадҳ этганлар.

Бундай турли-туман маконлар ва турли замонларда, турли шаҳарларда ягона маданият бунёдга келишига таъсир кўрсатган қудратли омил нима? Албатта, диний эътиқоддир. Ўз вақтида Ғарбий Оврупада туғилган христиан маданиятидан қолишмайдиган буюк ислом маданиятини озиклантирган қудратли куч-ислом динидир.

Модомики, истиқлол давридаги маънавий уйғониш ҳақида гап борар экан, бу соҳада ислом дини имкониятлари бебаҳодир. Ёшларимизнинг маънавий покланишида, уларни виждонли, ҳалол, пок, инсонлар қилиб тарбиялашда дин арбобларининг хизматлари катта. Шу маънода кўпчилик жамоат ва давлат арбоблари ўз чиқишларида иймон-эътиқодли инсонларга мурожаат қилиб, Худо йўлида Ватан ва тараққиётга хизмат қилишга даъват этади.

Аммо шуниси ҳам борки, баъзи одамлар диний таълимни кучайтиришдек эзгу мақсадни нотўғри тушуниб, ёшларни узоқлаштиришга уринадилар. Халқ таълимида шусиз ҳам жуда кўп муаммолар бор. Мустақилликни мустаҳкамлаш деганда ватанпарварлик тарбияси ва тараққиётга хизмат қилишни ўргатиш масалаларини ҳам эътиборга олиш зарур. Амир Темур Расуллуллох ҳадисларини эслатиб: “Бир кунлик адолат юз кун тунлари ибодат қилишдан яхшидир”, - деган эди.

Албатта ёшларимизга гўзал диний қадриятларни сингдириш учун, уларни маънавий камол топтириш учун фақат масжидларни кўпайтириш билан чекланиб қолиш нотўғри. Республикамиз Президенти Исом Каримов Сурхондаё вилоят халқ ноиблари Кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясида қилган “Адолат мезони бузилганида” мавзуидаги маърузасида масжид қуриш билан бирга халқ учун фойдали бошқа жамоат бинолари қуришни унутиб қўйганларни танқид қилди. «Шаккоклик деб ўйламанг-у, баъзан иккиланиб қоласан киши: улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Ҳазрати Навоий, Хусайн Бойқаролар, наҳотки, бизнинг ҳокимларимиздан “номусулмонрок” бўлганлар? Масжиду, мадраса ўз йўлига. Ахир улар салтанат хазинасидан ажратилган маблағу табиат ато этган куч-ғайратлари ақл-заковатларини йўллар, работлар, кутубхонаю, муолажахоналар, ҳаммомлар, борингки, расадхоналар тиклашга сарфламаганларми?»

Ижтимоий адолатнинг ҳозирги ёшлар маънавий-ахлоқий камолотига таъсири ҳақида гапирар эканмиз, жамият ҳаётида жуда катта ўрин тутган, маҳалла мўъжизасини тилга олмай иложимиз йўқ. Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган маҳаллалар сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлмоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган

иш йўқ. «Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига эътибор беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиламан, - деган эди Республикамиз Президенти И.А. Каримов - Зеро барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳар бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидоий одамлар яшайди ва ишлайди¹. Чиндан ҳам шундай. Маҳаллада ҳар қандай одам ҳам тарбия олиб, камтаринлашади. Президентимиз айтганидек, энг зўравон, манман деган одам ҳам маҳалла олдида ювош бўлиб қолади. Нега деганда ҳамма, у қандай одам бўлмасин, қайси лавозимда ўтирмасин, маҳалла аҳлига бўйсунушга мажбур.

Президентимиз ва Ўзбекистон ҳукумати маҳаллаларга катта эътибор билан қаратяпти. “Маҳалла” жамғармасининг ташкил этилиши, пойтахтда ишлаб чиқарилган махсус “Маҳалла” дастури шаҳардаги кўпгина муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Республикамиз ҳаётида маҳалланинг аҳамияти бекиёсдир. Асрлар давомида бизнинг жамиятимиз ҳаёти миллий анъаналардан бири бўлиб қолган коллективчилик, ўзбекча айтганда, жамоа оқсоқолларини, жамоа манфаатларини ҳурматлаб келади. Ғарбда чуқур илдиз отган индивидуализм, худбинлик исломий маънавиятда салбий ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизда жамоат фикри билан ҳисоблашиш, халққа ёмон кўринишдан сақланиш одамларимиз маънавиятининг энг яхши фазилатларидан биридир.

Жамиятни демократиялаш тизимида, унинг асосий қоидаларини, энг аввало, ижтимоий адолатни руёбга чиқаришда маҳалланинг роли ғоят каттадир. Ҳозирги вақтда оилаларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг маданий ва маънавий қизиқишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тузилма йўқ.

Шунинг учун ҳам 1997 йил январь ойидан бошлаб ёш болали оилаларга кўрсатиладиган моддий ёрдам ҳам маҳаллалар орқали амалга ошириладиган бўлди. Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ислохотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиб бормоқда.

Ёш авлодни маънавий – ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг энг таъсирчан воситаларидан бири маҳаллада шаклландиган жамоа фикридир. Жамоа фикри шуниси билан таъсирлики, маҳалладаги кўпчилик ҳурматли одамлар бирон шахсга ёки бирор хатти-ҳаракатга умум манфаати нуқтаи назаридан яхши ёки ёмон деб адолатли баҳолайди. Жамоа фикри панд-насиҳатгина иборат бўлиб қолмай, унда аниқ равшан қандайдир воқеа, лойиҳа ёки қарорнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида халқ нуқтаи назаридан

¹ Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидоийлик-фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1994, 27 б.

хукм чиқарилади.

Ёш авлод тарбиясида, унинг маънавий қиёфасини шакллантиришда фикрнинг кучли таъсир қилиш сабабларидан бири шуки, у бир қанча индивидлар-якка шахслар фикрларининг оддий йиғиндиси эмас, балки баҳс, мунозара, турли туман фикрларнинг синтези сифатида энг тўғри хулоса сифатида пайдо бўлади.

Г. Гегель “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида айтган эдики, умумий ишлар ҳақида ўз фикрига эга бўлган якка шахсларнинг фармон (расмий) субъектив фикрига қарама-қарши жамоатчилик фикри биргаликда ишлаб чиқилган фикрдир.

Яқин ўтмишда айрим идораларнинг даъволари муҳим деб ҳисобланиб, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаслик оқибатида кўп фалокатлар юз берди. Масалан, Орол денгизининг қуриб бораётганлиги ҳақида жамоатчилик фикрига кўп вақтлар қулоқ солинмагани учун у ерда инсон саломатлиги учун хавфли вазиятлар вужудга келди. Хайриятки, кейинги вақтларда тор маҳкамачилик манфаатларига нисбатан илғорроқ бўлган халқ манфаатларини ифодаловчи жамоатчилик фикрига эътибор кучайди. Бу соҳада маҳалла жамоаларининг фикрлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳалла ноёб ходисадир,-дейди профессор Ш.С. Ўразаев. У маҳаллийчилик эмас уруғчилик эмас, оилавий жамоа ҳам эмас. Маҳаллани шартли равишда ҳудудий қўшничилик жамоаси дейиш мумкин, у барқарор, мустаҳкам, жозибали ва кўп қирралари жамоадир... Маҳалла давлат таянчидир. Маҳалла Конституциявий жамоадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида шаҳар, қасаба, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллаларнинг фуқаролари ўз йиғинларида ўзларига раис (Оқсоқол) сайлайдилар. Маҳалланинг истикболи буюк. Келажакда маҳалла, назаримизда, бўлғуси фуқаролик жамиятининг асоси бўлиб қолади. Маҳалла фуқароларнинг кичик ватани. Шунинг учун ҳам маҳалла ёш авлодни маҳаллийчилик руҳида эмас, балки ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим заминдир. Инсон маънавий қиёфаси ҳақида гап борганида унинг ўз мамлакатига, халқига муҳаббати асосий ўрин эгаллайди. Бир вақтлар А. С. Пушкин ҳам “Аждодларга ҳурматсизлик-ёввойилик ва ахлоқсизликнинг биринчи аломатидир” деган эди. Афсуски, совет ҳокимияти йилларида аввалги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузумни вайрон қилиш билан бирга қадимги маънавий қадриятлар ва диний эътиқод кўринишлар атайин унуттирилди. Аждодлар яратган миллий қадриятларни севган одамлар миллатчи, ўтмишни идеаллаштирувчи, маҳдуд деб жазога мустаҳқ қилинди. Аммо халқимиз азалдан ўзи маънавий қадриятларини ва диний эътиқодини юксак қадрлаб келди. Шунинг учун халқимиз энг оғир даврларда ҳам ўзлигини йўқотмади. Ўзбек фуқаросининг ватанпарварлиги, Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданиятини, анъаналарини теран билиб олишга интилишида кўринди. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига меҳр-муҳаббатни ва ҳурматни шакллантирмасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон жамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз

Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас. Мана шу инсоний фазилатларни авайлаб асраш ва такомиллаштириш, болаларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил ва қизларини тарбиялаш-маънавият ва маърифат марказларининг асосий иш йўналиши бўлиши керак.

VII. ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига мақсадларига эришиши ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни уларнинг собитқадамлиги, ғайрат-шижоати, фидокорлиги ва чексиз меҳнатсеварлиги асос бўлишини сингдириш лозим.

Ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ҳақида гапирар эканмиз, аввало, ҳуқуқий онг нима, деган саволга жавоб бериш зарур. Ҳуқуқшунослик қомусий луғатида бу тушунчага шундай таъриф берилади: “Ҳуқуқий онг-одамлар, ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг ҳуқуққа, қонунчиликка, адолатли судга муносабатини билдирувчи қарашлар ва ғоялар мажмуи, уларнинг ким ҳақ ва ким ноҳақ эканлиги ҳақидаги тасаввурларидир. Ҳуқуқий онгнинг ижтимоий онг шаклларида бири сифатидаги кўриниши-ҳуқуқий мафкура, яъни муайян ижтимоий ва илмий нуқтаи назарлар асосидаги ҳуқуқий қарашлар тизимидир”.

Шуни ҳам айтиш керакки, одамларнинг одатлари, ҳуқуқ ходисаларига нисбатан ҳис туйғулари-ҳуқуқий онгининг руҳий-психологик жиҳатидир. Гарчи ҳуқуқий онг амалдаги ҳуқуқ қонунларини, унинг асосий тамойиллари ва талаблари ҳақидаги билимлардан иборат бўлсада, шу билан бирга ҳуқуқий онгда баҳолаш жиҳати ва хулқ жиҳатидан қандай ўзини тутиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ана шу баҳолаш жиҳати ижтимоий адолатнинг моҳиятини ташкил этади. Чунки адолат ҳақидаги тасаввурлар турли даврларда, турли халқларда ва, ҳатто, шахсларда турлича бўлса ҳам, барча учун умумий адолат тасаввури ҳам бор.

В.Е. Давидович таъкидлаганидек: “Адолатнинг умумий тушунчасида уч жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Адолат мақсадларининг баҳоси ва мезони, мақсадга эришиш воситаларининг баҳоси ва мезони ҳамда натижаларининг баҳоси ва мезони”¹.

Ҳуқуқ ва адолат тушунчалари ўзаро шу қадар боғлиқки, кўпинча, инсонлар онгида бу иккаласи, бир тушунча бўлиб қолади. Хусусан, бу нарса ҳуқуқ ибораларида ҳам кўринади. Лотин тилида одил судлов ва адолат, олмон тилида шречтикейд ва француз тилида лечитим (ҳуқуқ) сўзлари адолат ва қонунийлик маъноларини англатади.

Аммо сўзларни бундай тушунишнинг тўғри ёки нотўғрилигини шарҳлаш бизнинг вазифамизга кирмайди. Фақат шуни таъкидламоқчимизки, адолат ва ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги буларнинг ҳар иккаласини ҳуқуқ деб ўйлашга асос бермайди. Чунки бири фалсафа, иккинчиси ҳуқуқ доирасида бўлиб, иккаласи ҳам энг муҳим тушунчалардир. Бу табиийдир, чунки ҳуқуқ тартиботлари агар адолат талабларига мос келмаса, инсонпарварлик мазмунини ва маънавий қадрият сифатидаги аҳамиятини йўқотади. Афсуски, инсоният жамияти тараққиёти тарихида инсонпарварликка зид ва шафқатсиз қонун қоидалар ҳам оз эмас. Қадимги Прокруст, милоддан аввалги XII асрда яшаган Афина қонуншуноси Дракон чиқарган машъум қонунлардан то совет давридаги “айбсиз айбдорлар”ни жазолаш учун чиқарилган қонунлар,

Андрей Сахаров ва Александр Солженицин асарларида кўп фош этилган вердиктлар-хукумлар адолатдан жуда узоқдадир.

Шу маънода Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб республикамизда демократик, ҳуқуқий давлатнинг пойдеворлари қўйила бошланди. Бунинг учун яқин ўтмишдаги тоталитар, яъни истибдод тузуми қолдирган иллатлардан қатъий қутилиш чоралари кўрилди. Жамиятимиз ҳаётида кўп партиялилик, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигини эътироф этиш, бир мафкуранинг якка ҳокимлигини тугатиш бизда қарор топаётган демократия меваларидир. Мамлакатимизда йил сайин ва ой сайин умуминсоний кадриятларнинг, жаҳон эътироф этган чинакам демократия нормалари устуворлиги қарор топмоқда.

Ана шундай шароитларда ижтимоий адолат тамойилларининг аҳамияти тобора ошиб бориши табиий. Мустақил мамлакатимизда шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатли ҳуқуқий демократик давлат куришга киришилди. Адолатга интилиш халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият, адолатпарварлик ғояси бутун кетиши зарур. Булар ҳисобга олинмаса демократик, кучли давлат куриш муаммолигича қолаверади.

Бу фикрлар жамиятнинг энг фаол қисми бўлган ёшлар фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Чунки ёшлар ўз қобилиятларини тўла намоён қилишлари учун, мақсад ва орзуларига етишишлари учун адолатли шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур. Зеро бу йўлдаги қийинчиликлар ва зиддиятлар, бизнингча, ёшларнинг тарбияси ва камол топиши билангина боғлиқ бўлиб қолмай, тегишли давлат идоралари ва ташкилотларнинг янги тарихий шароитларда ёшлар ҳаракати бошқарилишидаги номутаносибликлар ва адолатсизликларга ҳам боғлиқдир.

Шунга қарамай, жамиятимиз янгиланишнинг яхши меваларидан бири ёш авлоднинг буюк аجدодларимизга муносиб ворислар бўлишга интилишининг кучайишидир. Давлат ва жамиятнинг ёш авлодни жисмонан ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлишига тобора кўпроқ эътибор бераётгани ислохотларнинг самараси.

Янги демократик давлат курилишида ёшларнинг муносиб ўрин эгаллаши муҳим аҳамиятга эга. Адолатли ҳуқуқий демократик жамиятни куриш, ислохотларнинг тақдири-қандай интеллектуал кучларга эга эканлигига, ёшлари қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқ. Шу боис, аҳолининг маълумот олиш имкониятини кўчайтириш, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифалар каторига киради.

Республикамизда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар ёш авлод тарбиясига муносабатни ҳам жиддий ўзгартиришни талаб қилади. Чунки мамлакатимизда демократиянинг янада кенгайиши ва ривожланиш эҳтиёжлари давлат олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ қийинчиликларни енгишда ижтимоий онгни янги кадриятларга йўналтириш, иқтисодий ва ҳўжалик фаолиятини ташкил этишнинг янги шакллари вужудга келиши ишлаб чиқариш

маҳсулотлари ва меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва айрибошлашнинг мутлақо янги йўллари топишни талаб қилмоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш кучларининг ҳам янги сифатларга эга бўлиши талаб қилинмоқда. Бундай янги сифатлар, айниқса, ёш авлодга хосдир. Маънавиятнинг пайдо бўлиши истеъдодли ва билимга чанқоқ ёшлардан бошланади. Шунинг учун ҳам республикамизда ёшлар сиёсати муаммоларига жуда катта эътибор берилмоқда. Бу қонуний бир ҳолдир. Чунки Ўзбекистонда ҳозирги демографик вазият шундайки, умумий аҳолининг 43, 1 фоизи болалар ва ўсмирларни ташкил этади. Биз ижтимоий адолат ҳақида маънавият ва ахлоқни тиклаш тўғрисида гапирганда шуни эсдан чиқармаслигимиз керак ва энг муҳими, маърифатсиз, илм-фансиз эркин демократик жамиятни, келажагимизни кура олмаймиз. Биз бугун ўтмиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, эртага мустақиллик қўлига ўтадиган ёшлар, фарзандларимиз тўғрисида ўйлашимиз, уларнинг маънавий камолоти ва жисмоний соғлиги, миллатнинг саломатлиги тўғрисида қайғурадиган комил инсонни тарбиялаш асосий вазифаларимиздир.

Шўролар даврида узоқ йиллар ижтимоий адолатсизлик ҳукм сурган бизнинг республикамизда бу ишларни амалга ошириш осон иш эмас эди. 70-йиллардаги Совет Иттифоқининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий аҳолини машҳур инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси, ижтимоий адолат учун толмас курашчи Андрей Сахаров бундай таърифлаб ёзган эди: “Бизнинг жамиятимиз лоқайдлик, мунофиқлик, мешчанларча худбинлик, яширин шафқатсизлик билан заҳарланган. Жамиятимиз олий тузуми вакиллари, партия, давлат бошқарув аппарати вакиллари, зиёлиларнинг олий табақага мансуб, мансабдор вакиллари ўзларининг яширин ва ошкора имтиёзларига каттиқ ёпишиб олганлар ва инсон ҳуқуқлари бузилишига, тараққиёт манфаатларига, инсоният ҳавфсизлигига ва келажагига мутлақо парво қилмай қўйишган. Кўнглининг тубида шулар ҳақида ташвиш чекаётган бошқа одамлар эса фикрларини очик айтолмагани учун виждон азоби билан яшайдилар. Ичкиликбозлик миллат фалокати даражасига етди. Бу иллат тобора сурункали алкоғолдан заҳарланаётган жамиятнинг емирилиш симптомларидан бири бўлиб қолди”.

Академик Сахаров мамлакатни, жамиятни соғломлаштириш учун одамларни мунофиқ бўлишга, иллатларга мослашишга мажбур қилаётган, уларда заифлик, ҳаётдан қониқмаслик, тушкунлик кайфиятини вужудга келтираётган шароитларни бартараф этиш зарурлигини айтганида ҳақли эди. Андрей Дмитриевич таъкидлашича, “бунинг учун барча одамларга сўзда эмас, амалда, ўқишда ва маданий ўсишда тенг шароитлар яратиб бериш, истеъмолчиликнинг барча соҳаларида имтиёзлар тизимини йўқотиш, барчага мафкуравий эркинлик бериш, эътиқод учун таъқибларнинг барча кўринишларини тугатиш, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш зарур эди”.

Ёшларнинг камолоти, миллатнинг соғлиги ҳақида қайғураётган давлатимиз мамлакатимизда яқин ўтмишдан мерос қолган салбий ҳодисалар мафиячилик, жиноятчилик, қашшоқлашув ва бошва иллатларга қарши кураш бошлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва корхоналарга давлат дотацияларини

бекор қилиш, боқимандалик кайфиятига барҳам бериш жараёнида зарар кўраётган, ўзини қопламаётган корхоналарнинг қисқариши, шунингдек кўп сонли раҳбарлик аппаратига эга бўлган компартия ва ЛКСМ ташкилотлари идораларининг йўқолиши натижасида жуда кўп ёшлар бошқа иш топишга, ихтисосларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар ва кўпчилиги ишсиз қолдилар. Бундан ташқари, асосий умумий таълим 9 йилликка айланиши, лицей, гимназия ва олий ўқув юртларига ростакан конкурс асосида қабул қилиш оқибатида ўқишни давом эттиролмайдиган ёшлар сони янада кўпаяди. Малакали мутахассисларга талаб кўчайган ҳозирги вақтда малакасиз ёшларнинг ишсиз қолиши табиийдир. Бунинг оқибатида ёшлар ўртасида тушқунлик кайфияти ошиб, жиноий гуруҳлар кўпайиши мумкинлигини назарда тутсак, давлатимиз ёшлар ҳаёти муаммоларига жиддий эътибор бериши қонуний заруратдир. Давлат ёшларни тўғри ҳаёт йўлини танлашига амалий ёрдам бериши зарурлигини англамоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси фармонлари ва қонунларида қилинган ва ҳаётга жорий қилинаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотларда демократик ва ижтимоий қафолатларни вужудга келтириш учун ҳуқуқий асослар яратиб берилмоқда.

Аммо асосий вазифа ҳозирги шароитларга мувофиқ қонунларни ишлаб чиқаришдагина эмас, балки уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашдадир. Адолатли қонунларнинг бажарилишини таъминлаш учун эса, бу қонунларга барча кишилар тенг, бирдай амал қиладиган, қонунларнинг бузилишига сира йўл қўймайдиган даражада ҳуқуқ маданиятини вужудга келтириш зарур.

Бинобарин қабул қилинган норматив ҳуқуқий қонун-қоидаларни ҳаётга самарали жорий қилиш учун янги ҳуқуқий онгни, ҳуқуқ маданиятини шакллантириш зарур. Ҳуқуқ маданиятининг даражаси эса, қабул қилинган қонун ва фармонларнинг сони билан эмас, балки уларнинг яхши бажарилаётгани билан ўлчанади. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўли биз учун, фуқаролар учун ҳуқуқ тарбияси мактаби бўлиши ҳам керак. Айниқса, бу ёшларга тааллуқлидир. Ҳар бир йигит, қиз қонуний яшаши ва меҳнат қилиши, қонунларни яхши билиб, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга, ўз бурчларини оғишмай адо этишга ўрганиши зарур. Бошқача айтганда, қонунларга оғишмай амал қилиш ҳар бир фуқаронинг айниқса, ёшларнинг муқаддас бурчига айланиши керак. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, биз бугунги қийин шароитларда қураётган давлатимиз, мамлакатимиз мустақиллиги ва хавфсизлиги эртага кимнинг қўлига тушишини шу бугуноқ ўйлашимиз лозим бўлади.

Чунки, ҳозирги барча ўзгаришлар, Конституциянинг қабул қилиниши ҳам муайян ҳуқуқ маданиятига эга бўлган одамларга мўлжалланган. Бир тарафдан инсон эрки ва мустақил ҳаёт йўлини танлашга қобилиятли бўлиши керак. Бошқа жиҳатдан атрофдагиларнинг ҳам эркин йўл танлашини ҳурмат қилиши зарур. Бу қонунийдир. Лекин эркин демократик жамият ҳам ранг-баранг турли-туман феъл-атворли одамлардан иборат. Ҳар бир инсон ўз тирикчилиги учун турли йўл билан, фақат қонунда тақиқланган йўллардан

ташқари даромад топишга ҳақлидир. Демократик жамиятда қонун доирасидаги ҳар қандай ижтимоий фаолият билан шуғулланиш мумкин.

Жамият фуқароларининг қарашлари, нуқтаи назарлари, турмуш тарзлари, ҳуқ-атвори хилма-хил бўлган жамиятда барча одамлар бирдай амал қилишга мажбурий бўлган асос, қонун ва ҳуқуқ давлатнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Барча фуқаролар демократик давлатда ҳуқуқий қонунларига амал қилишга мажбур. Аммо ҳуқуқий савод, ҳуқуқий маданият ўз-ўзидан туғилмайди. Ҳуқуқ маданиятини боғчалардан ва мактаб парталаридан бошлаб ўргатиш зарур. Акс ҳолда, қонунларни менсимаслик иллоти жамиятни заҳарлайди. Барча учун улар қаерда хизмат қилишидан қатъий назар (улар амал қиладиган) ҳуқуқ ва умумий меъёрлар, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг умумий тизими амал қилиши керак. Худди шундай қилинганда ижтимоий адолатни қарор топтириш орқали ёшларни давлатимизга ишонч руҳида тарбиялаш ва уларни бунёдкор ишларга руҳлантириш мумкин.

Ёшлар фаолиятининг асосий турлари ўқишда ва касб ўрганишда юз берган камчиликлар, омадсизликлар туфайли улар ўз кучига ишонмайдиган, ўз қадрини билмайдиган бўлиб, ўзларини халққа ва жамиятга кераксиз заиф одамлар деб ўйлайдилар. Ўзининг ҳеч ким эмаслигини ҳеч кимга кераксизлигини ҳис этган ўсмирлар ҳаётда доимо омадсиз бўладилар. Улар фақат маълум гуруҳларга кирганларидагина ўзларини тенг ҳуқуқли, обрўли, керакли одам деб ҳисоблайдилар. Норасмий ва жиноий гуруҳларда эса расмий жамоаларга нисбатан ўз ўрнини топишнинг бошқача усулларига амал қилади. Баъзи тадқиқотлар ана шу усулларнинг тўрттасини ажратиб кўрсатадилар. 1. Улар асосий ижтимоий бурчларини бажармайдилар. 2. Жамият ҳаётидаги соғлом муносабатларни тан олмайдилар. 3. Ҳуқ-атвори ёмон, одобсиз бўладилар. 4. Қонунларни бузадилар.

Ҳар бир гуруҳнинг мақсади таркиби ва лидери, раҳбари қандайлигига қараб аъзоларнинг ҳаётда ўрнини топиш, обрўга эришиш шакллари ҳам турлича бўлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, норасмий гуруҳларнинг барчаси ҳам қонунга қарши ишлар билан шуғулланмайдилар. Норасмий гуруҳларнинг баъзилари табиатни асраш, маданиятни ривожлантириш билан шуғулланадилар. Шунинг учун барча норасмий гуруҳларга қарши курашиш, барчасини таъқиқлаш ақлга мувофиқ эмас.

Ўсмирларнинг жамият ҳаётига қўшилиш жараёнида стихияли, табиий равишда маълум босқичларда гуруҳларга бирикиши улар руҳиятининг эҳтиёжидан келиб чиқади. Мана шундай гуруҳларни соғломлаштириш учун ҳам ўзига мувофиқ ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш зарур. Аммо бу осон иш эмас. Бўш вақтларда кўнгил очиш ва маданий дам олиш муассасаларининг тижоратлашуви нархи қимматлигидан кириш қийинлиги, иккинчи томондан видеосалонлар, барлар ва дискотеклар каби маданият ўчоқларининг назоратсизлиги туфайли ёшларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ишида ҳам муаммолар келиб чиқмоқда.

Барча аҳолининг ва, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онгига ва ахлоқ-одобига порнографик-уятли ва даҳшатли фильмларнинг фалокатли таъсирига эътиборни қаратиш лозим.

Социолог олим Р. Қодиров “Видео ва жинойтчилик” китобида бу ҳақда шундай ёзади: «Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уятли ва даҳшатли фильмларни кўрган томошабинлар маълум вақт ўтганидан сўнг ўша фильмларда кўрсатилганига ўхшаш ишлар билан шуғулланиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Ана шундай видеофильмларнинг қизиқарлилиги ва юксак маҳорат билан суратга олингани туфайли ҳам ёшлар ўша қаҳрамонларга тақлид қилишга уринадилар».

Биз бу фикрга қўшиламиз. Асримиз бошларидаёқ ғарб олими Г. Тард бундай ёзган эди: “Жамият ҳаётининг барча энг муҳим ҳодисалари ибрат, намуна асосида юз беради. Ёшлар бировларга тақлид қилиб ўтирмайдилар ёки ўғирламайдилар, одам ўлдирадилар ёки ўлдирмайдилар”.

Г. Тард бу ерда бир оз муболағага йўл қўйган. У.С. Жекебоев ўз тадқиқотида Г. Тард назарисини танқид қилар экан, нима учундир муомала жараёнида ўзаро таъсир қонунларига етарли эътибор бермайди. Аксинча, ёшларни тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг иллат асосларини шакллантиришда ўзаро таъсир ва тақлидга доир психологик, яъни руҳият қонуниятларини эътиборга олиш зарур. Ёшларнинг ижтимоий руҳий муносабатлари тузилмасида тақлиднинг ўрни, тақлид қоидалари ва тақлид механизмлари каби муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳуқуқий онгга таъсир этувчи омилларни аниқлашга катта ёрдам берган бўлар эди.

Социолог олим В.Н. Кудряцев таъкидлаганидек, “ёшларнинг яхши тарбия топмаганлиги оқибатида улар шаблон, сийқа қилиқларга ва айрим гуруҳларнинг бемаза қилиқларига тақлидчилигини вужудга келтиради. Бундай тақлидчилик бизнинг фикримизча, мустақил шахс сифатида камол топмаган ёшларда кўп учрайди. Одатда ўсмирлар арзимас маъмурий, ахлоқий ва фуқаролик ҳуқуқларини бузганларида вақтида огоҳлантирилмаганида ёки жазоланмаганида жамиятга қарши ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар (масалан ахлоқсизлик, шафқатсизлик, сексуал, яъни жинсий бузуқлик) келиб чиқиши мумкин”.

Бу фикрларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, болалар ва ўсмирларнинг тақлидчилиги тўғри йўлга солинса, яъни улар сеvimли устозларига, етук спорт мураббийларига, кинофильмларнинг инсонпарвар қаҳрамонларига тақлид қилсалар, яхши ишларидан ибрат олсалар, бунини қўллаб-қувватлаш зарур. Аммо болалар ва ўсмирлар уятсиз, зўровонликни ва шафқатсизликни тарғиб этувчи фильмларнинг қаҳрамонларига тақлид қилсалар, бу жамият учун ва ёшларнинг ўз истиқболи учун ҳам хавфлидир. Бундай зарарли видеофильмлар давлат қонунлари билан тақиқлиниши шарт.

Шундай экан, ёшларни ижобий, ахлоқий ва гўзаллик идеаллари руҳида тарбиялашга ёрдам берувчи этика ва эстетика фаолларини, шунингдек, ота-боболаримизнинг буюк маънавий фазилатлари руҳида тарбияловчи миллий, диний қадриятларни ўргатувчи “одобнома” дарсларига кенг йўл очиш зарур.

Хуллас, ҳуқуқий онг ва ижтимоий адолат категориялари ўзаро алоқадор ва бир- бирига таъсир кўрсатувчи тушунчалардир. Чунки бир томондан ҳуқуқий онг одамларнинг ҳуқуқлар ва қонунларга муносабатини ифодаласа, иккинчи томондан ижтимоий адолат, ҳуқуқ ва қонунчиликнинг асосий шартларидан биридир. Қонунларни бузмай яшаш ҳам адолатни қарор топтиради ва ўз навбатида ижтимоий адолат фуқаролик қонунларининг инсонпарварлик руҳини оширади.

Шарқ мутафаккирлари давлат бошлиқларининг шахсий фазилатлари уларнинг мамлакатда адолатни қарор топтириши фуқароларга ҳам ижобий таъсир кўрсатишини исботлаганлар. А. Навоий, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ёзганидек, Агар шоҳ адолатпарвар бўлса, аҳолиси ҳам адолатли бўлади... Агар шоҳ кофир табиат бўлса, қарамоғидагиларда ҳам шундай кофирлик феъли бўлади. Донишмандлар шохни улуғ, пишқириб оқадиган дарёга, аҳолисини ва яқинларини эса дарё атрофидаги анҳорларга ўхшатадилар. Дарё сувида қандай хосият ва сифат бўлса, анҳорларда ҳам шу каби хосият ва сифат бўлади.

Тўғри одамларнинг барча хатти-ҳаракатлари ҳам ҳозирги қонунларимизда етарли ифодасини топмаган. Масалан, одамларнинг ёлғончилиги, ифвогарлиги, ғийбат қилиши бировларнинг шахсини ҳақоратлаши каби адолатсиз ишлар маънавий жихатдан қатъий қораланади. Аммо бундай одамларга жазо бериш қонунда кўзда тутилганми? Шунини қониқиш билан айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг янги фуқаролик кодексида инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойиллари кенгроқ ўз ифодасини топган. Аммо, шунга қарамай, бизга шўролар давридан мерос бўлиб қолган айрим мансабдорларнинг қонунни четлаб ўтиб халқ ибораси билан айтганда “қонундаги ўғри мақомида текин бойлик орттириш ҳоллари ҳали давом этмокда. Президентимиз ҳам бу ҳолларни қоралаб бундай деганди: «Шўролар даврида таркиб топган сохта социалистик тамойиллар ҳаётда ёлғондакам ижтимоий адолат меъёрларни қарор топтиради. Бу меъёрлар боқимандаликни ижтимоий ҳаёт ва меҳнат соҳаларида лоқайдликни, иқтисодий масъулиятсизлик туғдирадиган асоссиз тенглаштиришни англатар эди»¹.

Шундай экан, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш учун адолатли ва яхши қонунларни чиқаришнинг ўзи кифоя қилмайди. Ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талаби давлатимизда қонунларни амалга оширишда, қонунчиликни таъминлашга сафарбар этилган кишиларнинг ўзи уларни аниқ ва оғишмай ижро этиши талаб қилинади. Ҳокимият тузилмалари ҳуқуқини муҳофаза этиш, суд ва назорат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини қадам-бақадам такомиллаштириб бориш лозим. Бу ҳуқуқий асос суд ва судьяларнинг ҳокимиятнинг бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунини таъминлашида акс этаган.

Ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунларнинг сони билан

¹И. А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. с. -30. Тошкент. “Ўзбекистон” 1995, 30 бет.

эмас, балки уларнинг амалда бажарилиши билан белгиланиши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бошқаришни, бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан қарашни ўрганиб олиш лозим.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ижтимоий адолат ва чинакам демократия тамойиллари қарор топмоқда. Аммо ёшларимиз бу маънавий ва ҳуқуқий қадриятлардан фойдаланишни ўрганиши керак. Биз шундай ижтимоий тузумни бунёд этишга киришдикки, унда инсонларнинг хоҳиш иродасини эркин билдириши, ҳур фикрлик инсон ички дунёсига, унинг эътиқодига давлатнинг зўрлик қилмаслиги ҳаёт меъёри бўлиб қолади. Шу билан бирга, биз жаҳон фалсафий тафаккури, умуминсоний қадриятлар асосида, миллий маданиятимиз негизида шаклланган мустақиллик мафкураси асосида ҳар томонлама баркамол етук инсонларни тарбиялаш муаммоларини янада жиддий тадқиқ этишимиз давр талабига айланмоқда.

VIII. ЁШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЗАРУРИЙ ШАРТ.

Республикамизда юз бераётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви ёш авлодга муносабатларни ҳам ўзгартиришни тақозо этмоқда. Чунки ёш авлоднинг шаклланиб, вояга етишидан кутилган мақсад, вазифаларнинг ўзи ҳам, ёшлар мақомининг ижтимоий-ҳуқуқий таърифи ҳам, янги, эркин, адолатли ҳуқуқий жамият қуришда ёшларнинг ўрни ва иштироки ҳам бугун ўзгачадир.

Коммунистик мафкура **тазқийдан** қутилиб, мустақилликка эришган мамлакатимизда бундай ўзгаришларнинг юз бериши қонуний ҳолдир. Республикамизнинг Президенти мамлакатимизда янги жамият қуришдан мақсад нималигини тушунтириб, бундай деган эди: “Мустақиллик йиллари ёш демократик давлатни фаол қуриш унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиши давридир. Бу озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг халқнинг ёрқин келажагига ишонч билан тўлиб тошган даврдир. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат”.

Аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини ўз вақтида мувоффақиятли ўтказишнинг гаровидир, бошланган ўзгариш ва юксалиш жараёни орқага қайтишига йўл бермайдиган ижтимоий таянчдир. Шу муносабатда ёшлар сиёсатининг шаклланишида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг зарурати ўсиб бормоқда ва ижтимоий ҳимоя янги ёшлар сиёсатида етакчи ўринга чиқмоқда.

Давлатимиз, шу жумладан, ёшларнинг янги сиёсатини ишлаб чиқишни ўз олдига аниқ мақсад қилиб қўйди. Бу сиёсатнинг асосий мазмуни ва мақсади нималардан иборат? Бу ҳал қилиниши кечиктириб бўлмайдиган даражадаги жуда муҳим ва мураккаб муаммодир. Ёшларимизни бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ янги ижтимоий муносабатларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлаш, уларнинг янгича иқтисодий шароитларга ортиқча қийинчиликларсиз мослашиши учун зарур шароитлар яратиш лозим.

Шу мақсадда ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашга, уларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, билим олиш учун зарур моддий шароит яратишга доимо эътибор берилмоқда. Олий ўқув юртлари талабаларининг, аспирантларининг стипендиялари бир неча марта оширилиши давлатимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигидир.

Ёшлар сиёсатининг давлат миқёсида шаклланиши республикада туб ҳуқуқий ғояга айланиши Президентимиз томонидан бир неча бор таъкидланди. Унинг зарурияти шундан иборатки, бозор муносабатларининг тубдан ўзгариши ёшларимиз орасида меҳнат ресурсларининг қайтадан бўлиниши ва кадрлар тақсимотини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизга ҳозирги вақтда ақл-идрокли тадбиркор ҳамда ишбилармон инсонлар зарурдир ва улар асосан ёшлардан иборат бўлмоғи лозим. Республикамиз аста-секин иқтисодиёти ислохотлари йўлидан жамиятимизда ижтимоий адолатпарварлик тамойилларини қарор топтириш

йўлидан бормокда. Бозор ва иқтисодий эркинликнинг асосий мулкдорлар синфи ҳали озчиликни ташкил этади ва улар орасида ёшлар камдир. Бундай ҳолатга қуйидаги асослари жиддий сабаб бўла олиши мумкин.

Ёшларимизга ўтмишдаги тузумдан ижтимоий боқимандачилик сингари аста-секинлик билан илдиз отган иллатлар мерос бўлиб қолган 90-йилларда қишлоқ хўжалигида 15 дан 29 ёшгача бўлган ёшларнинг 37 фоизи ишга жалб этилмаган. Касбга йўналтиришнинг сустиги ҳам яна бир муаммони келтириб чиқарган. Ўша йиллардаги тадқиқотлардан ҳам маълум бўладики, балоғат ёшига етмаган ва биринчи бор меҳнат соҳасига қадам қўйган ёшлардан 60 фоизи касб ва ҳунар ўрганмаганлиги сабабли бошқа соҳаларда ишлашга мажбур эдилар.

Шунинг оқибатида ёшлар ўртасида сиёсий, фуқаролик, ҳуқуқий соҳаларда лоқайдлик каби салбий иллатлар пайдо бўлди. Социологлар кўпчилик ёшларнинг сиёсатга, мамлакатимизда юз бераётган сиёсий жараёнларга қизиқиши кескин камайиб кетганлигини қайд этишган.

Бундан ташқари, ёшлар иқтисод, сиёсат, ижтимоий ҳаётда, мураккаб шароитларда гангиб, эсанкраб қолиш ҳолатлари учрайди. Бундай вазиятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган айрим “муҳолиф” кучлар ёшларни ўз тарафига оғдириб олишга уринадилар.

Ва ниҳоят охиргиси, аммо муҳим қийинчиликлардан бири баъзи ёшларнинг маънавий ва ахлоқий етук эмаслиги, инсонпарварлик ва демократия асосларини тушунмаслиги туфайли жамиятимизда юз бераётган янги жараёнларга тайёр эмаслиги, ижтимоий фаолият кўрсатишга ноқобил эканлигидир.

Давлатимиз, республикаимиз раҳбарияти бундай камчиликларни бартараф этишни биринчи даражали ишлардан деб билиб, бу соҳада қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқдалар. Ўзбекистон Фанлар академияси умумий йиғилишида Президентимиз шу ҳақда гапириб, бундай деган эди: “Агар иқтисодий тараққиёт-жамиятимиз танаси бўлса, маънавият, маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат қуриш, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ кадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак. Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанларимизнинг муқаддас бурчидир”¹.

Давлатимиз ёшларини тарбиялаш ишида ўз олдида қўйган мақсадларга эришиш учун бир қанча қонун, ҳужжатларни қабул қилди. Жумладан, ёшлар масаласида давлат сиёсатининг асослари ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштириш юзасидан комплекс дастур ҳақида” каби қонун ҳужжатлари ёшлар муаммоларини амалий жиҳатдан ҳал этишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, ёшлар соҳасида давлатнинг яхлит дастурини бажариш

¹ И.А. Каримов Истиқлол ва маънавият. Т. “Ўзбекистон”. 1994.. 59 бет.

учун амалий фаолият бошланган. Бу фаолиятда камчиликлар бўлишига қарамай, бу фаолиятнинг ижобий таъсирлари мавжудлиги шубҳасиздир. Жамиятшунос олим С. Жўраев таҳрири остида нашр этилган “Ҳуқуқий давлат, мустақиллик, миллат, иқтисод, мафкура, сиёсат” китобнинг муаллифлари ёшлар соҳасидаги вазифаларни яхши ифода қиладилар. Бозор иқтисодига ўтиш даврида ёшлар ҳаракатини ривожлантиришнинг фаол ва таъсирчан концепциясини вужудга келтириш учун бир марта ўтказиладиган тадбирлар эмас, балки республикадаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ўзгаришлар умумий дастурининг асосий тамойилларини, давлат жамият ва ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг зиддиятлари мазмуни ва ҳолатини ҳаққоний акс эттирувчи ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг пакети, яъни мажмуасида, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳақидаги асосий қоидалар, ёшларнинг эркин ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайдиган ва мустаҳкамлайдиган иқтисодий база, ижтимоий инфраструктура, яъни тузилмалар ҳам кўрсатилиши зарур. Шуларнинг ҳаммасини ҳал этиш учун давлатимиз ёшлар масаласига яна ва яна қайтиш, бу соҳадаги фаолиятига муайян тузатишлар киритиш, ёшларни ҳимоялаш воситаларни ва механизмларини ўзгартириб такомиллаштириб боришга киришди.

Минтақавий ёшлар сиёсатини жисмоний ва маънавий соғлом миллий этник генофондни сақлаш ва ўстириш учун, ёшларнинг фаоллигини, ақлий қобилиятларини, ижтимоий ва сиёсий онгини ошириш, маънавий камолотини таъминлаш учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий ва маънавий шарт-шароитларини яратишдан, давлат сиёсий йўлини ишлаб чиқди ва амалга оширишга кирганди. Зарурий шарт-шароитларнинг вужудга келтирилиши ёшларни жамиятнинг меҳнаткаш ва ташаббускор, мулкдор, ҳар томонлама камол топган, фаол фуқаросини вояга етказишга имкон бермоқда.

Давлатимизнинг ёшларга жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш учун ижтимоий ҳимоя қилиб, зарур қулайликлар яратиб, уларга қобилиятларини кўрсатишга кенг йўл очувчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий дастурни амалга ошириш юзасидан зарур ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши ватанимиз ва миллатимиз истиқболига хизмат қилади. Ана шу ҳуқуқий ҳужжатларда қуйидаги вазифаларга эътибор берилди:

- а) жамият ижтимоий тузилмасида ёшларнинг алоҳида ижтимоий-ҳуқуқий мақомини белгилаш;
- б) меҳнат ва хўжалик фаолиятида ёшларга муайян имтиёзлар ва қулайликлар яратиш;
- в) ёшларнинг ўқиши ва ҳунар ўрганишини кафолатлаш;
- г) ёшларни маданий муассасаларига киришларини осонлаштириш;
- д) ёшларнинг саломатлигини ҳимоялаш ва моддий молиявий ёрдам бериш;
- е) ёшларни йўлдан оздириб антиконституциявий ҳаракатларга, сепаратив, миллатчилик, экстремистик оқим ва ташкилотларга жалб этувчи

кимсаларни маъмурий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий тизимини жорий этиш.

Давлат ва ёш авлод ўртасидаги муносабатларни яхши йўлга қўйиш учун ёшларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш, айтилган давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида эркин ва мустақил фикрловчи, виждонли ва диёнатли, ватанпарвар ва миллатпарвар, шунингдек, ватанимизда яшовчи барча миллат ва элатларни ҳурмат қилувчи ёшларга кенг йўл очилди.

Республикаимиз Президенти И.А. Каримов айтганидек: “Заминга, Ватанга муҳаббат, олижаноб туйғулар халқимизнинг қон жонига сингиб кетган азалий миллий хусусиятларидир. Мана шу бебаҳо инсоний фазилатларни авайлаб сақлаш ва камолга етказиш, эркин ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил ва қизларини тарбиялаш шуларнинг ҳаммаси маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишлари бўлмоғи лозим”¹.

Мана шундай миллий мафкура шубҳасиз, ёшларнинг турли табақаларини, турли ёшлар ҳаракатини ватанпарварлик асосида бирлаштира олди. Бундай ёшлар мустақил Республикаимиз олдида турган, мақсадларни тушуниб ва қўллаб-қувватлабгина қолмасдан бу мақсадларни амалга оширишда фаол қатнаша бошлади.

Мустақил ватанимизга муносиб ёшларни вояга етказиш учун эса, таълим маориф соҳасини ислоҳ қилиш устувор йўналишларидан бири эканлиги қувонарлидир. Мустақил мамлакатимизнинг келажаги буюк давлатга айлантиришдек мақсадларимизга эришиш, янги демократик жамиятни қуриш, ислохотларнинг тақдири қандай интеллектуал кучларга эга эканлигимизга, ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқдир. Шу боис, аҳолининг маълумот олиш имкониятини кўчатириш, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юқори маълумотли, маданиятли ҳамда касбини пухта билган шахсларгина иқтисодий эркин, демократик туб ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин. Буюк келажакка эришиш учун эса халқ таълимининг бутун тизимини қатъий ва тезроқ қайта қуриш зарур. Ҳозирги шароитда халқ таълими тизимини, унинг барча бўғинларини ягона комплекс сифатида юксалмоқда. Бу бўғинлар болаларнинг мактабгача тарбия олишини, умумий ва махсус билимга, профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларнинг шахс сифатида маънавий ва ахлоқий камол топишини, жисмоний ривожланишини таъминлаш зарур. Фақат шу асосдагина бошланган шарафли ишни охиригача етказишга қодир бўлган жисмонан ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш мумкин.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари. Т. Ўзбекистон. 1996 й. Т. 3. 170 б.

Шунинг учун умумий таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизимини жиддий равишда мустаҳкамлаш, ўқув дастурларини янгилаш, уларни жаҳон билим дурдоналари билан бойитиш, замонавий дарсликлар ва махсус адабиётлар чиқариш йўлга қўйилди. Ўқитувчилар, муаллимларнинг обрў-эътиборини қайта тикланиб, уларнинг меҳнатини эътиборли ва юқори ҳақ тўлана бошлади.

Аммо олий ўқув юртларининг талаблари учун янги дарсликлар чиқариш ҳам етарли эмас. Тегишли вазирликлар, олий ўқув юртлари, кўп сонли педагог олимлар олдида ёш авлодни мутлақо янги сиёсий ва иқтисодий шароитларда ҳаётга тайёрлашнинг яхлит концепсияси ва дастури асосида ёшларнинг билим олишига, юксак маданиятли, софдил, ориятли, ахлоқий мусаффо бўлиб вояга етишига ёрдам берадиган кутубхоналар, музейлар, кўргазма заллари ва бошқа маданий муассасаларнинг моддий аҳволини мустаҳкамлашга, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш муаммоларига янада кўпроқ эътибор беришимиз керак.

Х У Л О С А.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг жамиятимизни шўролар тузумидан, Коммунистик мафкура яккаҳокимлигидан оғир мерос бўлиб қолган сиёсий лоқайдлик, иқтисодий қарамлик, маънавий инқироздан олиб чиқиш, ислохотларни амалга оширишдек мураккаб вазифаларни ҳал этишда юксак натижаларга эришди. Ўзбекистон ўзининг буюк келажаги йўлида Республикамиз Президенти таъкидлаб айтганидек, “барча ислохотларнинг иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат вазифани бажаришга киришди”.

Барча замонларда ҳам жамиятнинг энг фаол ўйлайдиган истеъдодли, ташаббускор қисми, айтилиб кетганда, ўқиш, ўрганиш билан бўлиб, мустақил ҳаётга эндиgina қадам қўяётган, бир дунё орзулар билан яшаётган ёшлар ижтимоий ҳимояга олинди. Давлатимиз раҳбари айтганидек, “наслимизнинг келажаги-соғлом авлод учун кураш бошладик. Соғлом деганда биз фақатgina жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз яхши англаб олмағимиз шарт”.

Аммо жисмоний ва, айтилиб кетганда, маънавий соғлом авлодни вояга етказиш мураккаб ва узок давом этадиган жараёндир. Шунинг учун ҳам янги авлодни тарбиялаш биздан давлат иши, давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Бу соҳада қўйилган мақсадларга эришиш учун жамият ҳаётида, унинг қонунлари билан мустаҳкамланган ижтимоий адолатни қарор топтириш ёш авлодда мустақил давлатимизнинг буюк келажагига ишонч уйғотиб, уни янги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларни ҳал этишга сафарбар этишнинг асосий йўналишлари белгиланиб, ишга киришилди.

Ижтимоий адолат юксак маънавиятнинг ҳам асосий талабларидан биридир. Ижтимоий фанларда айтилиб кетганда, фалсафа фанида ижтимоий адолат муаммолари барча замонларда ҳам илғор мутафаккирларнинг эътиборини тортди келган. Ушбу рисолада шу муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Жаҳон фалсафий тафаккури тарихида инсоният жамиятни тараққий эттиришда умуминсоний қадриятлардан бири-ижтимоий адолатнинг ўрганилиши фалсафанинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Фикримизнинг исботи шуки, энг қадимги даврлардан ҳозирга қадар барча файласуфлар ижтимоий адолатни қарор топтириш муаммоларига катта эътибор билан қараганлар. Истиқлолимиз муносабати билан бу муаммоларни ҳал этишнинг аҳамияти янада кучайди.

2. Қадимги давр Шарқ ва Ғарб уйғониш даврлари мутафаккирлари Арасту, Эпикур, Абу Наср Форобий, Томас Мор, Томазо Компонелла ижтимоий адолат муаммоларини мукамал ва адолатли жамият ҳақидаги орзулар сифатида таҳлил этганлар. Сал кейинроқ, Ибн Сино ҳам “Донишнома” китобининг “Жон ҳақида” бўлимида бу муаммога эътибор берган. Шулар асосида хулоса чиқариш мумкинки, инсоният тарихида

мутафаккирлар, айниқса, Шарқ файласуфлари ижтимоий адолат муаммоларини ёш авлод тарбияси, инсоннинг ахлоқий камолоти, комил инсон муаммолари билан боғлаганлар.

3. Адолат муаммолари диний манбаларда ҳам асосий ўринни эгаллайди. Ислом диний таълимотида ижтимоий адолат тамойилларига доим амал қилиш зарурлиги уқтирилади. Қуръони Каримда ижтимоий адолат тамойиллари жамиятда барча одамларнинг тенглиги тарзида ифодасини топган. Қуръон оятларида “Оллоҳ ҳузурида барча одамлар тенгдирлар, улар фақат тақводорлиги даражаси билан фарқланадилар” дейилади. Муҳими шундаки, ислом диний қадриятларида барча одамларда, айниқса, муҳтожларга меҳр, шафқатли, мурувватли бўлиш ижтимоий адолат талаби ҳисобланади. Ҳадиси Шарифларда ҳам кимки бошқаларга раҳм қилмаса, Оллоҳ ҳам унга раҳм қилмайди. “Минг соатлик ибодатдан, бир соатлик адолат яхши” дейилгани, ижтимоий адолатнинг нақадар бебаҳо қадрият эканлигини кўрсатади.

4. Мустақил ватанимизда янги деморатик жамият қуришда, айниқса, ижтимоий адолатни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини Республикамиз Президенти деярли барча нутқлари ва асарларида таъкидлаб келди. “Ҳозир биз демократик, адолатпарвар жамият, қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат қуриш учун яшаётган ва меҳнат қилаётган бир даврда бозор муносабатларига қандай маънавий-руҳий асосда ўтаётганлигимизга бефарқ қарай олмаймиз, адолатга интилиш халқимиз руҳиятининг муҳим хусусиятидир, ижтимоий адолатни қарор топтириш бизнинг муқаддас орзуимиз бизнинг стратегиямиздир” .

5. Жаҳон фалсафий тафаккурида минг йиллар давомида ижтимоий адолат муаммоларига бағишлаб ёзилган асарларни таҳлил этиш шунини кўрсатадики, баъзи файласуфлар ижтимоий адолатни ноз-неъматларни, жамоа ва айрим шахслар ўртасида меҳнатга яраша ҳақ тақсимлашнинг реал жараёнлар ва ҳаётини шарт-шароитлар деб тушунади. Баъзи файласуфлар эса, ижтимоий адолатни жамиятда одамларнинг ўзаро муносабатлари ва айрим шахсларнинг қилмишларини адолатли ёки адолатсиз деб ахлоқий баҳолаш, яъни маънавий қадрият деб тушунадилар.

Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, турли даврларда турли ижтимоий шароитларда ижтимоий адолат муаммоларига турлича маъно берганлар. Аммо баъзи тафовутлар бўлишига қарамай, барча халқларнинг адолат тушунчасини яхшилик ва ёмонлик, иймон-этиқод, ҳалоллик, раҳм-шафқат кабилар белгилайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ижтимоий адолатнинг, мукаммалликка даъво қилмаган ҳолда, қуйидаги илмий таърифни берамиз: “Илмий фалсафий маънода ижтимоий адолат тамойиллари жамият ривожининг муайян тарихи шароитида фуқароларнинг меҳнат фаолияти яна бунёдкорлик меҳнати ва интилишлари билан жамият ва давлатнинг турли гуруҳлари, жамоалари ва айрим шахсларнинг уларга жавобан ҳаракатларининг мувофиқ келиши мезонидир”.

6. Мустақил мамлакатимизнинг бозор иқтисодий тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ижтимоий иллатлар билан касалланган, бир қисми маънавий ахлоқий ва руҳий мажруҳланган, иккинчи қисми жамиятдан бегоналашган тоифалари билан иш кўришга тўғри келмоқда. Аммо, Президентимиз таъкидлаганидек, ёш авлоднинг камчилиги ижодий ва қобилиятларни сақлаб қолган учинчи қисми ҳам бор эди. Аммо ижтимоий адолат тамойилларнинг бузилиши мана шу учинчи тоифадаги соғлом авлодга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг олдини олиш ва, аксинча, барча тоифалардаги ёшларни давлатнинг буюк келажаги йўлида фидокорона фаолият кўрсатишлари учун барча мактаб, ўрта ва олий ўқув юртлардан то раҳбарлик даражагача бўлган барча жараёнларда, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш зарур. Худди шундай ёшларни кўзда тутиб республикамиз Президенти: “Биз ҳозирги қийинчиликларни енгиб ўта оладиган ёш авлодга суянамиз”, - деган эди.

7. Кўпчилик социологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, катта ёшдагилар ёшларнинг нималарга қизиқиши ва уларнинг ҳаётидаги муаммоларни яхши тасаввур қила олмайдилар ва ўз фаолиятларида шуларни эътиборга олмайдилар. Масалан, кўпчилик соф виждонли ёшларда адолат туйғуси кучли ривожланганлиги, ёшлар ҳар қандай етишмовчиликларга чидасалар ҳам, адолатсизликни кўтара олмайдилар. Кўпинча ёшлар ҳаётдаги адолат ва адолатсизликни, у ёки бу раҳбарнинг қилмишини, ҳокимият фаолиятини, иқтисодий ечимларни ўз мезонлари билан ўлчайдилар. Улар бирор фаолият ёки ижтимоий ходисаларни илмий назорат асосида эмас, балки ички хиссиётлари билан адолатли ёки адолатсиз деб ҳисоблайдилар. Ёшлар руҳиятининг бу хусусиятларини билиш, тушуниш ва эътиборга олиш зарур. Шунинг учун ҳам донишмандлар айтганидек, ёшларга хиссиёт билан тафаккурни уйғунлаштириш зарурлигини, ақл билан қалб уйғунлашганида етук эътиқод вужудга келишини тушунтириш зарур. Катта ёшдагилар, жамият, давлат идораларида ишлаётган одамлар, ўрта ва олий ўқув юртларидаги мураббий устозлар ёшларнинг шу хусусиятларини билиб, уларга ақл тарозиси билан иш кўришни ўргатиши зарур.

8. Энг муҳими, ижтимоий адолатни қарор топтириш йўллариини шакллантириш демография, сафсатабозлик даражасида қолиб кетмасдан, ёшларни чинакам ижтимоий ҳимоялаш фаолияти билан шуғулланиш зарур. Аввало, ҳаётга янги кириб келаётган ёшлар учун йўл бошидаги барчага тенг бериладиган имкониятларни ҳозирлаш лозим. Бу эса осон иш эмас. Чунки турли табақаларга мансуб оилаларнинг оладиган даромадлари, яшаш шароитлари, маълумот даражалари, миллат ва оилавий анъаналар, болаларнинг миқдори ва ҳоказолар барчада тенг эмас. Аммо, шунга қарамай, бундай тафовутларни имкон қадар камайтириш, элитаризм “аслзодаларга” асоссиз имтиёзлар берилишини йўқотиб, барчага тенг имкониятларни яратиш адолат ва демократия талабларидир.

9. Ёшларнинг ақлий ва маънавий тарбиясини яхшилаш учун уларнинг қобилиятларини намоён этишларига кенг йўл очиб бериш зарур. Жамиятда фалон мансабда ёки ўринда мен бўлганимда халқ ва жамият учун кўпроқ иш

килардим деб ўйлайдиган ёшлар билан шу мансабда мен ўзим ва оилам учун энг кўп фойда чиқаришим керак деб ўйлайдиган ёшларнинг адолат ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурлари турличадир. Адолат ғалаба қозониши учун ёшларни таниш-билишлик билан ёки бой-бадавлатлиги эмас, балки қобилиятлари, истеъдодлари даражасига қараб ҳизмат вазифаларига тайинлаш зарур. Бундан ташқари турли тоифалардаги ёшларнинг маданий дам олишлари, кўнгил очишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳам мумкин қадар кенг шароитлар яратиб бериш зарур.

10. Ҳозирги мураккаб ижтимоий иқтисодий шароитларда ёшлар билан ишлашнинг турли хил йўллари ва шакллари ҳам ўзгартиришга тўғри келади. Чунки бозор иқтисоди шароитларида ажойиб натижалар билан бирга давлатимиз хоҳласа хоҳламаса ёшларнинг ижтимоий табақаланиш, кўнгил очиш ва маданий дам олиш соҳаларининг тижоратлашуви, парно-бизнес, айрим ёшларнинг фаолиятида жиноятга мойиллик каби йўлдан урувчи салбий ҳодисаларга йўл очади. Бунга йўл қўймаслик учун жамиятимиз, давлатимиз кўпчилик ёшларнинг маданий дам олишлари жисмоний тарбия ва спорт билан бемалол шуғулланишлари учун энгиллик туғдирадиган шароитлар яратишмоқда.

11. Ёшларимизнинг миллий, маданий, маънавий қиёфасини қайта тиклаш, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиб жамиятимизнинг маънавий покланишига муносиб ҳисса қўшадиган ёшларни вояга етказиш мураккаб ва машаққатли жараён бўлиб, бу эркин демократик давлат қуришнинг таркибий қисмидир. Бу соҳадаги вазифаларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида амалий ҳал этиш учун самарали ижтимоий ҳимоя механизми ишлай бошлади.

12. Ёшларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрнини топиши, ўз ҳаёт йўлини эркин танлаши учун улар маънавий камолотга эришишлари зарур. Ёшларда гўзал инсоний фазилатларни шакллантириш умуминсоний ахлоқ талаби ҳамдир. Давлатимиз авлод камолоти учун масъулиятни ўз зиммасига олиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этишга киришди:

а) ёшларнинг бозор иқтисоди шароитларида фаолият кўрсатиши учун уларни психологик ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш; б) ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага келтириш учун, уларнинг ишлаб чиқариш ва жамоатчилик соҳаларида мустақил фаолият кўрсатишлари учун шароитлар яратиб бериш; в) ёшларнинг эркин меҳнат қилишлари учун тегишли ҳуқуқий кафолатлар ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини ишлаб чиқиш.

13. Ёшларимизда ҳалоллик, камтаринлик, меҳр-мурувват, катталарга иззат-ҳурмат, кичикларга шафқат, адолат ва саховат каби гўзал маънавий фазилатларни шакллантиришда ислом диний қадриятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жамиятимизнинг маънавий тикланиши ҳақида сўз борар экан, бу соҳада ислом ахлоқи, катта имкониятларга эга эканлигини эътироф этиб, улардан софдил, имон-инсофли, ахлоқ-одобли ёшларни тарбиялашда фойдаланиш зарур.

14. Ёшларнинг маънавий ахлоқий қиёфасини шакллантиришда маҳаллалардаги адолатли миллий анъаналар ва урф-одатларнинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Халқимизнинг маҳалла тузилмасида мужассамлашган ўзини-ўзи бошқаришнинг ўзига хос анъаналари ёшларнинг тарбиясига ҳам самарали таъсир кўрсатади.

15. Кейинги йилларда Республикамизда ижтимоий иқтисодий маданият ва халқ таълими соҳасидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун демократия руҳи билан суғорилган жуда кўп янги қонунлар қабул қилинмоқда. Жамиятимизда ижтимоий адолатни янада кенгроқ қарор топтиришда қонунлар жуда катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқ ва адолат бир-бирига жуда яқин тушунчалар бўлгани учун, ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ва барча фуқароларнинг манфаатларини ҳурматлаш зарурлигини доимо эсда тутиб, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш чораларини кўчайтириш лозим.

16. Ёшларни ижтимоий ҳимоялашда адолат мезонларига мувофиқ боқимандалик кайфиятларига барҳам бериб, ташаббускор ва ғайратли ёшларга кенг йўл очиш ҳозирги шароитида ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг зарур шартларидан биридир.

17. Мустақил, демократик, ҳуқуқий, адолатли давлатни қуриш ва мустаҳкамлаш учун жамиятимиз фаровонлиги ва миллий тикланиш вазифаларини амалга оширишга қодир ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун Республикамиздаги бутун таълим тарбия маориф соҳаларида ишлаб чиқилган туб ислохотларни оғишмай амалга ошириш давлатимиз, жамиятимизнинг порлоқ келажаги учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент:–“Ўзбекистон”, 1992. 8-20 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. 1 том. 184-204 бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари, /Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир/. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. 3 том. 10-41 бетлар.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт асоси. “Бунёдкорлик йўлидан”. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. 4 том. 167-183 бетлар.
5. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. 2 том. 96-281 бетлар.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995. 14-30 бетлар.
7. Каримов И.А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. 10-15 бетлар.
8. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон». 1994. 58-бет
9. Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. – Алма-Ата “Наука”, 1973.
10. Антология мировой философии. – М., 1969. –Т. 1. – С. 360.
11. Аристотель. Никомахова этика. –Спб, 1908. –С. 93.
12. Аристотель. Собр. соч. в 4-х томах. –М: Мысль, 1983. Т.4. – С. 379 – 411.
13. Гельдиева А.Ч. Национальная культура и личность. Ташкент: “Узбекистан”, 1993.
14. Герцен А.И. Собр.соч. в 30-ти т. –М, 1956. –Т. 10.
15. Гринберг Л.Г. Что такое справедливость? –Л., 1968.
16. Давиджович Е.В. Социальная справедливость: идеал и принцип деятельности. –М: Политиздат, 1989.
17. Ибн Сина. Избранные философские произведения. –М. 1983.
18. Кадиров Р. Видео и преступность. Ташкент, “Узбекистан”, 1992.
19. Ренан. Собр. соч.-Киев, 1922.-Т.3. –С148.
20. Сахаров А. Мир, прогресс, права человека: статьи и выступления. М. 1990. Советский писатель.
21. Солаев Э.Ю. Наука и социальная справедливость. Баку. 1987.
22. Саидов А.Х. Основы мусульманского права. –Ташкент. 1994. Академия МВД.
23. Уразаев Ш. Э. Роль права а демократизации общества и его суверенизации Тезисы докладов международной конференции “Демократия и право”. Ташкент. 1995.
24. Философский энциклопедический словарь М. 1983. С. 213. Советская энциклопедия.
25. Юридический энциклопедический словарь. М. 1984. Советская энциклопедия.

26. Социальная справедливость и пути реализации в социальной политике. Книга 2. М. 1982. С. 129-130-149.
27. Парыгин Б.Д. Социально-психологический климат коллектива. Пути и методы изучения. Л. 1981.
28. Ўзбекистонинг миллий истиқлол мафкуриси. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1993. 85-86 бетлар.
29. Фаробий А.Н. Фозил шаҳар одамлари.-Т. “Мерос” нашриёти.
30. Адбулла Авлоний, “Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ”, Т, “Шарқ” концерни, 1993 сах. 109.
31. Ғаззолий З.М. Кимий саодат. “Камалак”, Т. 1995.
32. Қуръони карим.сах. 136.
33. Роговин В.З. Распределительные отношения, как фактор интенсификации производства. Социологичекие исследование.-1982. N 2. С.7.
34. Заславская Т.И. Человеческий фактор развития экономики и социальная справедливость. Коммунист. – 1986. –N 13. С. 66.
35. Мамарашвили М.К. Философия-это сознание вслух. Юность 1988. N 12 с. 11.
36. Керженцев Т.М. Принципи организации. М. Наука. 1968. с. 399
37. Lickona T. Critical in moral development and behowor in moral development and behowor-NJ, 1976-P.X.

М у н д а р и ж а

Кириш	3-6
1. Ижтимоий адолат муаммосининг тарихий ўрганилиши.....	7-16
2. Хориж ва МДХ да ижтимоий адолат тушунчасининг ёритилиши.....	16-18
3. Ижтимоий адолат тамойиллари таърифи.....	19-24
4. Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда адолатнинг ўрни.....	25-29
5. Ёшлар маънавий қиёфа шаклланиш омиллари.....	30-33
6. Оилавий муносабатларни шакллантиришда ижтимоий адолатнинг роли.....	33-41
7. Ижтимоий адолат тамойиллари ва ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш.....	41-48
8. Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш зарурий шарт.....	49-54
Хулоса.....	54-58
Фойдаланилган адабиётлар.....	